

625(5930) / 1
1526



**МАПУХУ
НОЋЕУЌИ**

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдан _____

--	--

Т-4, Зак. № 2005

Количество предыдущих
выдан _____

--

Т-4, Зак. № 2005

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат ва жамият
қурилиши академияси

28/11-05

ушк 1



МУҲАММАД АЛИ БАЛЖУВОНИЙ

ТАРИХИ НОФЕИЙ

(Фойдали тарих)

585



1162

“Академия” нашриёти
Тошкент - 2001

Масъул муҳаррирлар:

Ф.Р.Эргашев, тарих фанлари номзоди;

Р.Э.Холикова, тарих фанлари номзоди.

Тақризчилар:

Р.Каримов, тарих фанлари доктори, профессор;

Н.Норқулов, тарих фанлари номзоди;

К.Ражабов, тарих фанлари номзоди.

Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофсий. Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. Т. «Академия», 2001 й.

“Тарихи нофсий” (Фойдали тарих) - яқин йилларга-ча мутахассисларга ҳам номаълум бўлган асардир. Бу манба XX аср бошлари Бухоро амирлигига оид муҳим маълумот-ларни беради. Амирликнинг давлат тизими, идора усули, 1918-1922 йиллар давомида юз берган сиёсий воқеалар гувоҳ томонидан баён этилган. Ушбу китоб Бухоро амир-лиги тарихи билан кизикқан барча китобхонлар учун мўл-жалланган.

ББК 63.3 (5У-2Бух)

Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба

Бухоро амирлиги тарихи ва маданиятига оид манбаларни излаб топиш, тавсиф ва тадқиқ этиш, зарур бўлганда ўзбек тилига таржима қилиш манбашуносларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Бухоро тарихнавислик мактаби намояндalари томонидан 50га яқин тарихий, тарихий-адабий ва биографик асарлар яратилган. Булардан жуда кўп қисми бугунги кунга қадар олимларимиз томонидан махсус тадқиқ қилинмаган ва Ватанимиз тарихи учун муҳим ҳисобланган аксарият манбалар эса, ўзбек тилига ўтирилмаган. Жумладан, Муҳаммад Содик ибни Амир Музаффар “Ҳашмат”нинг, Ҳамид Бақоҳўжа ўғлининг, Муҳаммад Шарифжон - “Садри Зиё”нинг ва бошқа муаллифларнинг асарлари мутахассисларга маълум бўлса-да, махсус тадқиқ қилинмаган ҳамда илмий муомалага жалб этилмаган.

Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувонийнинг “Тарихи нофеий” номли асари Бухоро амирлигининг XIX-XX аср бошларидаги сиёсий тарихини ёритиб берувчи манбалардан ҳисобланади. Асарда Бухоро инқилоби, Совет давлатининг Бухоро давлатига нисбатан олиб борган сиёсати воқеалар гувоҳи тилидан баён қилинади.

“Тарихи нофеий”ни араб имлосида нашр эттирган олим Аҳрор Мухторов ўз сўз бошисида

ёзади: “Тарихи Нофеий” номли асар фақат Ўрта Осиё халқлари тарихи билан қизиққан мухлисларга, балки тарихчиларга ҳам маълум эмас эди. Асарнинг муаллифи Муҳаммад Али Муҳаммад Сайид Балжувонийнинг ўғли бўлиб, уни фақат қария ҳамқишлоқлари эслайдилар. Муҳаммад Али ражаб ойининг 18-куни ҳижрий 1341 (милодий - 1923 йили, 12 февраль) сана Самарқанд шаҳрининг Тиллакори мадрасасида “Тарихи Нофеий” асарини ёзишга киришиб, ҳижрий 1346 йили муҳаррам ойининг 22-куни (милодий - 1927 йил 22 июнь) уни Балжувоннинг Бештанг қишлоғида ниҳоясига етказган.

Муҳаммад Али Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўриб, бир муддат давлат ишларига ҳам аралашиб юрган” (Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувоний: Тарихи нофеъи-Душанбе, Ирфон, 1994 йил, 3-бет. (араб ёзувида)).

“Тарихи нофеий” асарининг муаллифи умрининг охириги қисмини Оқбулоқдара қишлоғида ўтказиб, 70 ёшида оламдан ўтган.

Асар қўлёзмасининг тавсифи, камчиликлари, хусусиятлари ҳақида А.Мухторов кенг маълумот берган.

Асар ўзбекистонлик тарихчи олимлар ҳамда кенг китобхонлар учун маълум бўлмаганлигини назарда тутиб унинг мазмунини ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиш асосида қисқа баён қиламиз. “Тарихи нофеий” қисқа кириш, 15 боб (мақсуд, мақсад) ва хотимадан иборат. Асар бобларининг номлари қуйидагича:

1. Бухорои шариф ўлкасининг фазилатлари ҳақида.

2. Самарқанди фирдавсмонанднинг фазилатлари ҳақида.

3. Бухоро подшоҳлари салтанатларининг тартиби ҳақида. Ўз навбатида, бу боб 7 фаслга бўлинади.

4. Сайид Олимхон ибн Абдулаҳадхоннинг салтанати ва унинг даврида рўй берган ҳодисалар ҳақида.

5. Амир Олимхон ва Бухоро мухожирларининг Колесов воқеаларидан кейинги аҳволоти ва унинг Афғонистон вилоятига чекиниши ҳақида.

6. Русия шўроларининг зафар топгани, Бухорони босиб олиниши, Амир Олимхоннинг Хисор ва Афғонистонга қочганидан кейин Бухоронинг хароб бўлиши, бухороликларнинг аҳволи ҳақида.

7. Бухорода иттифоқчи шўролар ҳукумати ва инкилобчиларнинг ҳукмронликлари ҳақида.

8. Бухородаги хароб бўлган иморатларни, баъзи мадраса ва қабристонларни бузиб, таъмир этилиши, Русия иморатларига ўхшаш қурилишлар олиб борилиши ҳақида.

9. Бухоро подшоҳларининг саркарда ва амалдорлик номи билан танилган баъзи мансабдорлари ва хизматкорлари ҳақида.

10. Амир Олимхон билан Афғонистонга қочиб кетган амалдор ва фуқароларнинг аҳволлари, Бухоро ва унинг ноҳияларига қайтганлар аҳволидан хабарлар.

11. Амир Олимхон қочганидан сўнг Бухоро

ва Самарқандда босмачилик ҳаракатининг бошланиши, бу жамоанинг ғалаёни.

12. Илми ҳикмат ҳақида.

13. Баъзи файласуфларнинг шарҳи ҳоли ҳақида.

14. Тақвимлар, абжад ҳисоби, ривоят ва асо-тирлар.

15. Мовароуннаҳр, Бухоро, Самарқанд ва Усмоний давлатлар подшоҳларининг тарихлари ҳақида.

Хотима.

Кўриниб турибдики асарнинг 12, 13, 14-боблари компилятив мазмунга эга, охириги 15-бобнинг мазмуни ҳам маълум фактларни келтиришдан иборат.

Шунга қарамасдан, “Тарихи нофеий” асарининг муаллифи кўп масалаларни ҳаққоний ва холис баҳолаган, ҳиссиётларга берилмаган. Асар муаллифининг Бухоро амирлигида давлатнинг идора этилишига оид маълумотлари, жадидлар ва тараққийпарварларга берган баҳолари, Бухоро инқилоби ва унинг оқибатларига бўлган муносабатлари ниҳоятда аҳамиятли ва қизиқарлидир.¹

“Тарихи нофеий” асари бизга маълум бўлган бир қатор асарларнинг маълумотларини тўлдиради, баъзан янгича талқин қилиш учун ёрдам беради. Муҳаммад Али баён қилган даврнинг баъзи бир масалалари Аҳмад Дониш, Садриддин

¹ Воҳидов Ш. “Тарихи нофеий”. Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. № 9-11, 48-54 б.

Айний, Садри Зиё, Амирзода Ҳашмат, М.С.Андреев ва О.Д.Чехович, В.В.Бартольд, А.Вамбери, А.Б.Вильданова, Д.Н.Логофет, Л.И.Ремпель, А.А.Семёнов, О.А.Сухарева ҳамда бошқа ўзбекистонлик олимларнинг асарларида тадқиқ қилинган¹.

“Тарихи нофеий” асарида берилган маълумотлар мутахассислар ва кўпчилик китобхонларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлади. деб ўйлаймиз.

Асарни нашрга тайёрлашда яқиндан ёрдам берган ноширлар ҳамда Қахрамон Ражабов, Наим Норкуловларга миннатдорчилик билдирамиз.

Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев
тарих фанлари докторлари

¹ Айний С. Бухоро Асарлар. IV жилдди-IV ж. - Душанбе, 1957; Шу муаллиф. Ёлдошто Жилдҳои I ва II. Душанбе. 1972, Садри Зиё. Наводири Зиёя. Душанбе, 1991; Ҳашмат-Мир Муҳаммад Содик ибни Музаффар. Дафтари мусаввадаи Ҳашмат.//Кулзма. ЎзР ФА Беруний номидаги шарқшунослик институти фонди №2397; Андреев М.С. Чехович О.Д. Арк-кремль Бухары. Душанбе. 1972; Бартольд В.В. Церимониал при дворе узбекских ханов в XVII веке. - Сочинения т. II. г. 2. - М.: 1962; Шу муаллиф. Бухара. Ёс. ёматники и их судьба. - Сочинения т. IV. - М.: 1965; Шу муаллиф. История культурной жизни Туркестана. - Сочинения т. II. г. 1. -М.: 1963; Вамбери А. История Бухары или Трансаксонии с древнейших времён до настоящего. т. I-II -Спб. 1873; Вильданова А.Б. Подлинник бухарского трактата о чинах и званиях.// Письменные памятники Востока. - М.-Л.: 1970; Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство в его современном состоянии. - Спб. 1909; Шу муаллиф. Бухарское ханство под русским протекторатом. т. I-II. - Спб. 1911; Ремпель Л.И. Далёкое и близкое. Страницы жизни, быта, строительного дела, ремесла и искусства старинной Бухары. - Т.: 1982; Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и обязанностях носителей их в средневековой Бухаре.// Советское востоковедение. т. V. М.-Л.: 1948; Сухарева Д.А. Бухара XIX-начало XX в. - М.: 1966; Шу муаллиф. Квартальная община позднефеодального города Бухары. -М.: 1976.

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим!

Кудрати беҳудуд бўлган Оллоҳга шукру ҳамдлар, нубуввати олий уламоларига раҳнамо бўлган расулга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин. Ҳидоятлари бениҳоя бўлган азим ёронларга, ул расулнинг жами саҳобаларига яздоннинг саломи бўлсин.

Оллоҳ шукри ва Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васалламнинг бепоён дурудидан сўнг... бу заифу ҳақир Оллоҳ даргоҳининг ва расули самадонийнинг сайланган умматининг бандаси, яъни фақири бебизоат Муҳаммад Али бин Муҳаммад Сайид ал-Балжувоний бўлади. Бухоро ва Самарқандда бўлган баъзи биродари киромлар ва азиз дўстларим Русияда шўролар давлатининг ўрнатилиши ва Бухоро давлатида юз берган воқеалар ҳақида Бухоро ҳурриятидан кейин шундай илтимос қилдилар: Бу айёмда, шу яқин кунларда шундай ходисалар воқе бўлдики, уларни ёдгорлик учун замона аҳволига мувофиқ бир рисолада ёзиб тасниф этгин. Бу фақири бебизоат иззат-икромли биродаримнинг илтимосига биноан қаламни давог хонасига уриб, оқ қоғозга хатимни тушириб, унга “Тарихи нофеий” деб ном бердим.

Маълумки, бу олам умид даргоҳи, унда бир самонни хирмон, тиконни гулшан, қотишмани маъдан, дирамни хазина деб ўйлайдилар. Мен ҳам (бу асарни) ҳурматли биродарларим ва иззатли дўстларимга қабул бўлади, деб умид қиламан.

Фард:

Бир чигиртка сонини Сулаймон хузурига олиб бориш,

Айбдир, лекин бир чумоли учун хунардир.

Бу китобнинг мақсадларига кўз кўрмаган ва қулоқ эшитмаган даражада оро ва зийнат берилди. Китобни Русия шўроларининг ҳукумати даврида Самарқанди фирадвсмонанд шаҳрининг Тиллақори мадрасасида ражаб ойининг 18-куни, сана 1341 йили, яъни 12 февраль 1923 йилда бошладим. Китоб 15 мақсад(боб)дан иборат.

БИРИНЧИ МАҚСАД

Бухорои шариф ўлкасининг фазилатлари ҳақида

Билмоқ лозимки, бу шаҳарни “илм боғчаси” дейдилар. Бухоро сўзининг асл маъноси илмдир. Бинобарин, Бухоро деб аташган. Бу шаҳарда уламо, фузало, сулаҳо (солиҳ одамлар) кўпдир. Унга “Ислом маркази” деб ном берганлар. “Тарихи муллозода”¹ асарида “Қуббат ул-ислом” деб айтилган. Подшоҳлар васикаларида “Сонахуллоху анил-офоти ва ал-балиёт” (яъни “Оллоҳ уни офат ва балолардан асрасин”) деб ёзардилар. (Бухорода) шаҳид авлиёлар ва улўғлар кўп бўлган. Ҳазрати Аюб (а.с.) Бухоро ва Бухоро аҳли учун кўп дуолар қилганлар. Бу балдани (шаҳарни) “Балдат ул-омон” (Тинчлик шаҳри) ҳамда “Фохира” (фахр этувчи) дейдилар. Сабаб шулким, қиёматда бу ўлкадан, унинг

ахлидан пайғамбарларнинг фахри бўлмиш расул(с.а.в.)имиз фахр қилар экан. Шунинг учун Бухорони “фохира” дейдилар.

Бу ўлкани халқи жуда раҳмдил ва фаришта-сифат, мусофирдўст, илмомуз, нозикфаҳм, ширинсўздорлар. Баъзи тарихий асарларда бу диёрни шундай тавсиф этганлар: Бухоро жаннат бўстонларининг бири, унинг кишлоклари зеболикда жаннатнинг кўшқларига ўхшар, хавзлари раъноликда фирдавс хавзларига монанд, унинг масжидлари ва мадрасалари жаннат ул-адан қасрларига ўхшайди, уламолари латофатда самарали дарахтларга ўхшайди, бу ўлканинг ахли шарофатда фаришталарга монанд, девору қалъалари жаннатнинг иморатларига ўхшайди.

Банда, бу ўлкани қанча васф қилиб, ҳамду санолар айтсам ҳам сўзим камлик қилади, бу рисолага ҳам сиғмайди.

Агарда Бухоронинг васфини тўлик ёзсам ҳамду саноим учун минг ман қоғоз керак бўлади.

Бу билдаи фохирада авлиё ва такводорлар кўпдир. Қарийб 400та мадрасаси, бир қанча қабристонлари ва қорихоналари мавжуд. Билган мадрасаларим номини қуйида келтираман:

1. Кўкалдош мадрасаси
2. Девонбеги мадрасаси
3. Муҳаммад Назар мадрасаси
4. Говкушон мадрасаси
5. Мирзо Баҳром мадрасаси
6. Муҳаммад Шариф мадрасаси
7. Ғозиён мадрасаси
8. Ғарбия мадрасаси

9. Аълам мадрасаси
10. Пушаймон мадрасаси
11. Абдулҳафиз мадрасаси
12. Рашид мадрасаси
13. Модари хон мадрасаси
14. Хўржин мадрасаси
15. Мулло Ҳасан мадрасаси
16. Ал Баноқо мадрасаси
17. Курбон Аттор мадрасаси
18. Курбон Гўрков мадрасаси
19. Фатхулло Қўшбеги мадрасаси
20. Мавлоно Шариф мадрасаси
21. Чуқур мадрасаси
22. Заргарон мадрасаси
23. Камол хўжа мадрасаси
24. Бозори чўп мадрасаси
25. Мискин мадрасаси
26. Бадалбеки Қўҳна мадрасаси
27. Бадалбеки Нав мадрасаси
28. Мири Араб мадрасаси
29. Олимхон Нав мадрасаси
30. Турсунжон мадрасаси
31. Афгон мадрасаси
32. Аёз мадрасаси
33. Ўтқур Қўшбеги мадрасаси
34. Ҳожи Зоҳид мадрасаси
35. Ҳусайнбой мадрасаси
36. Мирзо Ҳамдам мадрасаси
37. Атолиқ мадрасаси
38. Ҳожа Давлат мадрасаси
39. Чўбини Ҳаммоми Қўҳна (эски хаммом-нинг ёғоч мадрасаси)
40. Косагарон мадрасаси

41. Суфиён мадрасаси
42. Собунгарон мадрасаси
43. Турдиали мадрасаси
44. Миракони Кӯҳна мадрасаси
45. Миракони Нав мадрасаси
46. Миён Молик мадрасаси
47. Жўйбори Калон мадрасаси
48. Шайх Жалол мадрасаси
49. Жўйборча мадрасаси
50. Хиёбон мадрасаси
51. Чучукойим мадрасаси
52. Нақиб мадрасаси
53. Салимбек мадрасаси
54. Халифа Худойдод мадрасаси
55. Қалмоқжон Ойим мадрасаси
56. Оли Сангин мадрасаси
57. Оли Чўбин мадрасаси
58. Шайх Ислом мадрасаси
59. Қофилон мадрасаси
60. Абдуллахон мадрасаси
61. Муҳаммад Али Ҳожи мадрасаси
62. Асирия мадрасаси
63. Аҳмаджон пўстиндўз мадрасаси
64. Шодмон бий мадрасаси
65. Болойи Ҳавз мадрасаси
66. Хўжа Нихол мадрасаси
67. Дор уш-шифо мадрасаси
68. Аскарбий мадрасаси
69. Кофарободжон Баҳодур мадрасаси
70. Фатҳали даллол мадрасаси
71. Мирзо Улугбек мадрасаси
72. Мулло Абдушукурбой мадрасаси

73. Мулло Абдушукур Чубин мадрасаси
74. Гусфанд мадрасаси
75. Назарча Хусайн мадрасаси
76. Домулло Шер мадрасаси
77. Садрбий мадрасаси
78. Халифа мадрасаси
79. Хидирбой мадрасаси²

Ҳамчунин бу балданинг иккита машхур каттакон масжидлари бор. Аслида, бу бинолар беш вақтлик намоз учун қурилган бўлиб, жуда ҳам кенгдир. Бу икки масжиднинг ҳар бирида тахминан 3-4 минг намозхон жамоат билан намоз ўқишлари мумкин. Аввали Лаби Ҳавзи Девонбеги масжиди, иккинчи, Болои Лаби Ҳавзи Олий масжиди. У ҳам жуда олий ва сервикордир.

Бухорода яна 17та жомеъ масжиди мавжуд. Аввалан масжиди Калон. Биносига имом Қутайба (р.а.)³ асос солган, кейинги бино Шамсул-мулкниқидир⁴. Учинчи бинони Абдулазизхон ибн Абдуллахон ибн Маҳмуд Султон⁵ қурган. У ҳозир Абдуллахон номи билан машхур. Бошқа бир ривоятга қўра, иккинчи иморат қизил Арслонхон⁶ники бўлган экан.

Поянда (Пойи Остона - Ш.В.) масжиди, Усто Рўзи масжиди, Шайх Шона масжиди, Говкушон масжиди (Хожа номи билан машхур), Мавлоно Муҳаммад Шариф масжиди, Шоҳ Ақсо масжиди, Ғозиён масжиди, Шикастабанд масжиди, Хиёбон масжиди, Жўйбор масжиди, Мир Дўстум масжиди, Бобо Порадўз масжиди, Шайх ул-ислом масжиди, Файзобод масжиди,

Ҳазрат Имом Абу Ҳафс Кабир масжиди, Халифаи Чин масжиди⁷

Мадҳ этилаётган ўлканинг учта масжидида идайн (икки ид - хайит) намозини ўқирдилар: биринчиси масжиди Калон, иккинчиси масжиди Поянда. Шайх Жалол дарвозанинг ташқарисида, Шамс ул-мулк Чорбоғида ҳам идайн намозларини ўқийдилар.

Бухорода машхур авлиё ва муршидларнинг қабрлари кўпдир. Мен уларни санаб ўтаман:

Энг биринчиси, авлиёлар сарвари бўлмиш Баҳо ул-ҳақ вад-дин.⁸ 2. Ҳазрати шайх Сайфулдин-шайх уламо кутби.⁹ 3. Ҳазрат бобо Шавқ.¹⁰ 4. Ҳазрат Шайх Жалолиддин Боҳарзий.¹¹ 5. Ҳазрати Имло.¹² 6. Ҳазрат Халифа Худойдод Вали.¹³ 7. Ҳазрати Хожа Муҳаммад Ғинжор.¹⁴ 8. Подшо Исмоил Сомоний.¹⁵ 9. Чашмаи Ҳазрат Айюб. 10. Тож уш-шарианинг авлоди “Шарҳи Виқоя”-нинг муаллифи.¹⁶ 11. Хожа Чоршанбе, уни Хошид Гумном ҳам дейдилар. Араб султонларидан бўлган экан¹⁷. 12. Имом Қозихон.¹⁸ 13. Мулло Аҳмад Жанди “Шарҳи Ақоид” (асарининг) муаллифи.¹⁹ 14. Мавлоно Шамсуддин Қаҳистоний.²⁰ 15. Мавлоно Ҳусайн²¹. 16. Хожа Нуробод. Имом Абу Ҳафс, Мир Умодуддиннинг шогирди. У эса Абу Ҳанафия раҳматлининг шогирди бўлган. 17. Ҳазрат Имом Абу Ҳафси Кабир Бухорий.²² 18. Ҳазрат Хожа Исмат.²³ 19. Сиёвуш Вали.²⁴

Чаҳор Бакр ҳам борлар.²⁵ Жуда мухтасар қилиб зикр қилдим, илло бу шаҳарнинг ҳар бир кўчасида юздан уч юзгача авлиёи комил кўмил-

ган. Қизил Арслонхоннинг қабри ҳам Бухородадир. Бухоро шаҳри ва ноҳияларида бошқа азизлар ҳам кўп ўтган, ҳар бирларининг маноқиблари ҳақидаги китоб икки юз-уч юз бет келади ва ёшу қариларга манзур бўлган.

Шулар жумласидан авлиёлар сарвари Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдир.²⁶ Яна Сайид Амир Кулол²⁷, Бобо Самосий²⁸, Хожаи Ориф Ревғари²⁹, Хожа Убонким Усмон зун-нурайнга тутинган ўғил бўлади. Бухоро ноҳияларида тахминан 8 фарсах келадиган масофада бир қанча ҳақиқат пирлари ётибди. Ҳар бирлари кутб ва ғавс мартабасигача етганлар.

Бу заиф банда сочларининг ҳар бир толаси бу жумардларнинг васфини қилса ҳам минг йил етмайди.

Бу шаҳарда 196та маҳалла, 299та беш вақт намоз ўқиладиган масжид мавжуд. Бу диёрнинг атрофи девор ва қалъа(лар) билан ўралиб олиниб, 11 та дарвоза ўрнатилган. Улар:

1. Қарши дарвозаси, уни Қавола дарвозаси ҳам дейдилар. 2. Бобои Порадуз дарвозаси. 3. Намозгоҳ дарвозаси, Силоҳхона (қўрхона) дарвозаси ҳам дейилур. 4. Шайх Жалол дарвозаси. 5. Қорақўл дарвозаси. 6. Тиргарон дарвозаси. 7. Талопоч дарвозаси. 8. Ўғлон дарвозаси. 9. Ҳазрати Имом дарвозаси. 10. Самарқанд дарвозаси. 11. Мазори Баҳовуддин дарвозаси.

Қалъа биносига имом Козихон асос солган: Ҳалоку³⁰ даврида қуриб битказилган қалъанинг Амир Темур Кўрагоний битказган, иккинчи биноси ҳозиргача сақланиб турибди. Шаҳарда

кабристон ва мақбаралар жуда кўп. Шаҳарнинг ўртасида Афросиёб қурган бир қалъа бор. Ҳозир уни Арки Олий дейдилар. Шаҳарда баландлиги 96 газ келадиган бир минора бор. Уни Қизил Арслонхон қурдирган. Ўша минорадан туриб намозга азон айтилган. Камина бу шаҳарнинг сифатини қанча гапирсам ҳам миллиондан бирига тенг келмас. Бухоро инқилобидан кейин фақир Самарқанд шаҳрида муқим бўлиб, илм ўрганиш билан машғул бўлдим. Шунинг учун Самарқанд хақида ҳам сўз айтишим ҳолимга мувофиқ тушди. Бу ўлканинг ҳамду саносини бугунги ҳолатига мос тарзда ёзишим лозим.

ИККИНЧИ МАҚСАД

Самарқанди фирдавсмонанд фазилатлари хақида

Самарқанд Тўрон мамлакатининг энг шарофатли шаҳарларидандир. У покларнинг маскани ҳамда азизларнинг боғчасидир. Фирдавсмонанд деб айтганларига сабаб шуки, қалбларга фарах ва сурур бахш этадиган боғу бўстонлари бор.

Самарқандни зариф дейдилар, чунки бу ўлкада замонанинг зариф кишилари яшаганлар. Мева ва озиқ-овқатлари ширин, роҳат бахш этувчи еллари ниҳоятда ёқимлидир. Шунинг учун кўп жихатлардан Самарқанд зариф ва латифдир.

Бу ўлкада кўп улуғ кишилар дафн этилган, қанча икромли мужтаҳид олимлар унинг зами-нида тинч ётибдилар. Муборак номларини агар-

да келтирсам, булар: Қуссам ибн Аббос (р.а.).³¹ Бир ривоятга кўра Ҳазрати Дониёл пайғамбар, Ҳазрати Хожа Абди Дарун³², Ҳазрат Хожа Абди Берун³³, охириги иккала азиз саҳобалар жумласидандир, яна Хожа Аҳроп³⁴, Ҳазрати Жиржис пайғамбар ҳам бир ривоятга кўра шу шаҳарга кўмилган эканлар.

Ҳазрати Абулмакорим (кароматларнинг отаси)³⁵ Боғи Шамол маҳалласига - Регистоннинг ғарбига кўмилганлар. Ҳазрати Шайх Абулмансур Мотуридий “Хидоя”нинг муаллифидир. Умар Насафий³⁶ “Ақоид” асарининг муаллифи, шу шаҳарнинг Чокардиза қабристонидадир. Нақл бордурким, бу қабристонда 400 муждаҳид мўмин кўмилгандир. Еттинчи имом³⁷ ва ўн биринчи имом³⁸ шу шаҳарда эмишлар. Мулло Исо-муддин³⁹ ва Мавлоно Абдуғофур⁴⁰ ҳам шу қабристонда. Бир ривоятга караганда. Мир Калон Бухорий Амир Темур даҳмасига кўмилган. Мир Калон ўлимидан сўнг жасадини Амир Темур ўз мақбарасига олиб келиб қўйган экан. Амир Темур ва унинг яқинлари даҳма ичида, баъзи авлодлари Ҳазрати Шоҳи зинда қабристонда кўмилган.

Бу шаҳарда қарийб қирққа яқин мадраса ва қорихона бор. Машҳур мадрасалардан Амир Темур мадрасасини тилга олиш мумкин. Уни Бибихоним мадрасаси дейдилар. Ҳозир у хароб ҳолатда, иккинчиси - Мир Улуғбек мадрасаси. У ободдир, учинчиси - Шердор мадрасаси, тўртинчиси - Тиллақори жомеъ мадрасаси. Бу иккала мадрасани Ялангтуш Баҳодур⁴¹ бино қилган.

Бешинчиси - Хожа Рухобод мадрасаси, олтинчиси - мадрасаи Сафед-Хазрат, Ҳожи Аҳрорнинг мадрасаси, еттинчи мадраса - Нав, саккизинчиси - Турдиали мадрасаси, тўққизинчиси - Камол Ҳожи мадрасаси, ўнинчиси - Хожа Зудмурод мадрасаси, ўн биринчиси - Кўк масжид мадрасаси, ўн иккинчиси - Орифжонбой мадрасаси, ўн учинчиси - Шайбонийхон мадрасаси, ўн тўртинчиси - Шарбатдор мадрасаси, ўн бешинчиси - Зоминий мадрасаси ва ўн олтинчиси - Ҳазрати Шоҳ мадрасалари.

Бу шаҳар атрофини биринчи Искандар Зулкарнайн девор билан ўраб олган экан. Уни “Девори қиёмат” дейдилар. Айланаси тахминан беш фарсах⁴² келади. Ундан фақат қолдиқлар қолган. Иккинчи деворни Амир Темур Баҳодур Соҳибкирон қурган, у ҳам ҳозир бузилиб ётибди. Осори боқийдир.

Қадим замонлардан бу шаҳар Тўрон подшоҳларининг пойтахти бўлган ва у Бухородан ҳам қадимроқ. Нуҳ замонидаёқ обод экан. Самарқандда қадимий ёдгорликлар жуда кўплаб топилди. Шаҳар аҳолисининг сўзларига қараганда мўғул (асқари) шу ерда ғойиб бўлибди. Чўпон Ота номи билан маълум тоғ уларнинг устида. Уни Афросиёб қалъаси дейдилар.

Ҳозир бу шаҳарда юзта маҳалла, аниқроғи, 96 маҳалла бор. Бухородан уч марта кичик. Шаҳарда 15та жомеъ масжиди бор. Аввал, Тиллақори жомеъ масжиди, иккинчиси - Мирзо Улуғбек жомеъ масжиди, учинчиси - Бибиҳоним, тўртинчиси - Хожа Зудмурод, бешинчиси - Хонақо

масжиди, олтинчиси - Ҳазрати Шоҳи Зинда, еттинчиси масжиди - Дарвозаи Хожа Аҳрор, саккизинчиси - Хожа Аҳрор Ҳазратнинг масжиди, тўққизинчиси - Дарвозаи Қаландархона, ўнинчиси - Хожа Абди Дарун, ўн биринчиси - Хожа Юсуф Ҳамадоний ва ўн иккинчиси - Зоминий, ўн учинчиси - Рухобод масжиди, ўн тўртинчиси масжиди - фақих Абу Лайс ва ўн бешинчиси масжиди - Ёмани.

Яна шаҳарда бешта идайн намозлари ўқиладиган масжидлар бор, улар: Тиллақори, Мирзо (Улуғбек), Бибиҳоним, Намозгоҳ ва Сўзангарон дарвозасидан ташқаридаги масжидлар.

Бу муаззам диёрнинг олти дарвозаси мавжудки, уларнинг қолдиқлари ҳозир ҳам кўринади. Одамлар шу дарвозалардан ҳали ҳам кириб-чиқадилар. Булар Дарвозаи Оҳанин, уни ҳозир Ҳазрати Шоҳ дарвозаси дейдилар. Иккинчиси, Қаландархона, учинчиси, Сўзангарон, тўртинчиси, Фирўзқор дарвозаси, уни Хожа Аҳрор дарвозаси ҳам дейдилар, бешинчиси, Қарши ва Бухоро дарвозалари, олтинчиси, Пой Кубок дарвозаси, у Мотурид қишлоғига олиб боради...

Шу ерда айтиб ўтайликки, Самарканд туманларида ҳам азиз авлиё ва мужтаҳидлар кўп ўтган.

Улар жумласига иккита олиймақом зотни зикр қилиш мумкин. Ҳазрат Хожаи Косоний.⁴³ Даҳбеди шарифда кўмилганлар. Ул зот Маҳдуми Аъзам номи билан машҳур бўлганлар. Авлоду аждодлари ҳозир ҳам бисёр. Замоналарининг энг улуғ зотларидан ҳисобланганлар. Бу анбарбўй қишлоқнинг масофаси Пойи Кубок дарво-

засидан бир ярим шаръий фарсанг келади. Дахбеди шариф яқинида ҳадис илми мужтаҳидларидан бири ётгандир. Ул жанобнинг исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад бин Исмоил ал-Бухорийдир.⁴⁴ “Саҳиҳ Бухорий” номи билан машҳур бўлганлар. Хартанг қишлоғига қўйилганлар. Ҳозир бу қишлоқ Хожа Исмоил номи билан шуҳрат қозонган. Дахбеддан шаръий ярим фарсанг масофада жойлашган.

Самарқанд ҳам исломий подшолар учун пойтахт каби шаҳардир.

Ҳозир Бухоро ва Самарқанд, Туркистон ўлкаси тамоман Рус давлатининг тасарруфига ўтган. Самарқанд олий-шавкат подшолар Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Хусейн Мирзо, Шохруҳ Мирзоларнинг маҳали вақтида салтанат ва охират жойлари бўлган. Лекин исломий султонлар Бухорода кўпроқ ўтишган. Қайси подшо келиб кетмасин ана шу иккала шаҳарга подшолик қилиши лозим эди. Бухоро подшолари Нақшбанд мазориди ва Хотимат ул-авлиё Шайх Имло қабристониди охират тинчлигини топганлар. Улар бизнинг ўлкамизни ислом оламида улуғлайдилар.

УЧИНЧИ МАҚСАД
Бухоро подшолари
салтанатларининг тартиби ҳақида
(Бу мақсад етти фаслдан иборат)

Биринчи фасл: Бухорои шариф
салтанати ва подшолигининг
тартиби ҳақида

Шуни билмоқ лозимки, Бухоро подшолари аслида сайид насабларидан бўлиб, ота ёки она томонидан Чорёри азим авлодларига боғланадилар. Шу авлоди пок бахти кимни қўлласа, у султонлар даражасига мушарраф бўлгай. Лекин Бухоро султонлиги мерос қолдирилган. (Подшо) ҳаёт вақтида лойиқ фарзандини “валиаҳд” қилган. Унинг тартиби шундаки, давлатхона аъёнларини йигиб аҳду паймон қилиб, валиаҳдини салтанатга лойиқлигини эълон қилган. Ота-си ҳаётлиги вақтида уни “валиаҳд” деб атаганлар.

Подшолик тахтига кўтарилиш қўйидагича бўлган. Ҳамма вазирлар, қози ул-қуззот ва муфтилар дорус-салтанатга йиғилиб, шоҳликка лойиқ одамни оқ кигиз устига ўтказиб, муфтилар кигизнинг тўрт бурчагидан кўтариб подшолик тахтига қўйиб, султонлик тожини бошига кийгазиб, ислом байроғини қўлига берганлар. Кейин Куръонни олдига қўйиб айтганлар, “шариат йўлидан чиқиш мумкин эмас, ҳукми шариатга мос келган аҳкомларга риоя қилиб, иқдор ва фармонбардор бўлиш зарур”, деб онт

ичирганлар. Агар шаръий ҳукумларга, яъни Каломуллоҳ ҳукмларига тажовуз этса, Қуръонга хавола этиш жоиз бўлмагай. Диний шарт-шароитларни тушунтириб, шох номига шохона табл(ноғора)ларга уриб, “ислом подшоси, амир ал-мўминин сайид амир фалон ибн фалоннинг салтанат даври бўлди, Оллоҳ унинг ҳукумронлигини ва султонлигини абадий қилсин” деб жар солганлар.

Мамлакатнинг ҳамма ихтиёри унинг кўлига ўтиб, ҳокимларни тайинлаш ва ишдан олиш ҳам шохнинг буйруғи билан бўлган.

Подшоҳ тахти олдида бир қанча Шиғовул, Маҳраму Маҳрамбоши, меҳмонхона маҳрамлари хизматда турганлар. Ариза ва муборакномаларни олиб подшога берганлар. Худайчи ҳам амир хизматида бўлиб, амирни доим дуо қилиб турган. Худайчининг амали Шиғовул амалидан юқори турган. Сафар ва ҳаракат чоғида (узангуда) Шиғовул ва Худайчи амир билан юрганлар.

Худайчи ва Шиғовул қўлларига тилло ва кумушдан асо олиб, белларига тилло ҳамда кумуш билан безатилган камарбанд таққанлар.

Уларнинг ҳашамати, сиёсати ва зийнати шу даражага етган эди.

Хизмат учун Маҳрамлар - маъмур, меҳмонхона маҳрамларини эса “меҳмонхона амалдори”, деб аталган. Улар вилоят ва шаҳарлар хизматига маъмур ҳокимларни насбу азл қилиш, (лавозимга тайинлаш ва озод этиш), даъвогарлар талабларини ислоҳ қилиш каби ишларни

базарганлар. Уларнинг ҳар бири Жибачи, Қа-ровулбеги, Мирохур, Тўқсабо ёки Беклик амалида бўлган. Амирнинг олий марҳамати билан чорбоғ, тегирмон ёки бой сарполарга эга бўлишлари мумкин бўлган.

Амалдор бир ном (мансаб) ила машҳур бўлган. Масалан, чухра оқоси, мироббоши. Агар бекзода бек авлоди бўлса, аввало, тункотар, кейин, жибачи бўлган. Бекзода бўлмаса, икки амалдан сўнг, яъни, аввал тункотар, кейин жи-бачи лавозимига эришган, қаровулбеги, мирохур, тўқсабо, эшик оқобоши, бий, парвоначи, додхоҳ, иноқи хурд (кичик инोक), иноқи калон, девонбеги, қўшбеги, оталиқ.

Агарда бирор шаҳар ёки вилоятга ҳоким та-йинламоқчи бўлсалар, аввало, тўқсаболардан та-йинлаганлар. Унга ёрлик бериб юборганлар. Бу-хорода - пойтахт бўлгани учун машварат қилиш, душманларга муқобилият қилиш, ислоҳ ва тар-тиб учун катта мансаб, аҳли ҳукумати Бухоро қонуни билан айтганда, Қўшбеги вазифасини жорий этганлар. Бири Қўшбегийи поён (кичик қўшбеги), уни Закоғчи дейдилар, иккинчиси ҳокимлардан Миршаб-шаҳар ва музофотлар аҳволидан хабардор бўлиб турадиган шахс бўлган. Шунингдек, навқарларнинг саркардаси (бошлиғи) ҳам бўлган. Улар аксар ишончли шахслар бўлиб, ҳар бирининг қўши ва танҳоси бўлган. Улар амир марҳамати соясида бепарво яшаб юрганлар. Зикр қилганларимиз сиёсатчи ҳукуматдорлар ҳисобланган.

Улуг вазирлар шариат асосида ҳукм чиқарганлар. Уларнинг бири Қози калон, уни Қози ул-қуззот деб атаганлар. Унинг қўлида ҳамма вақфлар, султоний даҳяклар, ҳужра ишлари ва имомлар бўлган. Уни яна “Қози шаръи шариф” ҳам деганлар. Шариат ҳукмларини ижро этиши учун Раиси калон бўлган. У ислом ишлари, бо-зору расталар, масжид ишларини текширган. Раиси калон ва Қози калоннинг ноиблари кўп. Ҳар бирлари ўзларига тегишли ишга жавоб берганлар.

Жаноби шайх ул-ислом, охунд, аълам, муфтийи аскар ва ҳамма муфтилар шариат ҳукмларига қаттиқ риоя қилганлар.

Яна бири Мир закотчи - уни Қўшбегийи поён деганлар. Мол закоти, дарё, чегара, йўл қоровуллари унинг қўлида бўлган. Савдогарлардан бож ва закотларни унинг ноиб ва мулозимлари олганлар. Улар подшо манфаати учун ниҳо-ятда жонбозлик кўрсатганлар.

Қўшбегийи калонни “Вазорати олий” деб айтишган. Давлатнинг ҳамма ишлари унинг қўлида бўлган. Унинг шавкати ва ҳашамати тожу тахтда амирдан пастроқ турган. Аммо рикобда унинг даражаси вилоят ҳокимининг даражасига тенг бўлган. Ҳазина манфаати учун бажарилган ишлари шаҳар қалъасининг дарвозалари, маҳбуслар, ўгри ва қароқчилар, умуман давлат маҳбусларининг ихтиёри унинг қўлида бўлган.

Мири Ҳазина. У ҳам вазирлар жумласидан ҳисобланиб, давлатнинг муҳим ишлари бўйича Қози калон, Раиси калон, Қўшбегийи ка-

лон, Қўшбегийи поён ва Мир хизоначилар билан биргаликда машварат қилиб, амирга фикр-ларини айтганлар. Подшо уларнинг иттифокига таяниб, маслахатларига қулоқ солиб иш тутса, натижаси яхши бўлган. Бу вазифалардан бирор-тасининг фикри бошқаларникига қарши бўлса иш тез ҳал бўлмай, подшо фикру мулоҳазага бориб ўз фикри билан иш тутган.

Иккинчи фасл: Амалдорлар ва уларнинг сиёсатлари ҳақида

Салтанатда амалдорларнинг сони кўп бўлган. Қўшбегига тааллуқли бўлган амалдорлар ҳақида қисқача ёзишим зарур. Аввал Қўшбеги хизматида шогирдпешалар турган. Улар чухрақоси, мирохур ва тўқсабо мансабларигача кўтарилганлар. Бу жамоа жосуслик, элчилик, хусусий қоровулликка ўхшаш ишларни бажарганлар.

Булар Қўшбегининг буйруғи билан яқин ва узоқ маҳаллаларга хизмат ва даъво учун юборилганлар. Улар зарур ишларни тартибга келтирар эдилар.

Қўшбегининг бу амалдорлари бий ёки додхоҳ мансабига ёки бошқа мансабга эга бўлсалар, уларни мири даста, амири нўқария ёки саркарда, деб атаганлар.

Беш юз, минг, ундан ҳам зиёд навкарлар уларнинг қўл остиларида бўлган. Бек ўз вазифасини амир фармони билан бажарган.

Улар қўш, танҳо, боғу тегирмон ва бошқа мулкларга эга бўлганлар. Саркарданинг нўқари-

(новкари) ҳам бирор бир амалга, масалан: чух-раоқоси, мирзабоши ва бошқаларга эришиши мумкин бўлган. Улар ҳам мирохурлик ва тўқсаболик амалига етганда саркарда бўлиб, даста олганлар. Бу жамоа бошқа шаҳарларга ҳам хизмат учун юборилган.

Яна Қўшбегининг шотири ва бир неча дарвозабони (соқчиси) бўлган. Низомий аскарларидан ҳам қоровуллари бўлган. Қўшбегининг ҳуқуқи бошқа вазирларникидан кўп даражада ортиқ бўлган, у ҳибсга олиш, жазо бериш, қатл қилиш, гуноҳкор молини мусодара этиш ҳуқуқ-ларига эга бўлган. Унинг бир неча умумий де-вонбегилари бўлиб, улар минглаб кишиларга таом ва сарпо беришлари мумкин эди. Қўш-бегининг ҳашамати подшонинг ҳашаматига яқин бўлган.

Қози калон ва Раиси калон ҳам вазирлардан ҳисобланган, сиёсатлари ҳам шаръи шариф юзасидан бўлган. Чунончи, жазо бериш, молини мусодара қилиш, мурофиаи шаръий (шариат бўйича суд қилиш), ҳибсга ташлашга батамом ҳуқуқлари бор эди. Аммо низомий аскарларидан хизматчилари йўқ, чунки улар ҳақиқатда, ша-риат ҳокимлари бўлиб, уларнинг сиёсат жараё-нидан ташқари аскарга ишлари тушмаган. Бош-қа жиҳатдан, одамлар муҳим ишлар билан, асо-сан, Қози калонга мурожаат қилганлар, чунки у Раиси калонга яқин турган.

Сиёсий ҳуқуматга тегишли ишлар Мир асас, яъни миршаб қўлида бўлиб, у шаҳар муҳофазасига маъмур ҳисобланган. Давлатнинг

махбуслари унинг ихтиёрида бўлган. Амирнинг шиғовуллари, ҳудайчилар(удайчилар)и ўз ихтиёрлари билан бирор ишни қилмаганлар, фақат амир буйруғига бўйсунганлар.

Учинчи фасл: Бухоро вазирлари ва ҳокимларининг тайинланиши ҳамда ишдан олинishi ҳақида

Бухоро вазирларининг энг улуғи Қўшбеги хисобланган. У давлатнинг эски, тажрибали, ишбилармон, сиёсий ахволдан хабардор одамларидан тасдиқланган. Номзод, аввал, Девонбеги мансабига мушарраф бўлмоғи лозим бўлиб, шунда Қўшбеги бўлишга лойиқ саналган.

Агарда Ҳоким бўлса, уни вазирлик мансабига тайинлаганлар. Ҳамма олий ва давлат ишлари унга буюрилган. Ҳақиқатдан ҳам подшонинг энг улуғ сиёсатга эга кишиси Вазири(қўшбеги) бўлган. У подшо, аскар, аҳли вазифа ва фуқаро манфаати учун ҳаракат қилмоғи зарур эди. Шунда давлати олий узок муддат давом этади. Акс ҳолда бу ишнинг уддасидан чиқмаса, манфаатидан зарари кўп тегса, бепарво бўлса, кундалик ва вилоят ислоҳини билмаса, мансабидан олинган. Қўшбегиийи поённинг мансаби ва ҳашамати ҳам шу тариқада бўлган. Қўшбегиийи поёндан болога ва болодан поёнга тушириб кўтарилиб турган.

Қўшбегиийи поён ҳарбий юришлар вақтида лашкарбеши этиб тайинланган.

Қози ул-қуззотни раисликдан олиб, Қози

калонликка қўйганлар. Раиси калонлик мансабига Аълам ва Муфти аскардан олиб қўйганлар. Аълам охундликка охундни, шайхул-исломликка шайхул-исломни дин аъёнларини нақиб ва мирасад мансабига насб қилганлар. Лекин Қози калонлик, раиси калон, шайхул-ислом ва муфти-ю мир асаднинг ҳукумати ва сиёсати юқори бўлиб, бошқа мансабларда бундай шавкат ва ҳуқуқ бўлмаган.

Тўртинчи фасл: Ҳокимларни тайинлаш баёнида

Шаҳарларда сиёсат юритиш, ҳокимлик мансабига мушарраф бўлмоқ ва аълоҳазрат Бухоро подшоҳининг лутфи шарафига муяссар бўлиш учун салтанат пойтахтидан узоқда жойлашган шаҳарларда подшо томонидан учта ҳоким тайинланган. Аввало, Мирбекким, уни мир дейишган. У мамлакатнинг муҳофазаси, сиёсати ва фуқаролар ўртасида адолат ўрнатиш ҳамда хирожу даҳяк олиш учун тайинланган.

Ҳоким яна иккита ҳукмдор тайинлаган. Уларнинг бири Амлоқдор бўлиб, у подшолик хирожу-ушри(даҳяк солиғи)га номзод бўлган. Амлоқдор хузурида баъзи, баҳсли масалалар кўриб чиқилган. Амлоқдорнинг ҳам бир қанча хизматкорлари бўлиб, доруға ва мингбоши деб аталган, улар амлоқдор (туркчаси “бек”, русчаси “волостной”)га ёрдам берганлар.

Султон(амир) яна (вилоятда) шаръий (шариат асосида) масалаларни кўриб чиқиш учун Қози тайинлаган. Уни ҳам бир нечта хиз-

маткорлари, муҳаррир ва ноиблари бўлган. Низо ва жанжаллар, шаръий мурофиъалар, масалалар, ривоятлар тузиш ўша шахс ҳукми билан бўлган.

Ҳокимларнинг яна бири (амир тайинлайдигани) Раисдир. У шаръий мурофиъа, масжидлар ва бозорларни текшириш, шу ўлка аҳлидан бўлмиш мусулмонлар аҳволи шу жаноб қўлида бўлган. Ўнлаб мирзо-ю муҳаррир, ноибу хизмат-корлар доим қишлоғу бозорларда юриб, маъму-рийат ишларини ижро этганлар. Раис ҳам ривоят ҳозирлаб, низо ва баҳсли масалаларни амир номидан ҳал қилган.

Изоҳ: Бу учала ҳоким (бек, қози ва раис) подшо томонидан тайинланганлар. Булар узри шаръий билан гуноҳкор молини мусодара этиб, жазо беришга ҳақлари бўлган. Лекин бировни подшо амрисиз ва муфтиларнинг ривоятисиз қатл қилолмаганлар.

Бухоро мулкининг ҳар бир шаҳрида шу учала ҳокимнинг ҳукми жорий ва мансуб ҳисобланган ва ҳар жума улар подшодан кўнгил сўраб, садо-қатларини изҳор қилиш учун “жумагий, бандаги ва дуоғўй”, деб амир саройига ариза юборишларини лозим бўлган. Акс ҳолда қаттиқ жазо берилиб (мол-мулки мусодара қилиниб), вазифасидан олинган ёки хибс этилиб, ўрнига бошқа ҳоким тайинланган. Бухоро тобеотига ҳокимларни тайинлаш шу тартибда бўлган.

Бешинчи фасл: Бухоронинг низомий аскарлари ва асбоби ҳарб сиёсати ҳақида

Билингларики, Бухоронинг низомий ва аскарӣ қуввати бошқа давлатларга қараганда заиф ва енгилроқдир. Чунончи, бу давлатнинг аскарияси фақат икки юз минг нафарга етган. Лекин шулар орасида тажрибали ва жасур баҳодурлари ҳам кўп бўлган.

Аммо уруш асбобларидан, яъни ҳар давлат учун лойиқ бўлган қурол-аслаҳадан 40та тўп, юз адад пулемёт, 500 минг тўппонча ва милтиги бўлган. Сиёсат бобида Бухоро кўп давлатлардан заиф турган. Илм кучи етмаган. Илм ҳамда сиёсий билимларни билмаганлар, шунинг учун ҳам хорлик ва заифлик остонасини ўпганлар. Асли-да, подшо аскарияси ҳақида гамхўрлик қилиши, уларга сиёсий илмларни, сиёсий куч-қувватни бериши лозим эди. Аммо ачинарлиси шуки, қадим замонда бошқа давлатларда сиёсий илм тараққий топмаган даврда Бухоро давлати бир буюк давлатга айланиб бўлган эди. Бугунга келиб эса, бошқа давлатлар янги саноат ва фанларга эга бўлиб, Бухородек бир неча давлатларни босиб олиб, ўзларига тобе қилганлар.

Ҳозирга келиб ҳеч бир давлат Бухорога ўхшаб муҳтож ва оёқости бўлмаган, бу давлат жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидан орқада қолган. Бухоро давлатининг тараққий топишини ҳар бир оқил инсон орзу қилади. Лекин бу мулк-да оқил одамларнинг ўзи кам.

Бухоро халки аслида озодалик, андишалик, химоясизлик билан танилган ва машхур бўлган. Унда Бухоро нега хору зор ва тушкун бўлди? Илмсизликдан, яъни Бухорода сиёсат илмига умуман йўл бермаган-ликларидан. Бухоро салтанатининг равнақи машхур, лекин сиёсати йўқдир. Ваҳоланки, под-шолар сиёсат илмини билишлари лозим бўлган. Душманга қарши сиёсат қилиш билан бирга одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш даркор. Минг афсус! Давлатимизда аскарару қурол бору, аммо бу аскарда сиёсат ва жасорат йўқ! Сиёсий ҳокимларимиз сиёсат тартибидан беҳабардирлар.

Давлатимиздаги беҳисоб хазина ва бойлик вазирлару амалдорлар зийнати учун сарфу ҳарж қилинган. Жаҳон давлатлари Бухоро давлатидек бўлишни орзу қилардилар.

Илгари Бухоронинг илмга рағбати бор эди, ҳозир эса зийнатга бино қўйган. Бундан нима фойда? Бу эса ўзига ўзи оро берганга ўхшайдур. Давлатга эса сиёсат зийнати арзийди. Бухоро давлати сиёсат шукухидан бебаҳрадир.

Бухоро давлатининг ҳашамати, зебу зийнати ҳеч бир давлатда йўқ. Бошқа давлатлар эса сиёсий илмларда кўзга кўринганлар. Шунга қарамасдан, Амир Темур замонидан бу давлат барқарор ва бегона қўлига гирифтор бўлмаган.

Бухоро Турон қитъасида, яъни Туркистонда маъмур ва ободон бўлган. Унда диний илмлар тараққий топган. Туркистон масоҳати кенг бўлиб, аҳолиси 3,5 миллион бўлган. Бешинчи ва тўртинчи иқлимнинг ўртасида жойлашган.

Бухоро шаҳри Жайхуннинг бу тарафидаги Хуросон билодларига кириб, 30та ҳоким ўтирадиган кат-та шаҳри бўлган, ҳар бир шаҳарда 300дан то мингтагача низомий аскарлари бўлиб, баъзи ви-лоятларда тўп ва уруш қуроллари қўриқхоналар-да сақланган.

Бухородаги тобе шаҳарларнинг номларини эслатиб ўтмоқчиман, булар: Чоржўй, Карки, Калиф, Қарши (уни Насаф дейдилар), Кармина, Нурота, Зиёвуддин, Хатирчи, Ғузур, Шахрисабз (яъни Кеш), Китоб, Яккабоғ, Чирокчи, Жомчи ва Шеробод, Бойсун, Дехнав, Сарисийё, яъни Сарижўй, Ҳисор, Қоратегин, Дарвоз, Балжувон, Қўлоб, яъни Хатлон, Қўрғонте-па, Қубодиён. Бу шаҳарлар Бухоро салтанати-нинг ҳокимлари ўтирадиган марказлар бўлган. Баъзи шаҳарлар шу вилоятларга тобе бўлганлар. Масалан, Қўлобга Мўминобод, Балжувонга Ха-волинг ва Кунград, Ҳисор тобелигига Душанбе ва Қоратоғ кирган. Балдаи муаззама Бухорога ҳам бир қанча шаҳар ва қўрғонлар тобе саналган. Жумладан, Ромитан, Хайробод, Қоракўл, Баховуддин, Хожа Бўстон - Вардонзе⁴⁶ ҳам дейдилар, Хожа Убон, Хожа Ориф Мохи Тобон⁴⁷, Вобканд, Зандана ва бошқалар.

Ҳар бир шаҳарда учта амлоқдор бўлиб, йигирма беш ёки ўн саккиз амлоққа бўлинган. Шунингдек, уларда яна қози, раису миршаб ва битта лашкарбоши бўлиб, мамлакат тинчлигини таъминлаганлар.

Бухоро мамлакатининг низоми, тобиотининг асбобу олоти шу каби бўлган.

Олтинчи фасл: Бухорода илм,
дунёвий ва ухравий фанларнинг
ривожи, олимлар, шайхлар
ҳамда аҳли вазифа ҳақида

Билгинки, Бухоро Туркистон ва Мовароун-нахрдаги давлатлар орасида илму маданият, шариат фанларининг тараққий этганлиги билан афзал. Тафсир, ҳадис, фикҳ, калом, усул, сарфу наҳв илмларидан иборат бўлган шариат илмлари шу муаззам диёрда ривожланган, ҳикмат илми-ни ҳам мадрасаларда зарурат юзасидан ўқитади-лар.

Бу илми ҳикмат мантик, қисмати илоҳилардан иборат бўлган, бироқ риёзий ва сиёсий илмлар азалдан ҳам бу шаҳарда кенг тарқалмаган. Шунинг учун Бухоро давлатининг сиёсати бошқа исломий давлатлар сингари орқада қолгандир. Бу давлатда тахминан уч-тўрт минг талабалар ўқийдилар. Дарс берувчи мударрисларнинг сони тахминан 800 нафар.

Бухорои шарифнинг аъло даражали мударрисларига эшон-қози ул-қуззот, эшон-раиси калон, эшон-шайх ул-ислом, эшон-охун, эшон-аълам ва эшон-муфтии аскар кирадилар. Бундан ташқари, шариат фатволари соҳасидан дарс берувчи муфтийлар ҳам бор. Уларнинг сони 22 нафар. Булар аъло ва авсатлар бўлиб, ўрта даражали мударрисларга бўлинадилар. Бу муфтилар ўроқлик мансабига эришиши мумкин бўлганки, у эшик оқобоши амали даражасига тенг келган, шу билан бирга судурлик,

садрлик, шайх ул-ислом, нақиблик, мири асадлик мансабларига ҳам етишганлар. Бу жамоага умумий имтихондан сўнг, “Хидояи шариф”ни ўқиб тугатишлари билан амир буйругига кўра даҳяк (ушр) берилган. Агар толиби илм таҳсили илмда пешрав бўлса ёки бундан ҳам кўп билимларга эга бўлган бўлса, “Хидояи шариф”дан ўқитиб - имтихон қилиб даҳяк берганлар, мансабдор қилганлар. Даҳякдор мансабига эга бўлиш Бухоронинг исломий қонунларидан бири бўлган.

Банда 1337 хижрий йили (милодий 1919 йили) ҳазрати эшон қози калон ҳузурларида “Хидояи шариф”дан “Китоби никоҳ”, “Авлиё ва акфо” бобини ўқиб, даҳяк олиш учун имтихон топшириб даҳякка мушараф бўлган эдим.

Мударрисларнинг яна бир жамоаси - “банораспуш” - (банорас кийинадиган)лар бўлган, банораспушликдан чиққанлари муфтий мансабига эришганлар. Улар тахминан 200 нафардирлар. Буларни яна “авсата тадрийсий” - ўрта мударрислар ҳам дейдилар. Яна бир гуруҳ - “асфал тадриси” (паст даражадаги) мударрислар ҳисобланган. Уларни “бекасабпуш”лар дейишган. Яна имом, мударрис ва шунга ухшашлари ҳам борки, уларнинг сони уч юздан кўпроқдир. Бу шаҳарда 400 мадраса ва 296та беш вақтлик намоз ўқиладиган масжид, 18та жомеъ масжиди, 80та қабристон мавжуд. Бу ҳақда ўтган бобда айтиб ўтган эдик. Бухорода 13та китобхона, 96та қорихона (қироат хона) ва мактабхона фаолият кўрсатади. Шунини ҳам

таъкидлаш лозимки, илм ва фан бобида бошқа ўлкаларга қараганда Бухоронинг имкониятлари кенгрокдир.

Мадраса, масжид, мақбара, мактабхона ва қорихоналарнинг ҳар бирига вақф тайинланган. Мадрасаларнинг хужралари олди-сотди ҳам қилинади. Аммо подшолик мадрасалари(хужралари)нинг олди-сотдиси ман қилинган.

Бухоро шайхлари ва сайидлари ҳақида. Булар ҳам Бухоронинг аҳли муаззам ва мукаррамларидан ҳисобланадилар. Сайидларга ҳам амалдорлар каби қўш ва танҳо ажратишган. Аҳли уламо каби уларга ҳам маъмурий, судурлик, садрлик, мирасадлик ва нақиблик мансабларини берганлар. Шайхларга ҳам маълум вазифалар бериб, машхур хонақоҳ ва масжидлар ажрат-ганлар. Улар, асосан, дуоғўйлик вазифасини бажарганлар.

Ниҳоят, “Шоҳ ақсо” мартабаси ҳақида. Ундан юқори мартаба ва манзарат бўлмаган. Юқоридагилар амир ва вазир зиёратига бориб, ҳар хил инъом ва ҳадялар олиб турганлар. Шоҳ ақсонинг ҳашамати ва силсиласи саркардаларни кига қарийб яқин келган. Бухоро шайхлари ва сайидларининг қисқача баёни шулардан иборат.

Еттинчи фасл: Бухоро амирлари ва вазирларининг ҳашамати, салтанати, улуғларининг зийнати баёнида

Амирларнинг зохирий ҳашамати, аввало, унинг маълум ва муайян пойтахтида кутарилган. Бу шаҳри муаззама ва муҳаррам Бухородир.

Аммо баъзи тобе вилоятларда ҳам муайян мақомлари мавжуд бўлган. Уни ҳам пойтахт ва истироҳат жойи деб аташ мумкин. Бу бирор чор-боғ ёки қаср амирнинг саёҳат вақтида тўхта-диган жойи бўлган. Мангития амирлари даврида Бухоро давлатида Карминадаги Чорбоғи Мирзо ва Чорбоғи Чармгари ҳамда Чорбоғи Олчин пойтахт амирларининг дам оладиган жойи си-фатида маълум бўлган. Подшо ҳар йили бу ер-ларга дам олиш учун аёёнлари билан келган. Яна Қарши, Шаҳрисабз ва Бухоро туманларида ҳам хос жойлар бисёрдир. Ҳар хил чорбоғлар ва ясатилган қасрлар бошқа жойларда ҳам бор.

Бухоро подшолари соҳиби тож ва тахт ҳисоб-ланиб, ҳашамату шукуҳда Оврупо подшоларига ўхшаб, баъзан улардан ортган ҳам. Масалан, исломнинг идайн намозларида, сиёсати султо-ний юзасидан амир бошига тож кийиб, бир неча тилло ва кумуш жабдуку эгарлари билан оро берилган отларда, тиллакори ва зардўзлик соябон остида намозгоҳга келган. Амирнинг ҳамма сарполарига, тилла ва зардан оро берилган, жилов остида тўртта шотир ажойиб кийим-

ларда турганлар. Оёқ қўлларида заррин зангу-лалар осилган бўлиб, бошларига кулох кийиб, исломий иштонлар кийганлар. Илм ва сиёсат билан ҳаракат қилганлар. Амирнинг ёнларида шиговуллар ва хидоячилар жой олган бўлиб, улар “умру давлати амир зиёда бўлсин, тиги шариат бурро бўлсин”, деб жар солиб юрганлар. Ёнларида бошқа бир одам бўлиб, омин деб турган. Шу ҳашамат ва шавкат билан мўминлар намозгоҳигача борганлар.

Вазирларда ҳам шундай ҳашамат ва зийнат бўлган. Фақат уларда тож ва хидоячи (удайчи) бўлмаган. Қози калон, қўшбеги, шайх ул-ислом-га эса шотир берганлар.

Аммо аслида, бу шотирлар подшоҳи оламни-ки бўлган. Вазирлар ҳам заррин кийимларга гарқ бўлганлар. Заррин кийимлар, олтину кумуш би-лан оро берган камарбандлар, қиличу ханжар-лар, заррин саллалар билан юрганлар. Олдила-рида шогирдпеша ва маҳрамлар хизматда тур-ганлар. Уларнинг зеб-зийнатлари ҳам ҳўжайин-лариникидан қолишмаган. Улар камарбандда, қўш ханжарда, олтин ва кумушдан бўлган нишонларни таққан ҳолда юрганлар. Аммо аслида, булар ҳам султоннинг ходимлари ва маъмурлари ҳисобланган.

Бухоро давлатининг салтанати ва ҳашамати жуда ҳам сурурбахш ҳамда дилафрўздир.

Бухоро подшолари ҳар йили олти марта шун-дай кўриниш билан намозга чикқанлар. Лекин бу чиқишларнинг зийнати, ҳашамату шавкати юқоридагиларникидан анча паст турган.

Бухоро салтанати олийшон шоҳларнинг салтанати каби машҳурдир. Давлатхонанинг сипоҳийлари ва амалдорлари қоровулбеги ва мирохурлик мансабига етса, отининг боши ва думига кумушдан ясалган абзор бойланган. Мирохурдан бек мансабигача етсалар ва ўрта мартабали бул-салар, олтидан абзор осилган. Додходан то де-вонбегигача булган мансаб эгаларининг отлари-га олтидан ясалган туморларни осиб қўйишган. Агарда қўшбеги, атолик, шайх ул-ислом булса-лар дуру гавҳардан оро берилган заррин эгар-жабдукка миниб, шундай абзорларни таққан-лар.

Кийимлари ҳам шунга мувофиқ бўлиб, аъло даражали мансабдорлар пудгардон ва гавҳарлар билан оро берилган зардўзлик кийимлар кийганлар.

Бухорои шарифнинг амирлари, вазирлари, амалдорларининг зийнати, либослари ва хашаматлари шундай булган.

ТҮРТИНЧИ МАҚСАД

Сайид Олимхон ибн Абдулаҳадхон ибн
Музаффархон ибн Баҳодурхон
Насруллонинг салтанати ва
унинг даврида рўй берган
ҳодисалар ҳақида

Билмоқ лозимки, Сайид амир Олим тўра ибн Абдул-аҳад⁴⁸ Қарши вилоятидан эдилар. Оталари Абдулаҳадхон⁴⁹ Карминада⁵⁰ - Бухоро-

дан ўн тўрт фарсах масофада жойлашган шаҳар-да эдилар.

Ўша вақт санайи 1328 хижрий мутобиқи 1909 милодий йили бу муаззам ўлканинг пойтахти Бухорода замона зайли ва даврон фитнаси би-лан эронийлар ҳамда рухонийлар ўртасида низо-жанжал бўлган эди. Арзимаган сабаб билан бў-либ ўтган бу жанжал зикрини қисқача айтиб ўтаман.

Ўша асрда арки олий саройининг қўшбегиси Остонакулбек⁵¹ эди. Бу қўшбеги эронийлардан эди. Толиби илмлар сони ҳам кўп бўлиб, арзимаган баҳона билан жанжал катта жанг ва муҳо-рабага айланган эди. Пойтахт марказида бу низо бир ҳафта давом этди. Мир Дўстум ҳавзи олдида Қорақўл дарвозасигача бўлган жой харб ва уруш майдонига айланиб кетди. Аҳли илмдан кўп киши ҳалок бўлди.

Шу аҳли илм намояндаларида жанг қуроллари йўқ эди. Улар чўп, калтак ва қўл билан урушдилар. Бу урушда эронийлар аҳли илмдан кўп одамларни ўлдирдилар. Якшанба кечаси Ҳазрати Имлода 14 киши, умуман олганда, олимлардан 67 киши ҳалок бўлди. Лекин аслида қанча одам ўлгани номаълум. Душанба куни ҳам хаворижлардан кўп киши сарбозлар қўлидан мақтул бўлдилар. Эронийлардан тахминан 300 киши ўлдирилди. Чунки, рухонийларга шаҳар-ликлар ва атрофдан келган қарокалтакчилар ёрдам берибдилар. Шаҳри фоҳира аҳли анча бесаранжом бўлди. Бир ҳафтага шаҳар дарвозала-ри ёпилди, эронийлар шу даражада қаршилиққа

учрадиларки, окибатда қочишга мажбур бўлди-лар.

Бу жангнинг хабари Қарши шаҳрига, вилоят ноиби, яъни амир Олимхон қулогига етиб борган заҳотиёк, азм этиб чоршанба куни муборак балдага етиб келди.

“Тўражон бугун келар экан” деган гап овоза бўлди. Тамоми аҳли шаҳар сагиру кабир, муллою шайх, сипоҳий ва вазир унинг истиқболига чикдилар. Тўражонни кутиб олган оломон бирдан қўшбеги(Останакул)дан дод деб ғавғо кўтар-дилар. Олимхоннинг бошидан хуши учиб кетди. Шижоат ва диловарлик юзасидан халққа тасалли бериб дедик, “бу воқеанинг ҳамма сабаблари-ни таҳқиқ қилиб гуноҳкорга қаттиқ жазо бера-ман”.

У шаҳарга кириб, арки олийга бориб отасининг ўрнига ўтирди. Таҳқиқ ва текширишлар шуни кўрсатдики, шунча хунрезлик, нотинчлик ва тўпалон қўшбеги Останакул айби билан рўй берибди.

Ҳақиқатда ҳам бу муҳораба вазоратпанох буйруғи билан бўлган эди. Тўражон ўз хоҳиши билан иш тутмоқчи бўлди. Лекин отасининг ам-ру ризолигисиз буни ўзига эп кўрмади. Кармина-да бўлган отасига хат ёзиб воқеани баён этди. Жавоб қилдики, “зудлик билан қўшбегини иш-дан маъзул этиб (олиб) Хатирчига юборинг. Мирзо Насрулло қўшбегини вазирлик манса-бига мушарраф этингиз”. Ота буйруғи билан Насрулло қўшбеги мансабига тайин бўлиб, ол-дингиси Хатирчига

лардан бир неча сардорларни олиб келиб зин-донга ташлагач, молу мулкларини мусодара қилди. Бухороликлар ҳам (шу бахона билан) кўп (эроний) бойларнинг уйларини хонавай-рон қилдилар. Аҳли эроний жуда ҳам паст мар-табаларга туширилди, илм аҳлига кўп инъому эҳсон қилиб уларга нисбатан эътиборни ўн мар-талаб кучайтирдилар. Мадраса ва хонақоҳларга хайрот юбориб, султони замон ўзининг падари меҳрибони Абдулаҳадхон номига дуолар тилат-тирди.

Шундан кейин (Туражон) оталарининг буйруғи билан Карминага бориб, отасининг хизматига мушарраф бўлди.

Беш ой ўтгандан сўнг бошқа тарих бошланди.

Ул султони замон, шоири офоқ ва даврон, булбули бўстон хоқон ибн хоқон абул Музаффар ва-л-мансур Сайид Амир Абдулаҳадхон баходур бу фоний оламини боқий олам билан алмаштирди. Бу панжшанба кунда рўй берди. Олимхон тўра отасининг ўлимидан кейин, дафн маросимидан бир қанча сипоҳ ва аскар билан Бухорои шариф сари йўл олиб, жума кун эрталаб Бухоро яқинида ўз номига, яъни Олим-хон номига хутба ўқиттирди. Жума кун шаҳарга кириб шанба кун салтанат тахтига ўтириб, хур-сандчилик ва хоконлик сиёсати ногорасига урди. Бу тарих 1329 ҳижрий, милодий 1910 (11) йили воқеъ бўлди.

Баъдаху (кейин) шох Олимхоннинг отаси Абдулаҳадхонни Карминада, Қосим шайх син.

Отасининг ўрнига ўтирган амир Олимхон ҳам отасининг маслаҳати ва дастурига кўра Русия давлати билан дўстлик алоқаларини ўрнатди. Борди-келди қилди. Шундай замон келдики, Николай подшо Германия подшоси билан низо қилди. Бу низо, келишмовчиликлар оғир ва қаттиқ урушларга айланди. Ҳатто ўрус Николай Бухоро подшосидан ёрдам сўради. Русияга ўнта тўпи Жаҳонгир, 500та бешотар милтиқ юборил-ди. Шунингдек, фуқародан 1500та яхши от ма-дад тариқасида юборилди. Бухоро подшоси ҳар бобатда ёрдамни дариг тутмай, садоқатини кўр-сатар эди.

Яна урушнинг иккинчи йилида Русия давлати Туркистон вилоятидан “мардикор”, деб маънад сўради. Ҳамма мулклар одам берган бўлса ҳам, Жиззах мулки бермади. Руслар Жиззах шаҳ-рини тўпга тутиб ер билан яксон қилдилар. Но-инсофлик ва зўравонлик шу даражага етдики, бокира қизларни зино қилиб, хотинларнинг кўкракларини кесиб қўйиб юборардилар, бо-лаларни эса йиғиб туриб тўп билан отдилар. Бу шаҳарда зулм ва бедодлик бисёр ҳаддидан ошди.

Жиззах харобалиги ҳижрий 1333, милодий 1916 йили, Русия ва Германиянинг уруши милодий 1914 йили бўлди.

Ҳижрий 1336, милодий 1917 йил-Русия давлатининг императори подшо Александрович Александр II нинг ўғли, бояр Румон ўғли, Русия князи Румонуф номи билан машҳур бўлган (Николай подшонинг) тахтдан қулаш тарихидир. Русия давлати Германия билан узоқ муд-

датли урушди ва охири Русия давлати мағлуб бўлди, чунки Германиянинг макри ва хийласи зўр эди. Русия давлатига путур етиб, Русиянинг низомий кучларига кўп талофот етди. Қанча тадбир қилган бўлса ҳам галабага эришолмадилар. Аммо Николай сулҳни ҳам қабул қилмади. Кундан кунга мағлубиятга тушиб ахли аскария иккига бўлинди. Улар ўз подшолари Николайни тахтдан кулатиб, шоҳлик тахтига барҳам берилди. Русия давлатининг ихтиёри аскарарида қолди. Русияни Жумхуриятлар шўроси, деб эълон қилдилар. Бу воқеа Илон йили 1917 милодий йилида рўй берди. Русиянинг баъзи ерларини Гермони давлати босиб олган эди. Мухорабалар уч йил давом этди. Русия давлати аскария кўлига ўтган-дан сўнг Керенский ҳукумати номи билан маш-хур бўлди. Керенский ҳукумати бир йилга яқин давом этди. Бир йилдан сўнг аскария яна икки фирқага бўлиниб низо қилдилар. Бир фирқаси - большевой, иккинчиси - меншавой номини олди. Охир ул-амр меншавой ҳукумати мағлуб (бўлиб), большевой зафар топди. Яна ҳамма бирлашиб, Русия давлати муаззамасини Шўро-лар Жумхурияти, деб эълон қилдилар. Улар хуррият, яъни эркинликни истаб хуррият қилдилар. Улар билан иттифоқ тузган мусулмонлар, жадидлик ва тараққий шиорини кўтариб намоишга чиқиб, “яшасин хуррият” деганлар, “жадидлар” номини олдилар. Большевойлар Ру-сия мамлакати ва мусулмон ўлкалари(ни) хур-риятга оширишлари учун ёрдам бериб, иттифоқ туздилар.

Шу нотинч (галаёнлар) замонида Бухоронинг бир нечта тожирлари ва каттаконлари Русия Шўролари билан Бухоро амирига “биз ислом ўлкаларини озод этиб, хуррият қилурмиз, лекин бу иш хотиржамлик ва тинчлик билан амалга ошса яхши бўлур эди” дедилару, аслида ўзлари душманлик қилиб қаршилик кўрсатмоқчи эдилар. Бироқ Бухоро мулкида, подшолик даврида осонлик билан хуррият бўлмаслигини билдилар. Шу учун бу жамоа қочиб, гурбат либосини кийиб, Русия Шўроларининг мулкига кетдилар. Улар тахминан 222 нафар эдилар. Бухородан чиққан бу фирқа Русия мусулмонларига ўхшаб ўзларини жадид ва тараққий деб атар, уларга ўхшаб хурриятнинг қизил байрогини кўтариб, қачонки ўзларига қароргоҳ этиб “Шўрои ислом” деган маслаҳатхона очдилар. Амирга қаттиқ қаршилик кўрсата бошладилар. Ўз кучларини синаш учун яна амир билан дўстликни барқарор этмоқчи ҳам бўлдилар. Бу жамоа сиёсий илмлардан хабардор эди. Хатто оилаларини ҳам ўзлари билан олиб кетган эдилар. Улар ҳамиша Бухорони олиш ва хуррият қилиш фикрида эдилар. Бу жамоанинг энг машҳурлари, тожирлар жумласидан - Мирзо Муҳиддин Сарроф⁵², яна Файзуллаҳужа ибн Убайдуллоҳужа⁵³, Олимбек ибн Жўрабой пўст⁵⁴ эдилар. Қолганларини ҳам ўз ўрнида зикр этамиз.

Бу жамоа Бухоро давлати билан борди-келди қилиб, ўрганиб, ўз тарафдорларининг сонини кўпайтирарди. Хатто Бухоронинг баъзи ҳукмдорларини ҳам ўзларига ёрдамчи қилдилар. Улар-

нинг кўплари Бухорода ҳуррият бўлишига, под-шони қулатишга рози бўлиб, тараққийпарварлар билан иттифок туздилар. Биргаликда ҳукумат тузмоқчи бўлиб, ҳаракатлар қилдилар. Қа-димлар ва жадидларнинг шуҳрати авому хос қулогига етиб борди.

Ўша асрнинг қозикалони Қози Мулло Мир Бурҳониддин⁵⁵ ва Мулло Низомиддин⁵⁶ раиси калонликка номзод бўлдилар. (Улар) Бухорода ҳуррият бўлишини истаб, ёрдам бермоқчи бўлганлар. Мазкур қози калон устидан давлатхонаи олийга шикоят қилдилар. Амир мулоҳаза қилмай, уни мансабидан олди. Ўрнига Ғиждувон туманининг қозиси Шарифжон махдумни⁵⁷ олиб келиб қози калонлик мансабига ўтказдилар.

Шарифжон қози калон бўлганидан кейин тараққийпарвар жамоаси кучайиб, катта жамоа-га айланди. Уларнинг энг катталари қозихонага келиб, намоишга ижозат олиб, улардан қарийб 500 нафар гузари Жўйбор ва Хиёбондан қизил ҳуррият байроқларини кўтариб “яшасин ҳур-рият” деб кела бошладилар. Улар Регистон ва аркка ҳужум билан ўтмоқчи бўлдилар. Бутун ша-ҳарда галаён кўтардилар. Аҳли Бухорони ваҳима босди. Баъзи одамлар ҳуррият бўлибди, деб уларга қўшилдилар. Шу аснода Регистон тараф-дан милтиқ овози эшитила бошлади. Бу жамоа қочишни ихтиёр қилди. Бухоро ҳарбий аскарлари ҳаракатга келиб ҳужумга ўтдилар.

Амир билан қўшбеги “бу жамоани авбош бухоронинг ва дини ҳақнинг душмани бўладилар, уриб олиб келингллар” деб амр бердилар.

Ислом подшоларининг буйруқлари билан Бухоро аскарлари хужумга ўтиб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳар бир кўча, бозор расталарини тўпу милтиқ кўтариб кезиб чиқдилар. Тараққийпарварлар ор-қага чекиниб, баъзилари қўлга тушдилар, баъзилари ҳалок бўлиб, қолганлари қочиб уйларига яшириниб олдилар. Бухоро қасабасидан бўлмиш Когонда ўрнашдилар. Бу воқеа 1337 хижрий йили зул қаъда ойида, милодий 1918 йили рўй берган эди.

Бу ҳодисадан кейин амир ва Бухоро вазирлари тараққийпарварлар билан сулҳ тузмоқчи бўлиб, мажлис чақириш учун Бухоронинг ҳамма саркарда ва аъёнларини йиғдилар. Амир жилвонхонасида ҳам юз мингга яқин халқ томошабин сифатида йиғилди. Бу воқеа мазкур йили якшанба куни содир бўлди. Мажлиснинг музокаралари жараёнида замонанинг қози улқуззоти Шарифжон маҳдум ранго-ранг зардўзлик ва пудгарон кийимларни кийиб, мажлисда қатнашиш учун 30-40 нафар мулозимлари билан Регистондан оломон ўртасидан “пўшт-пўшт”лаб арки олиёга кирмоқчи бўлди. Бир вақт оломон ўртасидан “бу қизил жаҳид ва бединни уринглар, шу тўполон унинг айби билан бўлди, бўлмаса жаҳидлар шунга ҳаракат қилиш-масдилар”, деган овозлар бурчак-бурчакдан чиқа бошлади. Дарров одамлар қозикалонни беобрў қилиб урмоқ учун ҳаракат қилдилар. Оломон қозикалонни қаттиқ урди, зардўзлик кийимлари йиртилиб кетиб, камарбанди, қўшқорди, салласи ва қуроллари ўлжа қилиб

олинди. Талотуп вақтида амир арк иморатидан ойболта билан деразани синдириб, қўл билан “урманглар” деб ишорат қилди.

Шиговуллар, хидоячилар ва маҳрамбошлардан бир нечтаси қози калонни саройи авом тўдаси қўлидан қутқариш учун келиб, амир ҳузурига фақат битта иштон ва кўйлақда олиб келдилар. Агар амир одамлари халос қилмаганларида козикалоннинг ҳалок бўлиши аниқ эди.

Бу воқеа Бухоро тараққийпарварларининг қилган энг катта ва машхур ишларидан бўлади.

Айниқса, мазкур қози калонни кундуз куни арқда ҳибсда сақлаб, кечаси - хуфтон намозидан кейин янги сарполар бериб, ҳовлисига жўнатдилар. Шу ҳодисадан кейин ҳамма Бухорода хуррият бўлишида мазкур қози калоннинг саъй ҳаракат қилганлиги ва унинг тараққийпарварлар раис(бошлик)ларидан бири бўлганлиги ошкор бўлди. Агарда қози Мир Бурҳон қози калон ўз ўрнида бўлсайди, амир ва тараққийпарварлар ўртасидаги низолар кундан кунга авж олар эди. Шунинг учун ҳам Шарифжон Маҳдумнинг қози калон бўлишига ҳаракат қилинганди.

Бухорода хуррият бўлишини истаган баъзи одамлар Мир Бурҳонни, унинг Бухоро давлатига яқинлиги ҳамда вазиру саркарда бўлганини ҳисобга олиб, қози калонликдан олдирган эдилар. Ҳақиқатда, бу тадбир тараққийпарварлардан чиққан эди. Шунинг учун ҳам Бухоро каттаконларидан Шарифжон Маҳдум қози калонлик мансабига эришган эди. Жума куни, шаввол ойида жума намозидан кейин Файзулло

Хўжа, Мирзо Муҳиддин ўгли Мирзо Абдулқо-дир⁵⁸ 20 нафар ўрус аскарлари билан мазкур қози калоннинг олдига учрашувга - сулҳ тузиш учун келдилар. Аср намозидан олдин нақорахона биносининг устидан шундай садо янгради: “Эй, Бухоро аҳли! Амирингизни маъзул бўлиб, мам-лакатингизда хуррият ўрнатилишини, жумҳу-рият бўлишини истайсизми?”

Регистонда йиғилган оломон: “Бизлар буларнинг ҳеч бирини хоҳламаймиз, ислом мамлакатининг хурриятга эришишини хоҳлаймиз, Муҳаммад динидан безор бўлганимиз йўқ”, деб бирдан олиб борадиган Тахтапул йўлига ўтиб арқ дарвозасига ҳужум қилмоқчи бўлишганда, арқ дарвозаси ёпилди. 10 мингга яқин фуқаро ва аскар ярим тунгача ўша дарвоза олдида қолиб кетдилар. Дини ислом фироқида нола-ю зор қилиб намоз ўқидилар. Шунда Файзулло Хўжа билан Арқка келган ўрус аскарларининг бошлиғи солдатларига дарвоза олдидаги оломонга сиёсат қилиш учун ҳужумга ўтиб тарқатиб юборишни буюрди. Солдатлар бирдан ўқ отиб ҳужумга ўтдилар, лекин ҳеч кимга зарар етказмадилар. Лекин оломондагилардан баъзилари солдатларнинг отига пичоқ уриб ўлдирмоқчи бўлдилар. Яраланган отларнинг бири ўлди.

Бухоронинг вазири аъзами бўлган Низомиддин Мирзои Урганжий оммани тинчлантирмоқчи бўлиб, деди: “Агар биз бугун бу элчиларни қатл қилсак яхши иш бўлмайди, чунки Русия давлати жуда ҳам кучли давлатдир. Нима бўлса ҳам сулҳ тузиш дурустдир”. Бироқ унинг илти-

мослари ҳеч кимга таъсир қилмади. Шунда: “Бу кеча ўз уйларинга қайтингларда, эртага соат ўнда келинлар, бу ишларни кўриб чиқамиз”, деб қасамлар ичиб, одамларни рози қилиб қайтарди. Оломон кетгандан кейин элчиларни Ҳазрати Имом дарвозаси орқали чиқариб кузатиб қўйдилар.

Эртаси соат ўнда одамлар ғалва кўтариб келганда элчилар кетиб қолган эдилар. Жадидлар билан дўстлик ва эски кадрдонлик ҳақида сулҳ тузилди деб овоза тарқатилди. Бу воқеадан сўнг жадидлар кўп тадбирлар билан ўз аъзолари сонини ошириб, кундан кунга очиқ душманлик ва ёвузликка ўта бошладилар. Бухоронинг баъзи саркарда ва вазирлари ҳам ёвузлик ва шубҳага тушдилар. Бинобарин, қози Шарифни мансабидан олиб собиқ қозини қози калонликка кўтардилар. Яна жадидлар ҳаракати кучайганидан Бухоро олий давлати бир мажлис чақирди. Унда жадидларнинг ишлари муҳокама қилиниб, уларнинг куфрига ривоят чиқардилар. Шариат ҳукмини чиқариб, текшириб, баъзи жадидларни ҳибс қилиб, баъзиларини қатл қилдилар.

Вазири аъзам, замона кўшбегиси, Мирзо Насрулло⁵⁹ эди. У жадидлик номи билан шўҳрат қозонди. Уни маъзул этиб (ишидан олиб) Карминага юбордилар. Маълум бўлишича, (Мирзо Насрулло) Бухорода ҳуррият бўлишини ёлғондан қабул қилган экан. Бунга сабаб “Русия давлати кучли, биз эса заиф бўлиб қаршилик қилолмас эканмиз”, - деб ҳурриятни қабул қилган экан.

Мирзои Урганжий - Низомиддинбек девонбегини қўшбеги қилиб кўтардилар. У қўшбеги бўлгач, Мирзо Насрулло Карминада қатл этилди, молу мулкани эса мусодара қилишди.

Қўшбеги қатлидан кейин амир ва жаидлар ўртасида адоват ва душманлик ниҳоятда кучайди. Бу ҳатто, фитна ва исён билан араллашиб кетди. Тараққийпарварлар зохиран амир билан яхши дўст эдилар, лекин кун сайин унга нисбатан душманликни ошириб боравердилар. Шу боис Мирзои Урганжийни (ҳам) маъзул қилиб, аскар ва қурол-аслаҳага амир этдилар. Қарши ҳокими Усмонбек додхоҳ мафлук(фалокат)ни Мирзои Урганжий ўрнига қўшбеги этиб тайинладилар.

Фитна ва исён шу даражага етдики, тараққийпарварлар, яъни Бухоро жаидлари Русия давлатининг ёрдами билан (Бухорога) уруш эълон қилдилар. Улар: “Агар, бизларнинг сўзларимизга кириб, Бухорони ҳам Русия давлати каби шўролар жумҳуриятига айлантиришга, ҳукумат ходимларига ойлик бериб, давлат хазина ва аскария манфаати учун тараққий қилиб, ислом динини жорий этишга кўнмасангиз ҳарб (жанг) қиламиз”, - дейишди.

Бухоро амири вазирлар, давлат зодагонлари билан маслаҳатлашиб, муҳораба этмоққа қарор қилди ва “биз ҳурриятни қабул қилмаймиз, қачон урушмоқчи бўлсангиз биз тайёр бўламиз”, деб жавоб қилди. Элчи келиб, эртага якшанба куни жимод ул-аввал ойининг 18-куни, хижрий 1337, милодий 1918 йили жанг қилурмиз деб эълон қилди.

Бу эълон мазкур ойнинг 14-сида - панжшанбада бўлди. Бухоронинг чўлу саҳроларига якшанба кунигача жангни маълум қилдилар. Якшанба куни Бухоронинг дарвозаларидан аскарлар саф-саф бўлиб, асбобу тўплар билан чиқа бошлади. Таракқийпарварлар ҳам ўн минглик Колесов⁶⁰ бошчилигидаги аскар билан майдонга келдилар. (Колесов) тажрибали, жасур, урушда жуда мохир киши эди. Рус аскарарияси эски Когонга келиб саф тортиб, якшанба куни мазкур ойнинг 18-си, соат 8да тўпу милтик билан Бухоро аскарини ўққа тутди. Бухоро аскарари ҳам жавобан жаҳонгир тўплардан ота бошладилар. Икки томондан ҳам отилган тўп ва милтикларнинг садоси осмонга чиқди.

Шу куни икки тарафдан ҳам жуда кўп одам ҳалок бўлиб, пешингача муҳориба жуда қаттик ўтди. Таракқийпарварлар лашкари мағлуб бўлиб, орқага чекиндилар. Шу ойнинг 19-сида душанба куни эски Когонда (ҳам) оғир урушлар бўлдики, буларга ақл бовар қилмайди. Ўша куни лашкарбоши ва аскарария бошлиғи Шамс тўқсабо ўлдирилди. Бухоро аскарининг байроғи тушиб кетди. Шундан кейин тамоми аскар орқага чекинди. Муҳориба панжшанба куни, жимод ул-аввал ойининг 22-сигача 5 кун давом этди. Бухоро аскарари темир йўлларни бузиб, телеграф симларини кесиб ташлаб, Шўро давлатига кўп зарар етказди. (Шўро ҳукумати) сулҳ таклиф этиб, 21-жимод ул-аввал ойида 27 нафардан иборат ишбилармон кишиларни Бухорога юборди. Чоршанба куни элчилар Бухорои шариф

балдасига қадам босиб, баъзилари Регистонга, баъзилари хонларнинг қароргоҳи бўлган аркка тушдилар.

Бу учрашувлар, сулҳ тузиш учун суҳбатлар қилган шўро аскарияси аслида ҳужумга ўтиб, тазйиқ остида Бухорони ўзларига тобе этиб, давлат бошлиқларини асир қилиб олмоқчи эди. Бухоро аскарининг саноғига етиб бўлмасди. (Элчиларнинг) ниятини эшитиб улар бирдан ҳамлага ўтиб, элчиларни ўлдирдилар, Қарши дарвозаси олдида шундай оғир жанг бўлдики, тўпнинг овози фалакка етди. Икки томондан ҳам кўп киши ҳалок бўлди, ўлганларнинг сонини ҳеч билиб бўлмади. Охир ул-амр шўроларнинг тадбири амалга ошмади, улар Когонга чекиндилар.

Панжшанба куни уруш бўлмади. Жума куни сулҳ тузилди. Бу жимод ул-аввал ойининг 23-куни рўй берди. Мазкур ойнинг 29-куни шанбасида Чоржўй ва Қаршида ҳам жанг бўлди. Бу муҳорабалар зарурат юзасидан сулҳ билан тугади. Шўролар таклифи билан сулҳлар имзоланди. Чунки Бухоро мамлакати ўртасидан ўтган (темир) йўл ўрусники эди. Ўша урушлар даврида бу йўллар бузилган эди. Ҳар жой ҳар жойда вагонлар туриб қолган эди. Озиқ-овқат танқислиги боис ўруслар сулҳ талаб қилдилар. Темир йўл атрофида бўлган кўрғонлар тўп зарбидан бузилган эди. Чоржўй, Кармина, Хатирчи ва Зиёвудинни шўролар олган эдилар. Аммо сулҳ шартларига биноан амирга қайтариб бердилар. Лекин ҳамма молу ашёларни талон-тарож қилиб,

Карминадан амирнинг тоғаси бўлмиш Кармина волийси Сайидбекни асир олиб шаҳарни харобага айлантирдилар.

Музаффархоннинг ўғилларидан бири Мир Мансурхоннинг ўрганча ўғли ҳам шу урушда ҳалок бўлди. Мир Мансурхоннинг ўғли Русия шўроси даврида фалаж касалига гирифтор бўлиб, Бухорога келган эди. Бухоро подшоси амир Олимхон ўз қароргоҳи бўлган Мирзо Чорбоғини амакисига ҳадя этди. Колесов воқеасида у қатл этилиб, молу мулки таланди ва аҳли аёли асир олинди. Амирнинг тоғасини қайтариб бердилар. (Шўролар) сулҳ таклиф этиб, дўстлик ва ўзаро борди-келдини мақсадларига етгунча риоя қилиб турдилар ..¹

Жадидлар икки-уч йил хорлик ва зорликда юриб, вазият ҳам ғанимат дея Русия шўросининг 10 минг аскарига суюниб жон-жаҳдлари билан 15-20 кун олишиб, кейин яна сулҳ тузиб, Русияга қайтдилар.

Бу муқаддимада машҳур бўлган(бухоролик)-лар ҳақида ёзаман. Энг аввало, номдор тожирлардан бўлган амир Аҳадхон билан биргаликда “шерик тижорат” бўлганлар Мирзо Муҳиддин сарроф, Файзуллаҳўжа Убайдуллаҳўжа ўғли, Муҳаммад Олим Жўрабой пўстнинг ўғилларини айтиш мумкин. Бу уччалалари Бухоронинг энг илғор тожирларидан эдилар. Маҳдумзодалардан Мулло Муин маҳзум⁶¹, мулло Муҳиддин маҳзум Бухорои асл⁶², Мулло Мукоммил маҳзум⁶³, ... Му-

¹ Бир неча жумлалар гализлигидан ва баъзи натижаларнинг тушириб қолдирилганидан ўғира олмадик - Ш.В.

хиддин қози Абдулҳаким Бойсунийнинг ўгли⁶⁴, Қори Йўлдош Каркиги махзум⁶⁵, Мулло Рафик махзум⁶⁶, Мулло Абдурауф махдум Фитрат⁶⁷, Музаххар махдум Бухори⁶⁸, Садриддин - Қўқалдош масжидининг имоми-тахаллуси Айний Хожа Жаҳоний⁶⁹ - булар Бухоронинг махдумзодалари ва олимларидан бўлиб, сонлари тахминан 222 нафарга етарди. Уларни шўролар таъбирича, “фиркаи муҳожирин”, деб атаганлар. Кўплари Бухорода хуррият ўрнатилишида бисёр ҳаракатлар қилганлар. Лекин мақсадга эришмаганлар. Бу муҳориба “Колесов инқилоби” (воқеаси) номи билан машҳур бўлиб қолди. Мағлубиятдан сўнг Колесов ўзини-ўзи ўлдирди...

БЕШИНЧИ МАҚСАД

Амир Олимхон ва Бухоро муҳожирларининг Колесов воқеаси ҳамда инқилобидан кейинги аҳволи, амирнинг Афғонистон вилоятига чекиниши ҳақида

Ровийи авроқ айтадики, Колесов муҳориба-сидан сўнг амир: “Бу ёшлар давлатимизга² қаршилиқ кўрсатдилар, сулҳ тузган бўлсалар ҳам, барибир адоват ва ёвузлик асари қалбларида қолган. Улар ўзларининг муқаддас ватанларида яшамасдан ғариблик либосларида юрибдилар.

¹ 60-изоҳга қаралсин.

² Шеъринг парча тушириб қолдирилди.

Шундай экан, иккинчи, учинчи марта ҳам бизга қарши чиқиб, Бухоро давлатига шикаст бермоқ учун ҳаракат қиладилар. “Воқеа иложини олдиндан олиш яхшироқдир”, деган мулоҳазаларга бориб, (Амир) мажлис чақириб, шу гапларни мамлакат улуғлари ва зодагонларига баён қилди. Бухоро аъёнлари низомий аскар ва асбоби жангни тайёрлашга қарор қилдилар. Мамлакатнинг ҳар жойидан Бухоро давлатининг ҳар бир рустосидан оту аскар, уруш асбобларини йиғиб, милтиқу пулемёт, тўпу бомба йиға бошладилар.

Бухоро таракқийпарварлари таъқиб остига олинди. Қидириб топилганларини қўлга олиб, баъзиларини қатл этдилар, баъзиларини зиндонга ташладилар. Айримлари эса сургун этилди. Жадидларнинг баъзи фозил кишиларини, чунончи, Маъсуд махдум Муфти Абдулқодир сурдур ўғлини қатл этдилар. Бухоро ахлидан кўп одам жадидликда айбланиб ўлдирилди.

Колесов воқеасидан кейин сулҳ битиб, шўрои Русия давлатига кетган ёш(бухоролик)ларнинг Бухоро ҳокимлари ишларини кўриб, Олимхонга нисбатан бўлган адоват ва душманликлари яна ҳам ортди. Лекин Бухоро амири бепарво эди, чунки уч йил давомида низомий аскарларининг сонини 50 мингга етказганди. Мадад Русия шўро давлатидан ҳам тинимсиз келиб турарди. Бухоро амири роҳат боғида ётгандек яшарди. Сулҳ тузиш, муроса қилиш тадбирларини ҳеч ўйламасди. Йиғилган аскар низомий ишига лойиқ эмасдилар, аксари, фоҳиша, ўғри ва амрад баччалардан иборат эди.

Бухоро фуқароси эса беш вақт намозларида Бухоро ҳукумати, давлати ва амирини дуойи хайр қилардилар.

Бухоро низомия аскарининг таркиби

Бухоро аскариясининг низоми етти фавж (гуруҳ, даста)дан иборат эди. Аввал тўпчилар, кейин отлик қозоклар, учинчи шефски, тўртинчи терски, бешинчи араббачча(лар), олтинчи туркман фавжи ва еттинчи сарбозлар турардилар. Турк ҳамда сарбоз фирқасининг бир қисми пиёда, қолгани эса отлик эди. Отлик қозок фирқасини “қазонски” ҳам дердилар. Яна бир гуруҳ низомий жамоани “шербаччалар” дейишарди. Шефски ва терски жамоаси ҳам ёш йигитлардан иборат бўлиб, шу жамоанинг сони ўн мингга етарди. Низомий туркман жамоаси Когон казармасида турарди. Улар Русия давлатининг темир йўлини муҳофаза қилардилар. Ҳафтада олти кун хизматлари муқаррар бўлган сарбозларнинг сони 20 минг нафарга етарди. Буларга шаҳарлар ва вилоятларнинг муҳофазаси топширилган эди.

Амирлик пойтахти бўлган Бухоро шаҳрида қарийб 50 нафар аскар доим хизматда бўлган. Қолган низомий аскар амир рикоби(узангиси)да ва Ситорайи Моҳи хосада хизматда турардилар.

Махфий қолмасинки, Бухоронинг мартабаси азим, лекин ҳукумат бобида мақоми пастдир. Қишлоқ ва туманлари Оврупо давлатларниқига

қараганда суст ривожланган, аммо бу давлатнинг эътибори Оврупо давлатларникидан ҳам юқори эди. Русия давлати билан зохиран дўстона муносабатда бўлса ҳам, аммо аслида ундан хавфсираб юрарди. Чунки Русия Бухорога муқобил чиқиб, унинг баъзи ерларини ўз тасарруфига киритган эди. Амир Олимхон даврида бу муқоамат ва қаршилик очик ойдин бўлиб, хавфу хатар кучайиб кетди. Шу сабаб, эътибор уруш анжомлари ва аскар тайёрлашга қаратилди. Харбийларнинг ойликлари бир неча марта оширилди. Амир инглизлар, тибилисиликлар, афғонлар, хоразмликлар билан иттиход ва дўстлик мақсадида музокаралар олиб борди.

Тараққийпарварлар ишларини кўриб чиқиш учун Бухоро олимлари Домулло Холмурод судур Тошкандий, Мулло Қутбиддин судур Бухорий, Домулло Шавкатуллох ўроқ, Мулло Мухаммадшоҳ судур Бадахшийларни вакил қилдилар. Булар Бухоронинг улуғ муфтийларидан эдилар. Улар инқилобчиларнинг ишларини куну тун текшириб фатво чиқардилар. Масалан, Қаршида самарқандлик хатиб Маҳмудхўжа Бехбудий⁷⁰ номи билан машхур одам қатл этилди. Унинг ўртоқлари ҳам ҳалок бўлдилар. Тўрахўжа нақиб Жўйборий шу вакилларнинг раиси этиб тайинланди. Ҳамма вилоятларга махфий ахборотчилар жунатилди.

Низомий аскарларидан бўлмиш араб жамоасидан эллик нафари Ашхобод чўлига бориб, Англис давлатидан англиз(европа)ча пулемёт ва милтиқларни олиб келдилар.

Тўрақулбой пўст⁷¹ (қоракўл) қўй териси ортилган туя билан Англияга юборилди. Бухоро ва Англия ўртасида дўстлик ўрнатилиши ҳақида эълон қилдилар.

Русия урушларида асир тушган бир гуруҳ австриялик аскарларга ойлик тайинланиб, Имом (Абу) Ҳафси кабир Бухорий дарвозаси олдида, қалъа ичида тўп ва ўқ ишлаб чиқарадиган фабрикани ишга солдилар. Кофиробод гузаридида ҳам дору, тўп ва милтиқ сошлаб ясашни йўлга қўйиб харбий ва давлат ишларини ривожлантирдилар.

Натижада, Бухоро аскарисидида тўпларнинг сони 600 га етди, яна қанчадан-қанча оврупоча снарядларни ишлаб тайёрладилар. Дўстлик ўрнатиш учун Домулло Қутбиддин Судурни Тўрахўжа нақиб билан Афғонистонга юбордилар.

Афғонистон амири вужоролари билан ўзаро бир неча қарорлар қабул қилиб, Бухоро давлатига ёрдам тариқасидида олтига фил ва икки юз нафар фидойи аскарни юборди. Элчиларга эса катта илтифот кўрсатиб, шоҳона сарполар билан қайтарди.

Эшон Бурҳонхон Хиёбонийни Домулло Бурҳониддин маҳдум Қўлобий билан Хоразмга юбордилар. Ўша вақтда Хоразмнинг мустақил хони бўлган⁷². Иккала давлат иттифок камарбандини белларига бойлаб, яқдил бўлиб, Русияга биргаликда қаршилиқ кўрсатишга қарор қилдилар.

Улар кучимиз етади, деб ўйлаб хомтама бўлдилар. Давлатнинг хосу оми хурсанд бўлиб,

учала шох ҳақиға дуолар қилдилар. Халқ “Бухоро амирининг иттифоқчилари кўпайди, энди Русия жанг қилолмайди, биз омон қолдик”, деб айтарди. Бухоронинг шуҳрати тамом оламга тарқалди.

Шу вақтда Афғонистонда Ҳабибуллох ибн Абдурахмон⁷³ подшо, Урганчда (Исфандиёрхон, унинг ўлимидан сўнг Сайид Абдулло)хон эди. Бухоро бошқа давлатлар билан алоқа ўрнатиб Русия шўросининг ҳужум ваҳимаси ва хавфидан хотиржам бўлди. Бинобарин, охирини ўйламай, русларнинг темир йўлларида қоровулларни қўйдилар, ҳар бир истансада юзтага яқин сарбозларни жойладилар. Улар мамлакатни муҳофазаси учун вагонларни текшириб, ёш(бухоролик)ларни кидирардилар. Сарбозлар бошлиқларининг буйруғини бажариш учун шўровий поездларга чиқиб, текшириш олиб бориб рус солдатларини безовта қила бошладилар.

Рус солдатлари Бухоро аскарларининг баъзиларига “бизнинг йўлларимизда қоровуллик қилмангиз”, - деб танбех бердилар. Шундай текшириш ва Бухоронинг муқомамати сабаб бўлди-ю, Русия шўролар давлати Хоразмни олди. Урганчнинг катта раиси Бухорога қочиб келиб паноҳ излади. Урганчда хуррият бўлганидан халқ норози бўлди. Бухоро амири Русиянинг кучини кўриб мулоҳазага ботди: “Урганчни босиб олди, энди бизнинг давлатга ҳам ҳаракат қилади, бу Русия”, деб давлат зодагонларига буни маълум қилди. Лекин сиёсат юзасидан Русия билан дўстлик алоқаларини қанда қилмади.

Бухоро томонидан Тошкентда, Русия эса Кобулда, яъни кучли Афғония мамлакатада канисар (комиссар) тайинлашди. Бухоро томонидан ҳам консул ва канисар тайин этилди. Халқнинг сўзига қараганда, Афғон давлати Домулло Кутбиддин ва Тўрахўжа нақиб элчилари даврида амири Бухорога, фидойи деб 10 минг нафар қуролланган аскар берган экан. Зарур бўлган вақтда муҳораба учун юборармиш. Лекин Бухоро давлати уруш дарагидан хотиржам бўлиб, бу фидойиларни талаб қилмади. Сабаби: “Бухоро давлати Афғон мамлаката билан бирлашибди”, деб Русия адоват қилиши мумкин эмиш. Русия кучли давлат эмиш, нима бўлса ҳам бу иттифокни пинхон тутиш маслаҳатга мувофиқ, деб айтдилар. Албатта, бу ахборотчиларнинг фикридир.

Ҳижрий 1338 йили 10-зул-ҳижжа ойи, милодий 1919 йили мусулмонларнинг (қурбон) байрамида ёшларнинг бир жамоаси қурбонлик қилиб намоз ўқидилар. Ёшларнинг эхтиросли бу ишлари Бухоро амири ва ҳукуматиға маъқул тушиб, тараққийпарварлар учун Когонга бир неча қўй ва қопларда гуруч юбордилар. “Ёшлар инсофға келиб, тавба қилиб, биз билан иттифок тузадилар, улар орасида ҳам оқил сиёсатчи одамлар кўп экан, деб тараққийпарварларнинг баъзи ишларига алданиб қолдилар. Ёш(бухоролик)лар амирнинг бу фикрини билиб, унинг аскарларға жавоб берганлиги ва бепарволигидан фойдаланиб, 18-зул-ҳижжа ойи, милодий 1920 йили, якшанба куни кечаси соат 3да Когондан хужум бошлаб, Бухоронинг баъзи рустоларини

босиб олди. Пойтахт тарафига қаратиб жаҳон-
гир тўплардан гумбо-гумб ота бошладилар.

Бу варақ сатрларининг муаллифи шундай
хикоя қилади: Ўша кеча Кофиробод гузарига
Баходур хожи мадрасасида бир яқин дўстим-
нинг уйида истироҳат қилиб ётар эдим. Бир вақт
тўп овози эшитилди. Тонг отиб жаноби олийлари
аскарлари билан Шўркўлга машққа бораётган-
лар? деб ўйладик. Соатга қарасак, соат 3. Хайрон
бўлиб бу тўп овози Когон томонидан келаяпти
деб, воқеани билмоқ учун тез Регистонга келдик.
Қарасак, ҳақиқатдан ҳам аҳвол бошқача. Ас-
карлар сафланиб, жангга шайланиб чиқиб кета-
яптилар. Шунда ҳамма амиримизнинг тарақкий-
парварлар макру хийлаларига алданганлигига
афсусланди. Бугун эса уларнинг мақсадлари аён
бўлди: “Дариг, иш қўлдан кетди, афсуснинг
фойдаси йўқ. Тараддуд қилиб ғайратни қўлдан
бермаслик лозим” деб, гурух-гурух бўлиб,
урушга чиқиб кетдилар. Бухоронинг олтига:
Қарши, Самарқанд, Бобои парадўз, Намозгоҳ,
Шайх Жалол ва Қорақўл дарвозаларидан Бу-
хоро аскарлари Когон тарафга қараб кетди. Аскар-
лар тўқнашиб, иккала томондан отилган тўпу
милтиқнинг овози оламни тутди. Бухоро аскар-
лари тўп ва милтиқдан бошқасини ишлатолма-
дилар, лекин Русия аскарларининг хийла ва
тадбири юқори даражада эди. Унда аэроплан
ва тўплар кўп эди. Рус аскарлари ғолиб чиқди.
Аэропланлари кўп жойларни хароб этди. Бу-
хорои фохира устида 3та аэроплан қорувлик
қилиб учиб юрарди. Қаерда аскарлар гуруҳини

кўрса, бомба ташлаб ҳалок қиларди. Қасрда аскар йиғилганини кўрса, хабар бериб маълумот берар экан. Ўша куни Бухоронинг кўп бино ва иморатлари тўп ҳамда бомба зарбидан бузилиб ёниб кетди. Ўша якшанба кечаси мазкур ойнинг 18-куни Когонда уришаётган аскарлар рус аскарлари қўлига асир тушдилар. Нақл қилувчи Муҳаммад Али айтадики, амир саройига яқин бир одамдан эшитдимки, амир ҳар кеча у билан шаҳарга чиқар экан. Буни икки-учта одам билар экан холос. Якшанба куни кечаси ҳам ўша одам амир билан амирнинг чорбоғи бўлган Дилкушо боғигача борибдилар. Бирдан Когон томондан милтиқ овози эшитилибди. Яна олдинроққа юриб Ширбадан боғига келсалар, яна икки-уч марта милтиқ овози Когон тарафидан чиқибди. Амир бетокат бўлиб, бирон бир ходиса юз бердими, деб отдан тушибди. Одамларнинг ҳам овозлари эшитилибди. Текшириб аниқлай олмабдилар. Отларга миниб Когон тарафга юрибдилар. Шундан кейин ўша одам хикоя қилади. “Эски Когонга етиб келиб уччаламиз отлардан тушдик. Биримиз отларни қоровуллардик. Амир билан яқинроқ борсак, қулоғимизга русча сўзлар эшитилди. Қарасак, аскарларимиз асир тушган. Олдинга ҳаракат қилайлик десак мажолимиз қолмади. Кеча тун, жуда ҳам қоронғу бўлгани учун улар бизларни кўрмадилар. Маъюс ва хотиримиз паришон бўлиб, тез отларимизга миндикда, Ситорайи Мохи хосагача келдик. Мен вазоратпаноҳга телефон қилиб ходисани маълум этдим. Олимхон журъатига қойил бўлдик”.

Алқисса, ёрдамга келган 200 нафар афғон Қарши дарвозасига юборилди. Якшанба куни улар жуда ҳам қаттиқ урушдилар. Икки-учталари ҳалок бўлди. Иккита тўп ёрилди. Мирзои Урганжий тухмат билан Ситорайи Моҳи хосада маҳбус эди. Душанба куни, мазкур ойнинг 29-куни уни ҳибсдан озод этишди. Рус аскарлари ўша муҳорибада галаба қозониб, Бухоро диёрини муҳосира қилди. Бухоро аскарлари қалъа ичидан отарди. Шаҳар дарвозалари олдида жуда қаттиқ жанглар бўлди. Шаҳарда вазият жуда оғир эди. Кўп иморатлар ёниб кул бўлди. Арки олийнинг аксар иморатлари вайрон бўлди. Якшанба куни 18-зул-ҳижжа Бухоро аскарлари мағлуб бўлди. Аскарлардан кўпи қочиб кетиб, анчаси ярадор бўлди. Сешанба куни оғир жанг давом этди. Шу куни Қарши дарвозаси тўп зарбидан бузилди. Унинг жанубидаги 100 газга яқин қалъа девори кулаб тушди. Ана шу дарвоза йўлидаги маҳалланинг ярми ёниб хароб бўлди. Кўп гузарлар ҳам ёниб кетди. Анча одам шу урушларда фоний оламини боқий оламга алмаштирди. Шаҳар аҳолисидан кўплари ертўла ва деворлар остида қолиб ҳалок бўлдилар, аксар одамлар қочишни ихтиёр этдилар. Сешанба куни харобагарчилик ва уруш ҳадидан ошиб кетди. Ўлганлар сони тахминан 2 минг нафарга етган, деб ҳисобладилар.

Бошқа илож қолмагач, Бухоро аскарлари ва сарбозлари вазоратпаноҳ буйруғи билан тўққизта оқ байрокни кўтариб, Когон тарафга юрдилар. Йўлда бу элчилар ҳам ўлдирилди. Жаҳолатдан тадбир қилинмай, улар ўзгаларнинг оёқ

остиларида пайхон бўдилар ваҳоланки, сулҳ тузиш энг тўғри йўл эди. Афсус сулҳ қўлдан кетди-ю, Бухоро хароб бўлди. Бухоро ҳукумати-нинг нодонлиги шу даражага етказди. Чоршанба кунни ҳам уруш ниҳоятда авж олди. Одамлар жонини сақлаш учун аҳли аёлини олиб шаҳардан чиқиб туманларга қараб қочди. Бу кунни кичик қиёмат - "қиёмати асгар" ҳам деймиз. Чунки, ҳатто, девоналар ҳам шаҳардан икки фарсах масофагача қочиб кетдилар.

Чоршанба кунни Девонбеги ҳовузи лабигача жанг бўлди. Русия аскарлари ҳар томондан Бухорои фоҳирага кириб келди. Абдусатторбек тўпчибоши беш минг аскар билан Девонбеги ҳовузи олдида жанг қилиб турган вақтда, аскарлари қочиб юзланди ва шаҳар дарвозаларидан чиқиб кета бошлади. Қолганлари эса Девонбеги ҳовузига тўпларни ташлаб қочдилар. Тўпчибоши шу ерда ҳалок бўлди, аскарлари эса тарқалиб кетишди. Афгонлар жамоаси Мазори Самарқанд дарвозасида турганларида Русия аскарлари шаҳарга кириб, Бухорони эгаллаб олди. Афгонлар дастаси иш қўлдан кетганлигини фаҳмлаб, қуроляроғларини олиб пиёда Ситорайи Моҳи хосага, амир ҳузурига келиб, "Амир соҳиб! Бухорони руслар қўлига бердик, бошқа илож қолмади", - дедилар. Ўша кунлари тўп зарби ва аэроплан дастидан Ситорайи Моҳи хоса ҳам анча хароб бўлган эди. Раиси қалон ва қози қалон қочиб, Лаклақа туманига⁷⁴ бораётганида қоровуллар қўлига тушиб амир ҳузурига олиб келинган эканлар. Амирнинг жаҳли чиқиб: "Бу давлатнинг

нону намаки сизларни кўр килсин, сизларнинг ношукурлигингиздан Бухорони бердик, сизларга ишониб душман қўлига ҳам тушамиз. Сизлар ўз жонингиз гамида қочасизлар. Қасофатларингиз менинг давлатимга тегди. Сизлар азоби алимга гирифтор бўлиб, душман қўлига асир тушмоғингиз лозим”, деб уччалаларини ҳибс қилди. Афғонлар бошлиғидан сўради: “Женирал (генерал) соҳиб, бу ҳодисага илож қилса бўладими?” Женирал соҳиб ўрnidан туриб: “Ё амир ал-мўминин Русия аскарлари Ҳавзи Девонбеги лабида ҳозир жанг қилмоқдалар. Хайриятнинг иложи йўқдир, энди жонимизни сақлаш учун ўзимизни бир бурчакка олишимиз лозим. Жон омон бўлса ҳар бир ишнинг иложи аста-секин бўлар. Ҳозир Ситорайи Моҳи ҳосада 2 миллионга яқин одам бордур”, - деб жавоб қилди.

Соат пешин вақти икки эди. Амир ўзига содик бўлган афғонлардан бу сўзларни эшитиб, юрагидан охи пурсўз чиқарди-да: “Такдир фирокда экан”, - деб тайёр хуржинини фойтунга ташлаб ўзи ҳам чиқди. Бошқа извошга хазинадаги бир одам ҳам ўтирди. Учинчи фойтунга 5-6 нафар мусаллах одамлар милтиқ-пулемётлар билан чиқишди. 5-6 фойтун ва икки-уч минг низомий аскар бир-бирлари билан видолашиб, минг доду фарёд билан қочишга жазм этдилар. Ўша вақтда она қизига, ота ўғлига раҳм этмай “вой шарияту дини ислом” деб, йиғи қилиб фалакка жар солдилар. Ровий бу кунни кичик қиёмат деб айтади. Амир орқасидан пиёда-ю суворий, фуқаро-ю сипоҳий, қарийб юз минг одам йўлга чиқди.

Ўша чоршанба куни зул-ҳижжанинг 21-си эди. Шу куни (амир) Вобканддан ўтиб, Хожа Жаҳонга кириб Абдуллабойвачча ҳовлисига тушди. Кечаси Қизилтепа устидаги темир йўлдан ўтиб, Қарши чўлига қараб, икки-уч кунда Ҳисор вилоятининг Дехнав шаҳрига етдилар. Шу билан душмандан нажот топдилар.

Амирнинг Ғиждувон ва Вобкандга боришига сабаб, унинг оиласи Вобкандда экан. Урушдан олдин улар бу ерга келган эканлар. Амир улар билан хайрлашиб кетибди. Бухоро амири воқеасининг баёни шудир.

Энди икки оғиз сўз Мирзои Урганжий номи билан машҳур бўлган Низомиддин Девонбеги ҳақида.

Уруш бошланганида у Ситорайи Моҳи хосада маҳбус эди. Ғалабага умид қилмагач, уни сешанба куни зиндондан озод қилдилар. У бир неча минг аскар билан Қорақўл дарвозасидан чиқиб муҳорабада қатнашиб мағлуб бўлгач, чоршанба куни туманлар тарафига қочиб кетган экан. Зул-ҳижжа ойининг 22-сида Ситорайи Моҳи хосага келиб ҳеч кимни тополмай, амирнинг қочганини эшитиб, бир неча одамлари билан амир орқасидан Ҳисорга йўл олибди. Равий айтадики, Мирзои Урганжий амир аскар эди ва амир орқасидан бориб, Дарбанд мавзеига келиб шўройи Русия қоровулларига қаршилиқ кўрсатиб, мағлуб бўлди. Чекиниш вақтида отдан тушиб, танаси лат еб, минг азобу машаққат билан отга миниб Ҳисор вилоятига етиб келибди. Бу ерда амир маъмурларидан ҳеч кимни топмаб-

ди. Амир эса, аллақачон Ҳисордан жўнаб Қўрғонтепага кетган экан. Мирзои Урганжий дарҳол амирга ариза ёзиб юборибдики: “Банда кетингиздан келдим. Русия аскарлари ҳозир Дарбанд мавзеидан ўтмаган. Марҳаматдастгоҳо! Биз бу Ҳисор мамлакатини муҳофаза қилиб, халқни ташвиқ этиб, душман йўлини тўсмоғимиз даркор”. Амир Олимхон унга жавобан шундай ёзибди: “Сиз Ҳисорда туратуригиз. Биз етиб борамиз.” Мирзои Урганжийга жавоб ёзиб, кетидан ўзи ҳам Ҳисорга қайтибди. Аммо йўлда яраланганидан Мирзои Урганжий фоний оламини боқий дунёга алмаштирган экан.

Роқим (ёзувчи) узр сўраб айтадики, амир Мирзои Урганжий вафотини эшитиб, жуда ҳам ғамгин бўлиб, “Давлатимиз Ҳисор мулкида ҳам узок қолмайдиганга ўхшайди, чунки давлатхонада оқилу мудаббир ва дилсўз одамлар қолмади”, - деган фикрга келди. Амир (Олимхон) қочишнинг ибтидосида Деҳнав билодида бешолти кун туриб, мукамал қурол-аслаҳаси йўқлиги боис рус қўшинининг келиши хавфидан қўрқиб, Ҳисор мулкига, у ерда ҳам қарор топмай, Қўрғонтепага кетган экан. Мирзои Урганжий хатини олиб қайта Ҳисор шаҳрига келиб Ҳисор халқини тарғибу ташвиқ қилиб, саҳроий ва шаҳрий қаро калтаклардан куч йиғибди.

Алқисса, бир оғиз сўз Масчоҳ беклари ҳақида эшитишингиз лозим. Ҳикоят қиладиларки, Масчоҳ бекларидан Муҳаммад Амин ва Шермухаммадбек⁷⁵ деган одамлар бир неча йилдан бери Русия ҳукуматидан юз ўгириб ўз ҳукуматла-

рини тузган экан. Улар Бухоро амирининг шўролар давлати билан урушда мағлуб бўлиб, Бухородан қочиб Ҳисор вилоятига қочганини, Бухорони ўруслар олганини эшитган эканлар.

Мазкур беклар Бухоро подшосига ёрдам бериш учун 200-300 аскарларини Ҳисорга юборибдилар. Улар икки-уч кун ичида Бухоро амири олдига келиб, “Буларни Муҳаммад Аминбек ва Шермуҳаммадбек хизмат учун юбордилар”, деб тухфаларини амир давлатхонасига топширидилар. Бухоро амири уларни икки-уч кун меҳмон қилиб, сардорларига сарполар бериб Дехнав химоясига юборибди.

Бу даста бир муддат Дехнав химоясида туриб ўзларини эски одатларини қилиб фуқаронинг моълу мулкини талон-тарож қилибдилар.

Дехнав фуқаролари бекларнинг аскарларига қарши бош кўтарибдилар. Бу мухорибаларида фуқаролардан кўп одам ҳалок бўлиб, беклар мағлуб бўлиб, Дехнав вилоятидан минг азобу кулфат билан ўз мулкларига кетибдилар.

Амир бу мухорибани эшитиб, Дехнавни руслар олибди, Ҳисор вилоятини ҳам олади, деябу ўлкадан қочиб, Қўрғонтепага келибди. Ўша вақтда ҳам руслар аскарлари Дарбанддан ўтмаган экан. Кейин у воқеани аслини билиб, қайтиб Ҳисорга жазм қилиб Холдорбегижонни - Мирзои Урганжий ўғлини Ҳисор шаҳрига ҳоким этибди. Амирнинг ўзи Душанбе шаҳрида қолибди. Дехнавда ҳам янги ҳоким тайинланибди. Ўшандан кейин русларнинг қўшини Дарбанддан ўтиб Бойсун ва Шерободни ишғол этибди.

Амирнинг аксар аскарлари қоракалтак эди. Ўн мингга яқин (қоракалтак) Дехнавга келиб Бойсунга ҳужум қилибдилар. Бойсунни олиб, Шахрисабз, Китоб, Жомчи, Чирокчини ҳам олибди. Бу бетартиб урушларда бечора фуқаролардан кўпи ҳалок бўлиб, яна анча одам асирга тушиб оёқости бўлибдилар.

Русия кўшини беш-олти кун давомида амир аскарига ҳужум қилиб, юқоридаги шаҳарларни қайтадан босиб олибди. Амирнинг кўшини Ҳисор вилоятига қочибди. Охир ул-амр Шўрои Русия аскарарияси Бухоро мулкани тўлиқ босиб олишда ҳужумдан тоймасдан Дарбанддан ўтиб, аввал Бойсунни забт этибди.

Қоракалтакнинг бу муҳорибаси рабиъ ул-аввал ойи, хижрий 1339 йили, милодий 1921 йили юз берган эди.

Бу ҳужум давомида Русия аскарлари Дехнав ва Саржўни олиб, Қаратоқ ва Ҳисорга йўл олибди. Ўша вақтда амир Душанбе шаҳрида экан. Жадид ва қадим ўртасида қаттиқ баҳс бўлиб, кўп одамларни жадид, деб қатл этибдилар. Айтдиларки, соҳиби давлатлардан Қаротегин ҳокими Баротбек ҳидоячи ҳам “жадид” деб ўлдирилибди.

Амир Душанбедан ҳам қочиб Кўлобга ўтиб икки ҳафта у ерда туриб, кейин Аму дарёсидан ўтиб, Афғонистонга кирибди. Хонабод шаҳрида туриб, Қобул амирига ариза юборибди. Номасининг мазмунидан ровий хабардор эмас экан.

Ана шу ҳақиқатни аҳволи замона зайли билан таҳрир этдим. Ушбуни вазъи замонани тако-

зоси ва азиз биродарларим илтимослари билан мўъжаз ва холис иборалар ишлатиб ёзиб тугатдим, ўқувчилар менга таъна қилмаслар деб умид қиламан.

ОЛТИНЧИ МАҚСАД

Русия шўроларининг зафар топгани. Бухоронинг босиб олиниши, амир Олимхоннинг Ҳисор ва Афғонистонга қочганидан кейин Бухоронинг хароб бўлиши

Ровийи авроқ иттифок юзидан вақти ғанимат деб билиб кўрганларимни тахрир этурманкў, панжшанба куни зул-хижжанинг 22-си, сана 1338, милодий 1920 йилида Русия аскарияси Бухоро шаҳрига кириб, пойтахт атрофларини босиб олди.

Жанглардан сўнг аксар иморатлар ва биноларнинг ёниб вайрон бўлганлиги маълум бўлди. Гузар ва кўчалар тўп зарби ва аэроплан бомбаларидан хароб бўлибди. 34та гузар, 3 мингдан ортиқ дўкон, 20тачага яқин сарой, 29та масжид ёниб хароб бўлибди. Катта Миноранинг ҳам бир неча кодокига тўп тегиб, танаси мажрух бўлибди. Олимхон мадрасасининг пештоқи ҳам тўп зарбидан бузилиб, ташқи дарвозаси, дарсхона эшиклари ёниб кетибди. Мадрасаи Мир Арабнинг пештоқи тўп зарбасидан мадрасанинг сахнига қулаб тушибди.

Баъзи мадраса ва масжидлар култепага ай-

ланибди. Ҳазрати имом дарвозасидан Гузари Назарчагача, Кофиробод, Ўғлон дарвозаси, масжиди Калон, Зиндондан тўқимдўзий Ҳаммомигача, минора остидан то Сўзангарон даҳаси, Бозори гул, Латтафурушлар растаси, Регистондан то Пули ошиқоннинг бошигача батамом ёниб кетибди. Бухоронинг жанубидан Мехтари Ориф гузарининг учдан бири, Қарши дарвозаси олдидаги гузарнинг ярми, Наҳор дарвозасининг ярим гузари ёниб ер билан яксон бўлибди. Қарши дарвозаси ҳам ёниб кетибди. Кўп бухороликларнинг мол-ҳоллари ёниб, аксарининг аҳли оилалари ҳам ҳалок бўлибди. Баъзилари қочиб чўлу саҳрога, бошқа вилоятларга кетиб қолибдилар. Шаҳарда 3 мингга яқин ҳовли ёниб, кул бўлибди.

Ёш(бухоролик)лар шаҳарга кириб бу аҳволни кўриб, анча афсусланибдилар. Бухоро шаҳри қарийб 20 кун ёнганди. Ёнгинни ўчириш учун мошиналар олиб келдилар.

Зул-ҳижжа ойининг 18-сидан 30-сигача шаҳар олов ичида қолди. Арки олий устидан қарийб 300та иморат тўп ўқи ва бомбалар зарбидан ёниб, анча қимматбаҳо моллар нобуд бўлди. Бухоронинг шу даражада хароб бўлганини ҳеч бир тарих кўрмаган эди. Бу Колесов воқеасидан сўнг Бухоронинг иккинчи марта хароб бўлиши эди.

Бухоро ёшлари ҳукумат қуришга бел боғлаб душманларини йўқ қилиш пайига тушдилар. Бу ҳақда асарнинг еттинчи бобида, иншооллох зикр этурман.

Энди амир Олимхонга фидойи деб, Афғонистондан юборилган аскарлар ахволидан эшитинг. Сўз сохиби айтадики, аскари Русия Бухоро шахрига кирган куни афғон аскарариясининг юзбошиси, яъни жеринал (генерал) соҳиб Ситорайи Моҳи хосага келиб Амир Олимхонни олиб Дарбанддан ўтказиб, Ҳисор вилоятига кузатди. Ўзлари Бухорога қайтишди. Мулоҳазалари шул эдиким, “агарда биз амири Бухоро билан қочиб кетсак, бефармонлик бўлур, то ижозат бўлмаса, қайтишимиз тўғри эмас”, деб Ғузур яқинида Русия шўролар ҳукуматига таслим бўлдилар. Шўрои Русия афғон аскарларини Бухорога олиб келиб маҳбус этди. Бухоро Шўролар томонидан босиб олингандан сўнг Афғонистон олий ҳукумати иттифоқ қўлини Русияга бериб, бандиларини олиб кетди. Канисари ва жениралини бошқа этиб тайинлаб, дўстона муносабат ўрнатди. Муҳаммад Раҳимхон Фарғонагий Бухоро Шўролар давлати томонидан Афғонистонга консул этиб юборилди. Дўстлик муносабатлари икки йил давом этди. Кейин яна иккала давлат ўртасида қандайдир низо келиб чиқиб, консуллар қайтарилди. Иккинчи марта яна иттиҳод қўлларини берганда элчилар юборилди. Бу воқеа 1342, милодий 1923 йили бўлган эди.

Алқисса, яна аввалги гапимизга қайтсак. Қозикалон ва Бухоро раиси калони ҳақида эшитинг.

Бухоронинг муҳосираси ва муҳорибаси жараёнида Амир Олимхон қочиб кетганда, зулҳижжанинг 22-сида, Русия аскарлари жанг қи-

либ Ситорайи Мохосага кирганда олий қасрлар ва казармалар бўм-бўш эди. Ҳеч кимни тополмай, сиёсат қилиб, Ситорайи Моҳи хоса масжиди, Регистон меҳробининг жанубидаги турк казармасини ёқиб юбордилар. Шефский, Терский казармаларини ҳам ёндириб бузиб ташладилар. Миёнсарой ўртасидаги жиловхона дарвозаси ҳужраларидан бирининг эшигини очиб, икки-уч нафар одамни кўрдилар. Улар Қози калон, Раиси калон ва Қози калоннинг ўғли Шахобуддинхонлар эдилар. Уларни дарров Бухорога юбордилар.

Қарши ҳокими Усмонбек парвоначи қўшбеги бўлган эди. Ўша панжшанба куни у асир тушди. Ёши катта одам бўлгани учун қўшимча кучи етмай қолган экан. Мирзо Умар мирохур - қози калоннинг мирзоси ва дабири, охунди Бу хоро Бадриддин махдумнинг ўғли домулло Имомуддин - банораспўш мударрис домулло, Қамариддин Нўғойлар асирга олиндилар. Тўрт ойдан кейин Домулло Қутбиддин судур вакил Хожа Ориф туманида қўлга олиниб ҳибс қилинди. Иккинчи вакил Домулло Холмурод муфти судур ҳам ҳибсга олинди. Мулло Жанбил махсум, Мулло Муҳаммади махдумларни ҳам қамадилар. Бу маҳбуслар Шўро қонунлари бўйича гуноҳкор деб топилди. Буларнинг ҳаммалари суд қозиларининг ҳукми билан катл этилдилар.

Амирнинг баъзи саркардалари ва хизматчиларини ҳам сиёсат учун ҳибсга ташладилар. Баъзиларини кафолат билан, баъзиларини ўз ихтиёри билан озод этдилар.

Балдаи фохира олимларининг баъзиларига қози, баъзиларига мударрислик мансабини бердилар. Олдинги ҳукму фармонлар бекор қилинди, янги қонунлар жорий этилди. Ахли Бухоронинг ҳам баъзилари ҳукумат хизматига ўтдилар. Шўролар давлати кундан кунга ривожланиб, таракқий сиёсати ва муҳофазати янгича таракқий топаётир.

ЕТТИНЧИ МАҚСАД

Бухорода иттифоқчи Шўролар ҳукумати ва инқилобчиларнинг ҳукмронликлари ҳақида

Сўз соҳиби маълум қилурки, Олимхон қочганидан кейин инқилобчилар Бухорои фохирада ўрнашиб, кўп иморатларнинг хароб бўлганлигини кўрдилар ва уларни қайта қуришга, таъмирлашга тушдилар. Арки олий атрофини кул ва ахлатлардан тозалаб, бузилган иморатларнинг тошу кесакларини олиб ташладилар, катта майдонга айлантирдилар. Ҳафтанинг ҳар куни шу майдонда мажлису йиғилишлар ўтказиб, халқ ичида ташвиқу тарғиб ишларини олиб борардилар. Тиргарон мавзеида тўққизта узун тоқ бўларди. Мисгарлар йўлидан юрилса, Чортоқ тоғларига бориб тақаларди. Шу тоғнинг шарқида Тўқимдўзлик ҳаммоми жойлашган эди. Улар билан китоб бозорининг тоқини ҳам бузиб ташладилар. Китобфурушлар тоқи тўп ўқларининг зарбидан бузилган эди. Бу тоқларни амир Абдуллоҳон замонида таъмирлаган эдилар.

Бухоро шахрида учта олим шаръи шариф хукмларини бажариш учун қози этиб тайинланди. Домулло Муҳаммад Икромни⁷⁶ Ғузор шахридан чакириб олиб, Шўролар қозиси этиб тайинладилар. Инқилобчилар жумласидан бўлган Мукомил Маҳдумни Адлия қозиси, яъни русчада прокурор этиб тайинладилар. Умуман, ҳаммаси бўлиб бешта қози тайинланди. Мамлакат сиёсати, ахбороти ва назорати учун фавкуллода марказий маҳкама тузилди. Русчада номи - ВХЧК (ВЧК - Ш.В.) Муинжон Маҳдум унга садр (раис) бўлди. Савдо ва саноат учун ҳам маҳкама тузиб, номини “Маркази саноат” деб қўйдилар. Мусахон Афанди⁷⁷ни унга раис қилдилар. Ташқи ишлар маркази (самнаркўм) деган марказ тузиб, Файзуллахўжа Убайдуллахўжа ўғлини нозир этиб қўйдилар. Ички ишлар марказини ҳам ташкил қилдилар. Арки олийда инқилоб марказини туздилар. Мирзо Абдулқодир Мирзо Муҳиддин сарроф ўғли унга раис бўлди. Муҳаммад Рафиқ Афандига тафтиш маркази нозирлигини топширдилар.

Маҳдум Муҳиддин Бухорий озука марказига раис бўлди. Қосимжон маҳдум миллатлар фиркаси марказига (маркази фиркаи қавмият) садр (раис) этиб сайланди. Қори Йўлдош Каркийликни Вақф марказига раис қилдилар. Барча мадраса ва масжидлар унинг ихтиёрига берилди.

Остонакул қўшбеги эроний ва Муҳаммад Юнус девонбеги “ушр” марказига бошлиқ бўлдилар. Усмонхўжа...⁷⁸ ўғли мухтор вакил бўлди. Бухоронинг Ҳисор вилоятигача бўлган ҳамма

рустолари унинг ихтиёрига ўтди. Шўровий Бухоронинг сикка-ю пул чиқариши зарби ҳам унга тегишли бўлди. Халқ банки, главный милиция деган маҳкамалар тузилди. Бухоро ва Самарқанд дарвозалари учта районга бўлинди. Мозор дарвозанинг ташқарисида ҳамда Дилкушо Чорбоғида фавкулудда Хорижий марказ тузиб, Муҳиддин маҳдум қози Абдулҳаким судур Бойсунийни садр (раис) этиб қўйдилар. Бухоро туманлари ва қасабаларининг сиёсати унинг ихтиёрида эди. Юқорида айтилган марказларнинг ҳар бирида яна бир неча бўлимлари ҳам бор эди. Бухоронинг туман ва қасабаларида қози ва раис ўрнига исфолком ва милиция начальниги вазифасини жорий этдилар. Улар ҳукумат ривожига ва ҳимоя учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар.

Шўролар давлатининг тараққиёти учун қарийб 50та мактабхоналар ташкил этилди. Турку тожиклардан талабаларга муаллимлар тайинландилар. Мактабларнинг баъзилари ҳақида айтиб ўтамиз: аввало, Арки олийда бир сиёсий ҳарбий мактаб, Девонбеги ҳавузи олдидаги Олимхон иморати пасожида яна битта сиёсий мактаб, Дастурхончи ҳавузи лабидаги Холдорбекжон ховлисида ҳисоб ва қарз мактаби, шунингдек, “Турон тўдаси”, Авлиёқулбек девонбеги ховлисида саноат мактаби, Дастурхончи ҳавузининг ёнидаги Тўраи Чоржўйи Мир Муҳаммад Сиддиқ-Ҳашмат ховлисида мусиқий мактаб очиб, Фитрат афандини мудир этдилар. Қози калон ҳавузи олдида “Шамс ул-орифин” мактабини очдилар.

Хиёбон гузарида “Дор ул-муаллимини форсий” мактабини очдилар. Бундан ташқари яна телефон (алоқа) ва аэроплан мактаблари ҳам тайин бўлди. Илми ҳисоб, жугрофия, сиёсий, ҳандаса, сарфу наҳв ва бошқа илмлар форсий, туркий ва рус тилида таълим бериларди.

Кўплаб ибтидоий мактаблар ҳам очилди. Мирзо Муҳаммад Назар ва Мирзо Улугбек мадрасасини мактабхонага айлантирдилар. Энг машҳур бўлган Кўкалдош мадрасаси “дор ул-фунун” (университет) номини олди. Мадраса талабаларини дарс ўқиш ва таълими илм қилишга даъват этилди. Ҳамда уларга ўқитувчилар тайинланди. Турсунжон, Говкушон ва Абдуллохон мадрасалари “дор ут-толибин” номини олди. Бухоронинг 100дан ортик олимлари ва мударрислари кўрсатилган мадрасаларда дарс бериб, давлат томонидан ойлик оладиган бўлдилар. Мир Араб мадрасасига “дорил-мударрисин” деб ном берилди. Ҳар бир мадрасада икки олим дарс берарди. Мадрасаларнинг энг машҳурлари Кўкалдош, Мири Араб, Абдуллохон ва Заргарон эди. Абдуллохон мадрасаси 2 каватли бўлиб, тўртта фонуси бор. Биринчи ва иккинчи каватларда саккизта фонус бўлиб, ҳар бир фонусда 16 мураббаъ хужра қурилган. Пештокиннинг баландлиги 45 аршин⁷⁹ келади. 196та хужраси мавжуд. Бухорои фоҳира аҳли фаросатли бўлиб, форс тилига жуда моҳир. Аммо яҳудий ва эронийлар ҳам бор. Бошқа кавмлар ҳам ўтроқлашган. Шаҳарда 200дан ортик маҳалла, 360та беш вақт номозлик масжидлари, 18та масжиди

жомеълари, улардан энг машхурлари Ста. Мас-жиди калоннинг 200та тошдан ясалган устунни бор. Бонийси Муовия ва Қутайба, Қизил Арс-лон, ҳозирги иморатини Абдулазизхон қурган. Баландлиги 96 газ⁸⁰дир. Иккинчи масжиди По-янда Регистонда жойлашган. Учинчи, масжиди Усто Рӯзи, тўртинчиси, Хўжа масжиди ва бе-шинчиси, Шайх Шона масжиди.

Масжиди Калон 12 таноб⁸¹, Поянда 8 таноб, Усто Рӯзи 2 таноб, Хўжа 8 таноб, Шайх Шона 6 таноб майдонни эгаллайди. 1916 йили Бухоронинг аҳолиси қарийб 80 минг бўлган экан. Аммо ҳозир - Шўролар ҳукумати даврида 60 мингга яқин аҳоли яшайди. Бухоро урушида кўп одам ўлиб, халқнинг бир қисми бошқа вилоятларга кетган эди.

Энди яна мақсадга қайтсак. Бухоро инқилобчилари тахту бахтга эришиб, Хўржин мадрасасини, Пушаймон мадрасасини, Ўткур қўшбеги мадрасасини ва Фатҳали қўшбеги мадрасасини Бухоро инқилоби даврида қамокхонага айлантирдилар. Бухоро аҳолисидан кўп одамларни асир олиб, амирнинг одамлари, деб қамадилар. Ҳазрати Имом дарвозаси ичидаги Мирзои Урганжий ҳовлисини “иккинчи аристон” деб зиндонга айлантирдилар. Инқилобнинг биринчи йилида Регистон майдонини кенгайтириб, унга истиқлол майдони” деб ном қўйдилар. Пойи остона Гузарини Муфтизода гузари деб атадилар. Сабаби шулким, Домулло Муҳаммад Икром муфти судур шу гузарда турган экан. Фарзандлари жадидикда ном чиқарган эди. Мазкур До-

мулло, аввал, Карминага кейин Ғузорга сургун этилган эди. Махдумзодани Ғузор тўраси Олим-хоннинг амакиси қатл қилган эди. Хотирасига кўча унинг номи билан аталди. Бухоро дарвоза-ларидан бирининг номи қадимулаёмдан Ўғлон эди. Уни дарвозаи Шухадо деб атардилар. Бун-дай номланишига сабаб, Колесов воқеасидан кейин амир Олимхон бир неча Бухоро ёшла-рини (ёш бухороликларни - Ш.В.) қатл этиб, ўша дарвоза олдига дафн эттирган эди. Қарши дарвозасини Мирзо Назруллоҳ дарвозаси деб қайта номладилар. Мирзо Назруллоҳ тараққий-парварлардан эди. У амир одамларининг қўлига тушиб 75та дарра еган экан. Қарши дарвозасидан чиқарилаётиб, Когон йўлида жон берибди. Уни бир тепаликда дафн этишибди. Шу сабабдан дарвоза Мирзо Назруллоҳ номини олибди. Мирзо Баҳовуддин дарвозаси Мирзо Шона дарвоза-си деб аталадиган бўлди. Буни сабабини била олмадик.

ЎН БЕШИНЧИ МАҚСАД

Амир Олимхон қочганидан сўнг Бухоро ва Самарқандда босмачи-лик ҳаракатининг бошланиши, бу жамоанинг ғалаёни ва баъзи раҳбарларнинг қатл этилганлиги ҳақида

Хабарчи нақл қиладики, амир Олимхон мағ-луб бўлиб, Хисор мулкига қочиб кетганидан кейин, унинг баъзи аскарлари жанглarda мағ-луб бўлди ва йўлтўсарлар ҳамда (баъзилари) босмачиликка ўтдилар. Амир билан кетган баъзи кишилар ҳам қайтиб келдилар ва босмачилик ҳаракатида ҳукуматга қаршилик кўрсатиб йўқ бўлиб кетдилар. Бу жамоа “босмачилик” ва “беклик” номи билан биз - туронийлар ўртасида машҳур бўлиб аҳолини талон-торож қилдилар, гам-ташвиш келтирдилар. Улар Бухоро ва Са-марқанд ерларида ҳаракат кўп ва бебошлик кўр-сатдилар. Бандаи заиф, қисқа тарзда, бу жамоа-нинг сардорлари ҳақида эшитганларимни ёза-ман.

Бухоро тобеидан Хўжа Убон қасабасидан Мулла Абдулқодир Қоровулбеги⁸² жуда шердил ва жасур эди. Русия Шўролар давлатига қарийб бир йил қаршилик кўрсатди. Хўжа Убон қасабасидан Мулла Абдулжаббор, Қорақўлнинг Пайкенд мавзеидан Мурод полвонлар, Бухоро босмачиларининг шижоатлиларидан эдилар.

Хатирчи вилоятидан Қорақулбек⁸³ дегани

хам кўркмас баҳодир эди. У қарийб олти ой Хатирчи вилояти ва Миёнқўлда ҳукмронлик қилди. Охири ҳукумат билан сулҳ тузиб, икки-уч нафар саркардаси билан Каттақўргоннинг Панжшанба мавзеида қатл этилди. Булар Бухоро музофотларидан Қорақўл, Хайробод, Вобканд, Лақлақа, Хўжа Ориф Хўжаи Жаҳон, Варгонзе, Кармина, Нурота, Зиёвуддин ва Хатирчини эгаллаб олган эдилар. Улар бир йилдан ортиқ-роқ шўро ҳукуматига қаршилик кўрсатдилар.

Ғузор вилоятининг тобеларида Мулла Абдулжаббор Якдаста, Қарши тобеида Турдибек, Шаҳрисабзда Додхоҳбеклар танилдилар.⁸⁴ Бухоро амирининг вазирларидан Дониёлбек⁸⁵ атоликнинг икки юз аскар иборати бор эди. Самарқанд ва унинг қасабаларида, унинг жанубида Очил дев, Баҳромбек ва Зиёвуддинлар танилдилар.⁸⁶ Булар босмачиларнинг шердил ва жасур бошлиқлари-дан эдилар. Уларда беш юз минггача ҳарбий аскар бўлиб, Самарқанднинг шўролар ҳукумати-га икки йил давомида қаршилик кўрсатиб келаётирлар. Ургут атрофида Мирзо полвон бос-мачи жуда жасур эди. У Челақ атрофи, Қаробек кишлогидан. Одина маҳдум Ҳожи Сайид ўгли, Боғдод қасабасидан Абдулҳамид маҳдумлар чи-қишди. Бу маҳдумлар ҳам жуда шердил ва дило-вар эдилар. Охири улар шўролар ҳукумати билан ярашдилар, лекин уларни яширинча Челақда қатл этишди.

Каттақўргоннинг Панжшанба қасабасидан Бобоқул, Мирбобо, Аҳмад ва Мавлавий босмачиларга сардор эдилар. Бобоқулни босмачи-

ларнинг ўзлари Қўҳистоннинг Қўшработида ўлдирдилар. Аҳмад ва Мавлавийни ҳукумат қатл этди. Мирбобо ҳукуматга таслим бўлди-ю, икки-уч йилдан кейин ҳукумат қарори билан қатл этилди. Бироқ Жиззахдан чиққан Мулла Масо-диқ ва Мулла Тоғой ноинсоф босмачилардан эдилар⁸⁷. Улар ҳамма гайришаърий ишларга машғул бўлиб, баъзилари ҳукумат қўлига тушиб тавба қилдилар, баъзилари эса қатл этилдилар. Шу жамоа “босмачи” деган ном чиқариб туну кун мусулмонларни талон-торож этиш билан машғул эдилар. Баъзи Шўро ҳукуматининг солдатлари билан жанг қилиб, гоҳо мағлуб, гоҳо ғолиб келардилар. Мағлуб ва мажруҳ бўлганлар тоғу чўлларга қочиб кетиб яшардилар. Шу боисдан Туркистон вилоятининг раёиясининг аҳволи танг бўлди. Одамларнинг молу аҳволи, болачақалари шу жамоага асир бўлиб қолди. Охири бу жамоа йўқ бўлиб, уларнинг баъзи сардорлари қатл этилгандан кейин фуқаро андек тинчланди. Бухоро, Самарқанд, Жиззахнинг атрофлари босмачилар томонидан хароб бўлди, молу бой-ликлари таланди. Фарғона мамлакати ҳам бос-мачилардан анча нотинч бўлди. Масалан, Қўқон шаҳри босмачилар ҳужумидан хароб бўлиб, яна қайта обод бўлди. Махфий қолмасинки, аксар босмачилар Шўро ҳукумати томонидан ўлдирилди. Масалан, Абдулжаббор хўжа Бўстоний ҳийла билан ҳукумат қўлига туширилиб, Бухорода ўлдирилди. Баҳромбек ҳам қатл этилди. Очил Дов Самарқандий Шаҳрисабз тоғларида ўлдирилди. Булар иккаласи ҳам Шўролар ҳуку-

мати билан бўлган мухорибада ҳалок бўлишди.

Мирзо Полвон Ургутий Жума қасабасидаги Янги Қозон Арис қишлоғидан эди. У 7 апрель 1925 милодий, 1343 ҳижрий йили зулқайда ойининг бошида қатл этилди. Абдулқодир Очил довнинг саркардаларидан эди. Ҳижрий 1345 сафар ойининг бошида, 1926 милодий йилнинг августида Эшон Муҳиддинхўжа Ургутийни Самарқанд ҳукумати мажбурий аскарларга сардор этиб тайинлади. Бу зоти шариф Фалғар тоғларига бориб ҳалок бўлди. Аскарияси ҳукумат қўлига асир тушган эди, омон қолди.

Бу босмачилар ноинсофлик билан ном чиқарган эдилар. Уларнинг шумлигидан баъзи шайх, мулла ва эшонлар ҳам халққа ёв бўлдилар. Шунинг учун Оллоҳ Таолло уларга ривож бермади. Босмачи бўлиб ўзига ва халққа етказган мусулмонларнинг оқибати шул эди.

Энди эшитиш вожиб ва ибратли бўлган сўзларни тингланг.

Ровийнинг айтишича, Хисор, Кўлоб ва бош-қа вилоятларда ҳам босмачилар кўп бўлган. Улардан бирининг шарҳи холини қисқача келтираман.

Бухороликлар тили билан бу жамоани Шарқий босмачилар дейишади. Хисор мамлақатида босмачиларнинг бошлиги Бухоро амирининг амалдорларидан бири Иброҳимбек тўқсабо⁸⁸ бўлган эди. У жуда ҳам шижоатли ва жасур экан. Қоратегиндан Эшон Султон халифа⁸⁹ бўлган. Бу шахс аҳли сулук ва хонақоҳу мурид соҳибларидан экан. Ўзларича шўролар ҳукумати билан

урушишни фарзи айн, деб билиб, охири Қўлоб чегарасида ўз одамлари қўлида 1922 милодий йили ўлдирилди. Қаротегин босмачиларининг бошлиқларидан бири Фузайл Махсум⁹⁰ эди. У бир йил Қаротегинда ҳоким бўлиб, Шўрои Ру-сия аскарлари қўлидан қочиб Афғонистонга ўтиб кетди. Балжувон вилоятида амир амалдор-ларидан Давлатмандбек бий⁹¹ босмачиларнинг сардори эди. Унинг аскари 10 мингдан ортиқ эди. У Балжувонда ҳокимлик қиларди. Шўролар билан кўп қаттиқ жанглар олиб борилди. Кўр-ғонтепа вилоятидан Мурод Сариг деган шахс жасурлиги билан донг таратган эди. Бу жамоаларнинг жасур ва ишбилармонлари кўп бўлган, лекин ўзаро иттифоқ ва бирликлари бўлмаган. Кўпинча бир-бирларига қарши чиқардилар. Шу учун ҳаммалари мағлуб бўлишди. Баъзилари ҳукумат қўлида ўлиб кетдилар, баъзилари қочиб кетдилар. Анвар пошшо⁹² ўлиmidан кейин (1922 йил-Ш.В.) босмачилик ҳаракати Туркистонда шикаст топди. Шарқий Бухорони ҳам Шўролар ҳукумати босиб олди. Иброҳимбек Ҳисордан Афғонистонга ўтиб кетди. Мўминобод мавзеи-дан Мулло Баротча мударрис Қўлобий ҳам бос-мачилик йўлига кирди. Анча муҳорибалардан сўнг у ҳам Афғонистонга қочиб кетди. Ҳисор ҳокими Авлиёкул девонбеги Бухоронинг йирик ҳокимларидан бўлиб, Амир Олимхон билан аввал Афғонистонга кетган эди. Қайтиб келиб, Бухоро Шўролар ҳукуматининг хизматига кирган эди. Ҳисорга келганда босмачилар қўлига тушиб 1341 йили қатл этилди.

Махфий қолмасинким, Анвар пошшо дав-рида Туркистон босмачилик харакати ривожла-ниб, Шўролар ҳукуматиға хавф сола бошлаган эди. Бу ҳаракат Қошғар ва Афғонистонда ҳам ёйилган эди. Аслида, бу ҳаракат милодий 1918 йилда бошланиб, милодий 1926 йилда ниҳоя топди.

Маъқул бўлган бу асар “Тарихи нофеий” деб номланиб, хижрий 1346 йил муҳаррам ойи-нинг 22-си пайшанба кунда, милодий 1927 йилнинг 23 июлида Челак музофотининг Беш-беки қишлоғида ёзиб тугатилди. Шукурким, уш-бу нусха кўзим очиглигида дўстларим қўлиға тегди.

Изоҳлар

1.Тарихи Муллозода - XV асрда ёзилган. Аҳмад бин Муҳаммад ал-Муин ал-Фукаронинг асари. “Зикри мазороти Бухоро” (Бухоро мазор-ларининг зикри) номи билан ҳам машҳур. Бу манба Аҳмад Гулчини Маоний томонидан 1960 ва 1991 йилларда Техронда нашр этилган.

2.Садри Зиё (1867-1931 йилларда яшаган олим. Бухоронинг охирги Қози калонларидан бири.) Бухоро шаҳридаги мадрасалар хақида ҳам муҳим маълумотларни берган. Тадқиқоти жараёнида Садри Зиё асрлар давомида Бухоро шаҳрида мавжуд бўлган 204 та мадраса борлигини аниқлайди:

№	Мадраса номи	Садри Зиё изохлари	Жойлашган жойи	Хужра сони
1	Аҳмаджон пўстиндўз мадрасаси	1117/1705 й. қурилган	Асирий гузари ¹	110
2	Асирий мадрасаси	-	Асирий гузари	15
3	Мухаммад Али Хожи мадрасаси	Мухаммад Али Хожи бин Али Субхонқулихон- нинг қулларидан бири	Қуш Мадраса гузари	17
4	Модари хон мадрасаси	Абдуллахон нинг оналари мадрасаси	-	42
5	Абдуллахон мадрасаси	Абдуллахон бин Искандархон	-	108
6	Мир Дустумбий мадрасаси	Мухаммад Али бин Мухаммад Нафас маблагига қурилган. У Биби Робия бинти Абдуллахон бин Искандархон- нинг эри.	-	10
7	Жафархужа мадрасаси	Хони шаҳид (Амир Насруллохон)- нинг отаси томонидан 1250/1833/ 34 йилда қурилган. Субхонқулихон даврида нақиб.	-	10
8	Хужа Абдулмалик мадрасаси	Ёнгиндан хароб булган	Хужа Туйғун	14

¹ Этнограф О.А. Сухарева Бухоро шаҳри гузарлари номини уз китоби "Квартальная община позднефеодалного города Бухары" (М.: Наука, 1976., 59-60 б.) куйдагича беради: Абдулбоки, Абдуллох Кучкор, Абдуллох Қўшбеги, Обиравон, Азизон, Оқ масжид, Алоқабандон,

Олимхужа, Амиробод, Асирий. Арабон, Ароки, Аскарбий. Ахтачи, Бобойи Нонкаш, Бозори Гул, Бозори Хужа, Бокзихон, Баракиён, Баходир Калмок, Бурёбоф, Волидайи хони шахид, Ғозиён, Ғарибия, Говкушон, Дасторбанлон, Дегрези, Дилкушойи даруи, Дурман, Дуст чихраокоси, Чиллахонаи мурдашўён, Жонлакисён, Жонкувот, Жонфарий, Жайфар Хўжа, Жўйи Зар, Жўйи Чапта, Забиён, Забўда, Зилда Фил Ахмали Жомий, Имом Қозихон, Искандархон, Ислои, Элюши Илдо, Элюши Пир, Ялани Бокижон Қўшбеги, Калобод, Кобил ота, Кози Зоҳил, Калгикиён, Кокулаи Калон, Кокулаи Хурд, Камонгарон, Қора Камол, Корхона, Карчагай, Косагарон, Қосим Шайх, Қотагон, Кемухтарон, Қирғиз Ойим, Қўйи дарахт, Қўйи деҳқонон, Қўйи Мўхсун, Қўйи Хонак, Қўқалдош, Қул Муҳаммадхўжа, Қулгўл, Қулги созон, Қудна маҳалла, Қўча боғ, Қўча болом, Қўча Исангил, Қўш мадраса, Лаби Ховузи Арбоб, Ланги Араб, Мағоки кўрпа, Модари хон, Малдохон, Марвихона, Моркуш, Масжили Алвонжи, Масжили Баланд, Масжили Бесутун, Масжили Кунжак, Мавлави Мирзожон, Мавлоно Шариф, Маҳаллаи Нав, Маҳдуми Аъзам, Моҳи Тобон, Миёнқолиён, Мирокон, Миржонали, Миржонқедали, Мирзобек Боло, Мирзобек Поён, Мирзо Ғофур, Мирзожон Кассоб, Мирзо Зухур Дезони калон, Мирзоён, Мирзоқароб, Мирдўстумбий, Мир Иброҳим, Мир Табиб, Мир Хошим, Меҳтари Анбар, Меҳтари Илрок, Меҳтари Қоҳилон, Меҳтари Шафий, Меҳчагарон, Мудло, Муллоён, Мулло Хокирах, Мулло Шох, Муслмон энага, Муҳаммад Али Ҳоди, Муҳаммад Қосим, Муҳаммад Пой, Назарча, Пошшо Исмоил Сомоний, Пойи Остона, Пайрави, Поҳса, Почикули ҳожи, Присташиканон, Пўстиндўзон, Пахтабофон, Пушпизогон, Раъдзала, Собунгарон, Саъда-қон, Саррожон, Сарахсиён, Сари нули равангарон, Сесўки тарроҳи, Сидиққиён, Сиёҳгарон, Сўзангарон, Сўфиён, Табибон, Тақбандбофон, Тақия, Тулхона, Узбекхўжа, Урганжиён, Урсон, Уста руҳи, Фаткуллоҳ Қўшбеги, Ҳожи Омонбой, Ҳожи Туйгун, Ҳожихо, Ҳай, Халифа Хулой-лод, Ҳаммоми Каппа, Ҳаммоми Кунжак, Хонақоҳи атолик, Хонақоҳи турки Жандий, Хонақоҳи Жўйбор, Хосса Фўлот, Хавузи Ойбишак, Хавузи баланд, Хавузи Нав, Ҳофиз Кўнгирот, Хўжа Аскардон, Хўжа Булғор, Хўжа Зайниддин, Хўжа Замучча, хўжа Калон, Хўжа Қурбон, Хўжа Низомиддин, Хўжа Нуробод, Хўжа Порсоҳ, Хўжа Таббанд, Хўжа Ҳаким собунгар, Хўжа Ҳалим, Хўжа Убон, Хуллабофон, Чакар, Чармгарон, Чоршанба қозоқ, Чаҳор Бакқоли, Чаҳор дара, Чаҳор Харрос, Чохи Зағжир, Чашмаи Аюб, Чўпбоз, Чўқурмаҳалла, Шодимбий, Шам-силдин Муҳаммад Шарнара, Шарифжон, Шох Ақсо, Шахир Нав, Шайх Жалол, Шайхи Рангрез, Шайх Шох, Шикаста Бандон, Шер Муҳаммад Жувожан, Шинихона.

9	Чучук ойим Сангин мадрасаси	«Тошдан»	Хўжа Накиб	13
10	Накиб мадрасаси	1290/1873 йилда Муҳаммад Аминхўжа Накиб томонидан қурилган	Накиб гузари	44
11	Хиёбон мадрасаси	989/1581 йил Убайдуллахоннинг онаси томонидан қурдирилган	Хиёбон гузари	80
12	Колмакжон Ойим мадрасаси	-	Хўжа Ҳабибуллох	14
13	Жўйбори алон мадрасаси	1081/1670 йилда Ойпочча Ойим бинти Абдурахим Хўжа бин Хўжа алон маблагига қурилган	Хавзи Нав	29
14	Жўйборча мадрасаси	-	Хонақохи Жўйбор	23
15	Шарофатбону мадрасаси	-	Жўйбор хонақохи	12
16	Миркон мадрасаси	-	Миркон гузари	24
17	Миён Исҳоқ мадрасаси	Абдулаҳадхон даврида қурилган	Миркон гузари	14
18	Мир Иброҳим мадрасаси	1329/1911 йил Абдулаҳад даврида Мир Шароф томонидан қурилган	Косагарон гузари	18

19	Кори Викоятуллох мадрасаси	-	-	5
20	Йулдош Шахрисабзий мадрасаси	-	-	9
21	Муҳаммад Шариф мадрасаси	Абулфайзхон даврида	Ғозиён гузари	92
22	Ғозиён мадрасаси	Тарих: «Аз Муҳаммад Шариф монда нишон» хижрий 1190/1776 йилни беради	Ғозиён гузари	28
23	Алий Чўбин мадрасаси	1277/1860 йили Амир Насруллох томонидан қурилган	Хўжа Ҳабибуллох гузари	4
24	Мирза Абдулғаффор мадрасаси	-	Мирза Абдулғаф- фор гузари	16
25	Тождин мадрасаси	-	-	12
26	Гусфанд мадрасаси	Абдулазизхон даврида қурилган. Ҳозирда ярми вайрон бўлган.	Регистон гузари	72
27	Болойи Ҳавуз мадрасаси	Болойи Ҳавуз масжиди олдида	-	22
28	Назарча (Хусайн) мадрасаси	вайрон бўлган	Назарча гузари	11
29	Аскарбий мадрасаси	-	Аскарбий гузари	121
30	Дорушшифо мадрасаси	Субхонқулихон даврида қурилган	Бухоро арки олдида	15

31	Пояндабий мадрасаси	Атолик бин Қосимбий	масжиди Жомеъ ичида	11
32	Шодимбий мадрасаси	вайрон бўлган	Регистонда	87
33	Афгон мадрасаси	Ҳавузи Мискиннинг жанубида	-	14
34	Хужа Баходур мадрасаси	У Шермуҳаммад Жувозкан хамдир	-	13
35	Миржон Али мадрасаси	вайрон бўлган	Миржон Али	17
36	Охун Хованд мадрасаси	-	Чашмаи Аюб олдида	8
37	Чубини Абдурахмон мадрасаси	-	Абдурахмон гузари	12
38	Муролбек мадрасаси	-	Михтари Шафи	9
39	Мир Олимхон мадрасаси	-	Хофиз Қунғирот	51
40	Мири Араб мадрасаси	У Амир Сайид Абдуллох Яманий хамдир	Қосим Шайх гузари	111
41	Нави Балалбек мадрасаси	Убайдуллахон даврида қурилган	Сасуҳ Охун суфи гузари	42
42	Муҳаммад Назар Парвоначи мадрасаси	вайрон бўлган	Ҳазрати Хидр гузари	13
43	Ҳожи Раҳматуллох мадрасаси	шу гузар масжиди олдида	Хужа Зайниддин гузари	6

44	Рахмонкул мадрасаси	Ғулом Муҳаммад Амин Хўжа накиб қурган	Дўст чехра оқоси гузари	24
45	Дўст Чехра оқоси мадрасаси	Абдуллаҳон даврида гузар масжиди олдида қурилган	Дўст чехра оқоси гузари	10
46	Хўжа Нихол мадрасаси	вайрон бўлган	Тиргарон гузари	25
47	Насриддин бой Қўшбеги мадрасаси	Абдуллаҳон даврида қурилган	Асирий гузари	7
48	Ўткир Қўшбеги мадрасаси	-	Сари пули равғангарон гузари	20
49	Ҳожи Зоҳид мадрасаси	-	Ҳожи Зоҳид гузари	27
50	Ҳусайнбой мадрасаси	-	Дўст чехра оқоси гузари	50
51	Мирза Ҳамдам мадрасаси	1315/1897 йили Амир Абдулаҳад даврида Мирза Ҳамдам ибн Муҳаммад Азим томонидан қурилган	Қўқалдош гузари	18
52	Михтари Қофилон мадрасаси	вайрон бўлган	Қофилон гузари	21
53	Чўбини капша мадрасаси	вайрон бўлган	Миржон келди гузари	27
54	Ҳожи Боқибой мадрасаси	вайрон бўлган	Ҳожи Боқибой гузари	5
55	Хўжа Қосим мадрасаси	1225/1810 йили қурилган	Зибиён гузари	5
56	Авазбой Араб мадрасаси	-	-	

57	Бобойи Нонкаш мадрасаси	масжид олдида	Бобойи Нонкаш гузари	3
58	Мирза Турди мадрасаси	Турди эшик окбоши Абдулаҳадхон даврида қурилган	Янги Бокижон гузари	22
59	Бокижон кўшбеги мадрасаси	-	Бокижон гузари	8
60	Оталиқ мадрасаси	Оталиқ масжиди билан бир жойда	Оталиқ гузари	23
61	Исмоилхўжа мадрасаси	1245/1829 йили қурилган	Исмоилхўжа гузари	33
62	Модари хон мадрасаси	Амир Насруллох қурдирган	Модари хони лаби руд гузари	33
63	Абдурашид Афғон мадрасаси	Амир Музаффар даврида қурилган	Почакулхожи гузари	25
64	Кухбанд мадрасаси	Почақули масжиди жанубий қисмида	Кўхбанд гузари	10
65	Абдулхафизбой мадрасаси	Амир Абдулаҳадхон даврида қурилган	Сиёҳгарон гузари	18
66	Пушаймон мадрасаси	Амир Музаффар даврида қурилган	Пушаймон гузари	15
67	Аълам мадрасаси	1224/1809 йили Мирза Абдурахмон Аълам томонидан қурилган	Говкушон гузари	21
68	Бадриддин мадрасаси	-	Хўжа Абдулҳаким гузари	15
69	Говкушон мадрасаси	Абдуллахон даврида Абу Бакр Садр Хўжакалон томонидан қурилган	Говкушон гузари	31

70	Абдулмуминбой мадрасаси	Шу номли масжид олдида	Сесуҳи Тарроҳи гузари	5
71	Олимжонбой мадрасаси	Насруллоҳон даврида қурилган	Чаҳор ҳарроз гузари	17
72	Мухаммад Аминхўжа мадрасаси	ҳозирда вайрон булган	Обрахон гузари	8
73	Чубин Мулло Мухаммад Шариф	Абдулфайзхон даврида қурилган	Қозийн гузари	19
74	Мухаммад Юнусбий инок мадрасаси	Абдулаҳад даврида қурилган	Турки жанди гузари	14
75	Ғирибончок мадрасаси	-	Ҳожи Омонбой гузари	14
76	Чўбини Чучукойим мадрасаси	-	Маҳдум Аъзам гузари	9
77	Ғарбийа мадрасаси	-	Хўжа Омонбой гузари	52
78	Чўкмок мадрасаси	-	Чўкмок гузари	8
79	Турақулбой мадрасаси	Абдулаҳадхон даврида қурилган	Мир Маъсуд гузари	13
80	Мирзабек мадрасаси	-	Михтари Шафи	9
81	Эшон Пир мадрасаси	Амир Насруллоҳон даврида қурилган	Эшон Пир гузари	18
82	Мирза Убайд мадрасаси	-	Мирза Убайд гузари	15
83	Мулла Эрназар мадрасаси	1209/1794 йили қурилган	Шайх Шона гузари	40

84	Хонақои Девонбеги мадрасаси	Имомқулихон даврида қурилган	Хонақои Девонбеги гузари	14
85	Турсунжон оталик мадрасаси	1022/1613 йили қурилган	-	97
86	Қўқалдош мадрасаси	Амир Абдул- аҳадхон даврида қурилган	Какулаи хурд гузари	147
87	Девонбеги мадрасаси	976/1568 йили Имомқулихон даврида Мулла Шамсуддин Муҳаммад томонидан қурилган	Девонбеги гузари	71
88	Қози Латиф мадрасаси	1295/1878 йили қурилган	Какулаи хурд гузари	28
89	Шаршара мадрасаси	Шамсуддин Муҳаммад қурган	-	8
90	Ҳожи Булғор мадрасаси	-	-	8
91	Домулла Ҳасан мадрасаси	Амир Ҳайдар даврида қурилган	-	23
92	Иброҳим Охун мадрасаси	Амир Музаффар даврида	Ойбий инोक гузари	32
93	Жаъфархўжа Накиб мадрасаси	Убайдуллохон даврида қурилган	Жаъфархўжа гузари	18
94	Абдунаби бий мадрасаси	Олимхон даврида қурилган	Хўжа Порсо гузари	18
95	Жаннатмакони мадрасаси	Амир Шохму- род даврида қурилган, хозирда вайрон	Жаъфархўжа гузари	12
96	Раҳматуллоҳ тўқсабо мадрасаси	Олимхон даврида қурилган	Кемухтгарон гузари	34
97	Ҳожи Жумабой мадрасаси	-	Мулла Шах гузари	6

98	Домулла Шер мадрасаси	Амир Хайдар даврида Домулла Шер Охун бўлган	Хўжа Зомучи гузари	49
99	Абду Сами Эшон мадрасаси	Амир Абдулахадхон даврида	Абдусами Эшон гузари	4
100	Сайид Аминбой Хўржи мадрасаси	Амир Музаф- фар даврида қурилган	Сайид Аминбой Хўржи гузари	17
101	Қори Султон мадрасаси	Аҳадхон даврида	Хўжа Порсо гузари	10
102	Мулла Сайидхўжа мадрасаси		Хўжа Порсо гузари	28
103	Фозил Эшон мадрасаси		Ойбий иннок гузари	22
104	Муҳаммад Амин Тўпчибоши мадрасаси	Амир Хайдар даврида тўпчи- боши бўлган. Инқилобдан сўнг вайрон этилган	Кўйи Мурғқаш гузари	15
105	Ёш Узоқбек мадрасаси	Муҳаммад Амин Тўпчибо- шининг ўғли Вайрон бўлган.	Кўйи Мурғқаш гузари	15
106	Сайид амол мадрасаси	1290/1873 йили қурилган Сайид Абдура- сулнинг ўғли	Фатхуллох қўшбеги гузари	18
107	Абдулкаримбий Атгор мадрасаси	-	Михтари анбар гузари	22
108	Михтари анбар мадрасаси	-	Михтари Анбар гузари	22
109	Қори Сайид хўжа мадрасаси	-	Почахўжа гузари	14
110	Почахўжа мадрасаси	-	Кўқалдош гузари	7

111	Фатхуллох қўшбеги мадрасаси	994 й. қурилган	Ҳожи Ҳасан гузари	65
112	Халифа Ҳусайн мадрасаси	Халифа Ҳусайн Туркистон шаҳридан эди. Амир Сайид (Ҳайдар) ҳукмронлиги даврида қурилган	Халифа Ҳусайн гузари	
113	Ибодуллаҳўжа мадрасаси	-	Шайх Рангрез гузари	4
114	Ҳожи Қурбон мадрасаси	Аҳадхон даврида	Мир Тухур Дивон гузари	27
115	Ҳўжа Салим мадрасаси	-	Имом Қозихон гузари	25
116	Биби Халифа мадрасаси	1111/1602 йили қурилган	Мир Тухур Дивон гузари	31
117	Охун Орифхон мадрасаси	Аҳадхон даврида қурилган	Қора амол гузари	9
118	Муқимхўжа Ўроқ мадрасаси	Олимхон даврида Мозори Шариф (Ҳўжа Баҳовуддиннинг) ноиби бўлган	Муқимхўжа Ўроқ гузари	27
119	Халифа Ниёзули мадрасаси	Амир Ҳайдар даврида Ирсардан келган	Михтари Анбар гузари	59
120	Мулла Абдуллохлик мадрасаси	Аҳадхон даврида қурилган	Ҳўжа Таббанд гузари	8
121	Ҳожи Қурбонхўжа мадрасаси	-	Ҳожи Қурбонхўжа гузари	16
122	Мулла Ёр Охун мадрасаси	-	Жаҳфархўжа гузари	11
123	Абдулҳалилбой мадрасаси	-	Абдулҳалилбой гузари	9

124	Мулла Ҳамро мадрасаси	-	-	2
125	Ховарой мадрасаси	-	Дилкушон дарун гузари	12
126	Идрисхўжа мадрасаси	-	Идрисхўжа гузари	4
127	Амир Насруллоҳ мадрасаси	масжид атрофида	Кўчқор гузари	7
128	Бобойи Ол мадрасаси	вайрон бўлган	Бобойи Ол гузари	7
129	Мирза Бурхон мадрасаси	-	Шарифжон гузари	9
130	Мағит Ойим мадрасаси	-	Мавлоно Шариф гузари	
131	Мир Жамол Заргар мадрасаси	Олимхон даврида	Қатагон гузари	
132	Жўрабой мадрасаси	-	Шўркўл гузари	16
133	Абдушукурбой Муҳаммад Али Ҳожи мадрасаси	-	Қоракўли гузари	10
134	Арабхўжа мадрасаси	-	Хўжа гузари	7
135	Фатхуллобай Кўчқор Қурчи мадрасаси	Амир Аҳадхон даврида қурил- ган. Қўйлар даллоли бўлган	Кўчқор қурчи гузари	18
136	Қори Абдусалом мадрасаси	-	Қори Абдусалом гузари	1
137	Садирбий мадрасаси	-	Садирбий гузари	32
138	Хўжа Қурбон мадрасаси	вайрон бўлган	Хўжа Қурбон гузари	5

139	Михтархужа оқсоқол мадрасаси	-	Чаҳор бакколи гузари	4
140	Абдурахимбий мадрасаси	-	Абдурахимбий гузари	6
141	Ашуржон мадрасаси	-	Ашуржон гузари	9
142	Хужа Улфат мадрасаси	-	Уста Рузи гузари	7
143	Ширгарон мадрасаси	-	Ҳожи Доруға гузари	9
144	Шайхулислом мадрасаси	У Ҳожи Ҳаби- буллох ҳамдир. Олимхон дав- рида қурилган.	Бақоҳужа қозикалон гузари	3
145	Аминжон Жонкут мадрасаси	-	-	2
146	Ҳасанбой мадрасаси	-	Ҳасанбой гузари	5
147	Искандархон Аталмиш мадрасаси	масжид атрофида	-	3
148	Мулла Бобожон мадрасаси		Мулла Бобожон гузари	3
149	Истемур мадрасаси	-	Мир Табиб гузари	9
150	Мир Бақобой мадрасаси	Аҳалхон дав- рида қурилган	Тупхона гузари	22
151	Мир амол мадрасаси	Сарроф, Аҳал- хон даврида	Култақаён гузари	22
152	Хидирбой мадрасаси		Барғиён гузари	25
153	Мавлави Ҳасан- хужа мадрасаси		Саррожон гузари	9

154	Муқимжон мадрасаси	Амир Олимхон даврида қурилган	Бозори гул гузари	5
155	Абдулазизхон мадрасаси	Абдулазизхон бин Надр Муҳаммад- хон 1065/1654 йилда	-	84
156	Абдушуқурбой мадрасаси	1312/1894 йили қорақўллик Абдушуқурбой томонидан қурилган	Азизон гузари	39
157	Мирза Улуғбек мадрасаси	1025/1616 йили қурилган	Мирзо Улуғбек гузари	50
158	Азизон мадрасаси	-	Азизон гузари	7
159	Бобо Тўқсабо мадрасаси	вайрон бўлган	Қарбос гузари	6
160	Ўғилой мадрасаси	-	Азизон гузари	6
161	Қосимхўжа мадрасаси	-	Мавлоно Шариф гузари	6
162	Мавлоно Шариф мадрасаси	Субхонқулихон даврида қурилган	Мавлоно Шариф гузари	13
163	Қатта Хўжа мадрасаси	-	Мавлоно Шариф гузари	23
164	Мулла Рўзи мадрасаси	Амир Аҳадхон даврида қурилган	Авлиё Ғариб гузари	15
165	Шоҳ Аҳси мадрасаси	-	Шоҳ Аҳси гузари	12
166	Иқромхўжа мадрасаси	-	Иқромхўжа гузари	5
167	Мулла Султон мадрасаси	-	Мулла Султон гузари	10

168	Ихтиёрхон мадрасаси	Шахрисабзлик охун; Амир Музаффархон даврида қурилган.	Ихтиёрхон гузари	7
169	Миршоҳхужа мадрасаси	-	Чаҳор бакколи гузари	14
170	Баҳодур мадрасаси	равгангар- ёғжувоз ишчиси	Уста Баҳодур гузари	14
171	Хонако Олимхужа мадрасаси	-	Олимхужа гузари	4
172	Бобожонбой мадрасаси	-	Нуробод гузари	4
173	Гулобод мадрасаси	Амир Кутвол қурдирган. Арслонхон дав- рида 1018/1609 йили	Гулобод гузари	79
174	Мирзо Фозилбой мадрасаси	Амир Музаффар даврида қурилган	Мирза Фозилбой гузари	25
175	Қози Ҳасанхужа мадрасаси	Амир Насруллоҳ даврида қози калон бўлган	Мавлоно Шариф гузари	5
176	Қаттахужа мадрасаси	-	Қаттахужа гузари	4
177	Қали Абдулҳасанхужа мадрасаси	янгидан қурилган	Абулҳасан- хужа гузари	5
178	Абдурахмонбой мадрасаси	Шахрисабздан	Хужа Нуробод гузари	9
179	Саройи Ташт мадрасаси	-	Хужа калон гузари	56
180	Ҳаётжон мадрасаси	Аҳалхон даврида қурилган	Ҳаётжон гузари	2

181	Абдуллох котиб мадрасаси	-	Мулла Пайрави гузари	8
182	Абдурахмонбек мадрасаси	-	Пойи остона гузари	22
183	Абу Назир Муфти мадрасаси	У арминадан. Аҳадхон дав- рида қурилган	Абу Назир Муфти гузари	22
184	Пойи Остона мадрасаси	-	Пойи Остона гузари	7
185	Кучак мадрасаси	вайрон бўлган	Сузангари гузари	10
186	Ҳофиз қўнғирот мадрасаси	ёнгиндан йўқ бўлган	Ҳофиз қўнғирот гузари	8
187	Кўхнаи Бадалбек мадрасаси	вайрон бўлган	Ҳофиз қўнғирот гузари	-
188	Мискин мадрасаси	Милодий 1520 йили қурилган	Бозори фута гузари	21
189	Алоқабандон мадрасаси	-	Алоқабандон гузари	11
190	Махдихўжа мадрасаси	ҳозирда вайрона	Мирза Убайд гузари	10
191	Халифа Худойдод мадрасаси	Хонақо атрофида	Халифа Худойдод гузари	36
192	Мехтар Ориф мадрасаси	-	Мехтар Ориф гузари	2
193	Салимбекбий Девонбеги мадрасаси	Аҳадхон даврида қурилган	Масжида балаңд гузари	13
194	Мирза Хайдар мадрасаси	-	Бозори рисмон гузари	7
195	Зубайда Ойим мадрасаси	-	Ғоziён гузари	4

196	Шайх Жалол мадрасаси	-	Шайх Жалол гузари	22
197	Сарой Ойим мадрасаси	-	Сарой Ойим гузари	9
198	Мехтар Ўрок мадрасаси	масжид атро- фида қурилган	Мехтар ўрок гузари	4
199	Йўлдошбой мадрасаси	-	Ҳаммоми кунжак гузари	7
200	Ёш Узокбек мадрасаси	-	Бозор Ҳужа гузари	15
201	Тупчибоши мадрасаси	-	Тупчибоши гузари	21
202	Қози Салим мадрасаси	-	Мир Тухур Дивон гузари	-
203	Ҳужа Давлат мадрасаси	-	Қози (хона) урдаси олдида	12
204	Ҳужасарой мадрасаси	Убайдуллахон даврида қурилган		

3. Қутайба ибн Муслим - араб сарқардаси. Милодий 669-715 йилда яшаган. 705 йили Хуросонда ҳоким бўлган. 715 йили Фарғонада ўлдирилган.

4. Шамс ул-мулк-Малик Шамс ул-мулк Наср ибн Иброҳим Тамғочхон Қорахоний 1073-1079 йилларда Мовароуннаҳрда ҳокимлик қилган.

5. Абдулазизхон ибн Абдуллахон - Шайбонийлар сулоласининг ҳукмдорларидан, 1540-1550 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган.

6. Қизил Арслон - Муҳаммад ибни Сулаймон - Қорахонийлар сулоласидан, ҳукмронлик йиллари хижрий 1102-1130/1690-1717 йил.

7. Бухоро қози қалони Муҳаммад Шарифжон-Садри Зиё далиқларида Бухоро шаҳридаги масжидлар номини қуйидаги тартибда келтирадики, бу ҳам “Тарихи нофеий” маълумотларини тўлдиради: 1. Масжиди Калон; 2. Хонақоҳи хиёбон; 3. Масжиди Хўжа; 4. Хонақоҳи Девонбеги; 5. Шайх Шона; 6. Уста Руҳи; 7. Шох Аҳеи; 8. Ғозиён; 9. Хол Ниёзқули; 10. Хўжа Порсо; 11. Амир Дўстум; 12. Халифа Хусайн; 13. Хонақоҳи Жўйбор. 14. Хонақоҳи Олимхўжа; 15. Дилқушои дарун масжид; 16. Мавлоно Шариф масжиди; 17. Кул Мирзобек; 18. Хонақоҳи Абдулазиз; 19. Миркон масжиди; 20. Хонақоҳи Миркон; 21. Хонақоҳи Хўқанди; 22. Имом Бакр Фазл масжиди; 23. Ой бий инोक; 24. Амирий масжиди; 25. Обравон; 26. Ишони Пир; 27. Имом Қозихон; 28. Атолиқ масжиди; 29. Ислом масжиди; 30. Авлиё Ғариб; 31. Жалқутти дуввум (Иккинчи жалқут) масжиди; 32. Ахтачи; 33. Искандархон; 34. Ўзбекхўжа; 35. Аҳмад доруға; 36. Алвонж масжиди; 37. Ишони Имло; 38. Урганжиён масжиди; 39. Оқ масжид; 40. Хўжа Аспгардон; 41. Асири; 42. Бозори гул; 43. Бобои Ол; 44. Болои Ҳавз; 45. Бобои Нонқаш; 46. Биринчи жалқут масжиди; 47. Боқижон нақиб; 48. Барғиён; 49. Масжиди Бесутун; 50. Баҳодурбий; 51. Почоқулхожи; 52. Илонжо; 53. Шарифжон масжиди; 54. Шер Муҳаммад Жувозкан; 55. Шайх Жалол; 56. Шомулжўйбор; 57. Шишахона масжиди; 58. Шукур-

бий; 59. Шаҳри Навжўйбор; 60. Шайх Рангрез; 61. Собунгарон; 62. Сиддиқиён масжиди; 63. Суфиён масжиди; 64. Забиён; 65. Тоқи Саррофон; 66. Заргарон масжиди; 67. Табибон масжиди; 68. Абдулло Қўчқор масжиди; 69. Аскарбий; 70. Алоқабандон масжиди; 71. Азизон; 72. Арабон; 73. Абдуллоххўжа Жўйбори масжиди; 74. Абдуллох қўшбеги; 75. Фармонқулихон; 76. Фатхуллох қўшбеги; 77. Калтақиён; 78. Қози Файзи; 79. Қўчқор кўрчи; 80. Қаро Камол; 81. Кобул Ота; 82. Ҳазрати Аюб; 83. Ҳаммоми Кунжак; 84. Ҳожи Доруға; 85. Ҳожи Замучи; 86. Ҳожи Шайхшоҳ; 87. Ҳожи Зайнуддин; 88. Ҳалифа Худойод; 89. Ҳоси Фўлод; 90. Ҳожи Қурбон; 91. Хўжа Табиб; 92. Хўжа Пастак; 93. Хўжа Ҳалим; 94. Хўжа Туйғун; 95. Хўжа Калон; 96. Хўжа Булғор; 97. Дарвозайи уғлон; 98. Дўст чехраокоси; 99. Дасторбандон; 100. Дурман; 101. Дегрези; 102. Раъззада; 103. Зубайда; 104. Зинда (Жанда) пил Аҳмад; 105. Сисўк масжиди; 106. Саррожон; 107. Сиёҳгарон; 108. Сараҳсиён масжиди; 109. Сузангарон; 110. Солорҳаж; 111. Сари пули Равғангарон; 112. Пўстиндузон; 113. Пахтабофон; 114. Поҳса масжиди; 115. Турк Жанди масжиди; 116. Тўпхона; 117. Такия; 118. Тахти Чаҳорбоғ; 119. Такбандбофон масжиди; 120. Жаъфархўжа; 121. Жаъфар жўйбор масжиди; 122. Жилавхона; 123. Жўйи Зарджўйбор масжиди; 124. Чаҳор баққоли; 125. Чоҳи занжир; 126. Чаҳор харрос; 127. Чармгарон; 128. Чуббоз масжиди; 129. Чаҳоршанбе казок масжиди; 130. Ҳиллабофон; 131. Мирзо Ҳайдари боло; 132. Мирзо Ҳайдари поён; 133. Ҳавзи Ар-

боб; 134. Ҳазрати Ҳафс масжиди; 135. Ҳўжа Амонбой; 136. Ҳаким собунгар; 137. Қози Нуриддин; 138. Қутлуғ масжиди; 139. Қалмоқ масжиди; 140. Қози Мир Ҳошим; 141. Қўш мадраса; 142. Қосим Шайх; 143. Қирғиз Ойим; 144. Қул Муҳаммад Ҳайит; 145. Қатағон масжиди; 146. Кокула калон масжиди; 147. Говкушон; 148. Кокула хурд масжиди; 149. Қўйи хонақо; 150. Гулобод; 151. Қўйи дарахт масжиди; 152. Корхона масжиди; 153. Қўйи мурғқаш; 154. Косагарон масжиди; 155. Кемухтгарон масжиди; 156. Масжиди Араб; 157. Миёнқолиён; 158. Мағоки Аттори; 159. Мирзо Гафур масжиди; 160. Мағоки кўрпа; 161. Михтар Шафиъ; 162. Мирзо Масъуд; 163. Махдуми Аъзам; 164. Мулло Шо масжиди; 165. Муҳаммад Али масжиди; 166. Муҳаммадбек; 167. Моҳтоб; 168. Модари Хон; 169. Мирзо Иброҳим; 170. Мискин масжиди; 171. Миржон келди масжиди; 172. Мирзо Усмон; 173. Мир Табиб; 174. Мир Тухур девон масжиди; 175. Мулло Хокироҳ масжиди; 176. Масжиди Баланд; 177. Мирзо Баҳром; 178. Мулло Пайрави; 179. Мирзо Убайд; 180. Мир Араб масжиди; 181. Мехтар ўроқ; 182. Миржон Али; 183. Муллоён масжиди; 184. Маркуш масжиди; 185. Михтар Ориф; 186. Мирзажон қассоб масжиди; 187. Михтар Қорижон; 188. Муҳаммад Қосим; 189. Михтар Анбар масжиди; 190. Маддахон; 191. Михтарон; 192. Муфтизода; 193. Масжиди кунжак; 194. Муддаъий масжиди; 195. Мавлави Мирзажон; 196. Мусулмон инаси; 197. Назарчи; 198. Ҳўжа Низомиддин Боло масжиди; 199. Ҳўжа Низомиддин Поён

масжиди; 200. Назар қўрчи; 201. Назар Вайс; 202. Масжиди Волиди хони шаҳид (Абулфайзхон); 203. Яланги Боқижон масжиди; 204. Ҳазрати Имом масжиди; 205. Ғуза Жаллоб масжиди; 206. Қаландархона масжиди; 207. Ҳазрати Бобойи Шавқ; 208. Намадий масжиди; 209. Ҳазрати Хожа Исмаил; 210. Ҳазрати Мир Кулол Ҳазрати Баҳовуддин; 211. Қасри Орифон; 212. Шайх улаълам. 213. Пойандабий масжиди; 214. Хожа Каъб ал-ахбор; 215. Хонақоҳи Файзобод.

8. Баҳо ул-ҳақ вад-дин Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, яъни Сайид Муҳаммад Баҳовуддин ибн Сайид Жамолиддин. 1319-1389 йиллари яшаган буюк ориф ва муршид.

9. Шайх Сайфуддин - шайх Сайфуддин Бохарзий, яъни шайхи олам Абул-Маоли Саид ибн Муттаҳар назарда тутилмоқда. Шайх Нажмиддин Кубро халифаларидан бўлган. Хижрий 570-659/1174-1260 йиллари яшаган.

10. Бобо Шавқ(ий) - (Муҳаммад) Шариф Шавқий Турақўрғоний шоир. Милодий 1841-1875 йй. яшаб ижод қилган.

11. Шайх Жамолиддин Бохарзий - муршид ва ориф.

12. Ҳазрати Имло - Мулло Муҳаммад Имло ибн Алоуддин ибни Азиз ибни Шайх Юсуфиддин ибни Ҳорунхўжа Араб. 1688 йили Афғонистоннинг Сангарак қишлоғида туғилиб, 1749 йили Бухорода оламдан ўтган.

13. Худойод Вали - XVIII асрда яшаган. Бухорода шухрат қозонган ишқия сулукининг муршидларидан.

14. Хожа Муҳаммад Ғинжор - Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Абубакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сулаймон ибн Комил Бухорий Варрокий Ғунжор. 1021 йили оламдан ўтган.

15. Исмоил Сомоний - Сомонийлар сулоласидан, 874-907 йиллари амир бўлган.

16. Тож уш-шариа - Умар ибн Садр ушшариа 1274 й. вафот этган. Бу олим “Мисор ул-икбол фи Мафохири шол фи тарих” (форс тилида), “Мин ал-буъсати ила хилофати Али” ва “Нихоят ул-кифоя фи диroyат ил-хидоя-ал-Марғиноний фи-фуруъ” (араб тилида) асарларининг муаллифидир.

17. Ҳошиди Гумном - Абу Абдуллох Ҳошид ибн Абдуллох ас-Сўфи ал-Обид ал-Бухорий. “Ҳошиди Камгуноҳ”, хижрий 246/860 йили Бухорода вафот этган. Асли араб амирларидан бўлган. Амирликни сўфиликка алмаштирган олим.

18. Имом Қозихон - Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд ибн Абдулазиз ал-Марғилоний. “Фатовий”, “Жомий ул-қабир” ва “Жомий ус-Сағир” асарларининг муаллифи. Хижрий 592/1195 йили вафот этган.

19. Аҳмад Жандий - шайх ул-имом Абу Наср Аҳмад ибн ал-Фазл ибн Мусо ал-Жандий бўлади.

20. Мавлоно Шамсиддин Қаҳистоний - Мулла Шамсиддин Муҳаммад ал-Қаҳистоний (XVI а.) “Ал-кофия” асарининг шореҳи.

21. Мавлоно Ҳусайн - Муҳаммад Шариф ибн Мавлоно Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Ала-

вий “Шариф ал-Бухорий”, “Хошия ала ал-фавоиди зиёия” асарига шарх ёзган олимдир.

22. Имом Абу Ҳафс - I. Аҳмад ибн Ҳафс ибн ал-Забирқон ал-Бухорий “Абу Ҳафси кабир”. II. Абу Убайдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад Сафкардарий “Абу Ҳафси Сағир”. Биринчи имом хижрий 150-217/767-832 йиллари яшаган. Абу Ҳафси Сағир хижрий 264/877 йили оламдан утган.

23. Хожа Исмаат (Бухорий) - Хожа Фахриддин Исмаат Бухорий. Милодий 1426-1436 йиллар орасида вафот этган шоир.

24. Сиёвуш Вали - Фирдавсийнинг “Шохнома”сида васфи келтирилган Сиёвуш назарда тутилган.

25. Чор Бакр - Абу Бакр Ригдамуний, Абу Бакр Саъд, Абу Бакр Тархон-Абдуллох ибн Муҳаммад ибн Али, Абу Бакр Фазл-Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Жаъфар ал-Бухорийлар назарда тугилади.

26. Хожа Абдухолик Ғиждувоний - ибн Абдулжалил “Хожаи жаҳон” Хожагон тариқатининг асосчиларидан. Милодий 1103-1179 йилларда яшаган.

27. Сайид Амир Кулол - Сайид Умар ибн Сайид Кулол. 1400 йили вафот этган пир ва муршид.

28. Бобо Самосий - Хожагон тариқатининг муршидларидан.

29. Хожа Ориф Ревгарий - Хожагон сулукиннинг пирларидан. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида яшаб ўтганлар, милодий 1259

йилда вафот этганлар. “Орифнома” номли асарнинг муаллифи.

30. Ҳалокухон - Элхон Ҳалука 1256-1265 йиллар ҳукм сурган муғул ҳукмдори.

31. Қуссам ибн Аббос ибн Абу Муталиб ибн Ҳошим ал-қурайш ал-Ҳошимий - Ривоятларга кўра Самарқандда вафот этиб, Шохи Зинда номи билан шуҳрат қозонган саҳоба.

32. Ҳожа Абди Дарун - фикхшунос олим Абдулмажиднинг қабри устида XII-XIX асрларда қурилган меъморчилик мажмуаси.

33. Ҳожа Абди Берун - XVII аср меъморлик ёдгорлиги. 1633 йили Нодир Девонбеги ташаббуси билан қурилган.

34. Ҳожа Аҳроп - улуғ шайху муршид. Милодий 1404-1490 йилларда яшаган.

35. Шайх Абдул Мансур Мотуридий - ханафия мазҳабининг кўзга кўринган етакчиларидан бўлиб, тўлиқ исми Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Мансурдир. 944 йили вафот этган.

36. Умар Насафий - Имом Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Лукмон ан-Насафий ас-Самарқандий-ханафий мазҳабининг фақиҳи. Хижрий 461-547/1068-1152 йилларда яшаган. “Тарихи Бухоро”, “Ал-қанд фи тарихи уламои Самарқанд” (20 жилд) номли асарларнинг муаллифи. Қаранг: Абу Тоҳирхўжа. Самария-Тошкент: Камалак, 1991. 61-бет. Тарихи Муллозода. 64-бет.

37. Еттинчи имом - Абу Иброҳим Мусо Ал-Козим ибн Жаъфар ас-Содиқ. Милодий 799 йили вафот этган.

38. Ўн биринчи имом - Абдухасан Али ибн Мусо ар-Ризо. 818 йили Санобод кишлоғида ўлган.

39. Мулло Исомуддин - (Хисомуддин Шоший-Бухорий) “Хошия” (баъзан “Шарҳ-и Мулло Исомуддин”) номли машхур асарнинг муаллифи. Хижрий 819/1416 йили вафот этган.

40. Мулло Абдуғофур - Абдулғафур Лорий (Милодий 1506 й. вафот этган). Абдурахмон Жомийнинг шогирди, бир қатор асарларнинг муаллифи ва шорихи.

41. Ялангтуш Баходур - унинг бошчилигида Самарқандда 1618 йили Шердор мадрасаси қурилган.

42. Фарсах - 6-7 км.га тенг масофа.

43. Хожай Косони Махдуми Аъзам - Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний-1542 йили вафот этган.

44. Ал-Бухорий - Имом Мухаммад ибн Исмоил Абу Абдуллоҳ ал-Жуъфий. Милодий 810-870 йиллар яшаган машхур мухаддис.

45. Ҳидояи Шариф-ал-Ҳидоя фи шарҳил-бидоя - “Ал-ҳидоя фил-фуруъ”-Ал-Марғилонийнинг мусулмон қонунчилигига оид муҳим ва қимматли асари.

46. Вардонзе - эрамизнинг V-VIII асрларида мавжуд бўлган вардонхудотлар салтанатининг махсус қароргоҳи, ҳозирги Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳудудида жойлашган. Наршахийнинг ёзишича, Вардонзе Бухоро шаҳридан қадимийроқ бўлган. Халқ ўртасида “Қўрғони Вардонзе” номи билан машхур.

47. Хожа Ориф Моҳи Тобон - Шофиркон туманининг ўрта асрлардаги номи. Шофиркон шаҳри ўрнида жойлашган қадимги кентда хожагон тариқатининг 2-пирлари Хожа Ориф Моҳитобон туғилгач, ушбу жой ҳозиргача Хожа Ориф деб айтилади.

48. Сайид амир Олимхон ибн Абдулаҳад (1881-1944) - Бухородаги манғитлар сулоласининг сўнги хукмдори (1910-1920). Фрунзе бошчилигидаги қизил аскарлар томонидан 1920 йил 2 сентябрда Бухоро шаҳри босиб олингач, аввал, Шарқий Бухорога, сўнгра Афғонистонга жўнайди. Собик амир умрининг охиригача Кобулда муҳожирликда яшайди. "Бухоро халқининг ҳасрати тарихи" номли китоби машҳурдир.

49. Абдулаҳад ибн амир Музаффар (1885-1910) - Бухоро амири бўлган. У бошқа манғит амирларидан фарқли ўлароқ Бухоро мамлакатини Кармина шаҳридан туриб бошқарган.

50. Кармина - Бухоро шаҳридан 110 км шарқ томонда жойлашган қадимий шаҳар, ҳозирги пайтда Навоий туманининг маркази. Кармина Навоий шаҳридан 8 км узокликда жойлашган.

51. Остонақулбек қўшбеги - Бухоро амирлигида 1909 йилда юз берган шиа-сунний қирғини пайтида қўшбегиликдан четлаштирилган. У шиаларни қўллаб-қувватларди, ўзи ҳам эроний шиалардан бўлган.

52. Мирзо Муҳиддин сарроф - Мирзо Муҳиддин Мансуров. У йирик тижоратчи эди. Муҳиддин Мансуров 1917 йилда Ёш бухоро-

ликлар фирқасининг раиси бўлган. У Бухоро халқ республикаси ҳукуматида савдо ва саноат нозири вазифасини ҳам бажарган. Муҳиддин Мансуров давлат арбоби Абдулқодир Муҳиддиновнинг отаси.

53. Файзуллохўжа ибн Убайдуллохўжа - Файзулла Хўжаев (1896-1938)-Таниқли давлат ва жамоат арбоби. Бухорода жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири. Инқилобчи Ёш бухороликлар фирқасининг йўлбошчиси. Бухоро халқ республикаси ҳукуматининг бошлиғи (1920-1924), ташқи ва ҳарбий ишлар халқ нозири, Ўзбекистон ССР ҳукуматининг биринчи раиси (1925-1937). Ф.Хўжаев жадидчилик ҳаракати ҳақида “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” номли асарини ёзган. “Тарихи нофёий” асарининг муаллифи ўз китобида Ф.Хўжаев ва бошқа Ёш бухоролик жадидларнинг Бухоро ҳукуматида эгаллаган лавозимларини кўрсатишда ноаниқликка йўл қўяди.

54. Олимбек ибн Жўрабой пўст - Бухоронинг бой савдогарларидан бири. Тери билан тижорат қилган. Китобнинг кейинги саҳифаларида у Муҳаммад Олим Жўрабой пўстнинг ўғли деб тилга олинган.

55. Қози Мулло Мир Бурҳониддин - машҳур уламолардан, Бухоро мамлакатининг қози калони бўлган. 1917 йили баҳорда Бухорода бўлган жадидлар намоёиши арафасида ўз вазифасидан озод қилинган.

56. Мирзои Урганжий - Низомиддинбек девонбеги. У Бухоро амирлигида қўшбеги (бош

вазир) лавозимида ишлаган. Урганжий кушбеги жадидларга нисбатан золимлиги билан машум ном чиқарган. Қизил аскарлар билан бўлган жангда, 1920 йил кузида Ҳисорда ҳалок бўлган.

57. Қози Шарифжон Маҳдум (1868-1932)- Бухоро амирлигидаги Жондор, Карки, Қарши, Ғиждувон туманларида қозилик қилган. 1917 йилдан бошлаб эса, Бухоро амирлигининг қози қалони қилиб тайинланади. У жадидларни қўллаб-қувватлаган. С.Айнийнинг ҳомийси ва устози ҳисобланади. Шарифжон маҳдум Бухоро амирлиги ҳақида хотиралар китобини ёзган. Садри Зиё таҳаллуси билан ижод қилган. У замондош шоирлар ҳақида “Тазкир-ул-ашъор” (“Шеърлар тазкираси”) китобини ҳамда тарих, адабиёт, китобшунослик ҳақида асарлар ёзган. (1925-29) бўлган. Унинг асарлари ва кутубхонасидаги китоблар Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Садри Зиё томонидан тузилган кутубхона-нинг каталоги (“Асомийи кутубхонаи хусусийи Садри Зиё” номи билан ҳам машҳур) наشري режалаштирилган.

58. Мирзо Муҳиддин ўғли Мирзо Абдулқодир - Абдулқодир Муҳиддинов (1892-1934). Бухорода жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси. Бухоро ревкомининг раиси (1920-21), Бухоро халқ республикаси савдо ва саноат нозири, халқ хўжалиги олий кенга-шининг раиси, кейинчалик Тожикистон АССР халқ комиссарлар кенгашининг раиси.

59. Мирзо Насрулло - жадидларга хайрихоҳ

бўлган Бухоро кўшбегиси. Низомиддинбек де-вонбеги унинг ўрнига кўшбеги булгач. Мирзо Насрулло Кармина шаҳрида қатл қилинди.

60. Колесов - Туркистон ХКС раиси Ф.И. Колесов (1891-1940), “Колесов юриши”нинг ташкилотчиси. Колесов бошчилигидаги қизил аскарлар 1918 йил март ойида Тошкентдан Когонга келиб, Ёш бухороликлар билан биргалликда Бухоро шаҳри устига ҳужум қилдилар. Амир сарбозлари билан бўлган жангда қизил аскарлар мағлубиятга учрайди. Бу можаро 1918 йил 25 мартда Қизилтепа сулҳини имзолаш билан якунланади. Муҳаммад Али Балжувоний ёзганидек, Колесов ўз жонига қасд қилмаган.

61. Мулло Муин Махзум - Муинжон Аминов (1890-1937) Ёш бухоролик жадидлар-дан. Бухоро марказий Ижроия қўмитаси раиси (1922), Бухоро республикаси иқтисодий кенгаши (ЭКОСО) раиси (1922-23). Китобда унинг номи яна Маунжон Махдум шаклида ҳам келти-рилади. Лекин М.Аминов муаррих ёзганидек, ВХЧК раиси бўлиб ишламаган.

62. Мулло Муҳиддин Махзум Бухорий - Муҳиддин Махсум Хўжаев. У Бухоро миршабларининг бошлиғи, ЧК раиси лавозимларида иш-лаган. Муҳиддин Махсум Хўжаев 1921 йил августда Бухородаги мавжуд ҳукуматга қарши исён қўтаради ва ҳокимиятни тортиб олмоқчи бўлади. Аммо у мағлубиятга учраб, Душанбе атрофига қочади. Бир йиллик жангу жадалдан сўнг таслим бўлади.

63. Мирзо Мукомил Махзум - Мукомил

Бурхонов. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган вакили. Муаллиф сал куйирокда уни Мукомил Махзум деб атайди. 1916 йилда Ёш бухороликлар фирқасининг раҳбари. Бухоро халқ республикасида адлия ноziри вазифасида ишлаган. Миллий истиқлол ғоялари учун мас-лакдошлари билан биргаликда 1937 йил октя-брда совет ҳукумати томонидан қатл қилинади.

64. Муҳиддин қози Абдулҳаким Бойсу-ний - бу шахс ҳақида маълумотларимиз йўқ.

65. Қори Йўлдош Каркилик Махзум - Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965). Каркидаги Ёш бухороликлар ҳаракатининг кўзга кўринган арбобларидан бири. Бухоро халқ республика-сида маориф (1920-22), молия (1923-24) халқ ноziри бўлиб ишлади. 1925 йилнинг февралда Ўзбекистон ССРнинг биринчи молия халқ ко-миссари бўлди.

66. Мулло Рафиқ махзум - Раҳмат Рафиқ ёки Раҳмат Абдуллабекович Рафиқов (1886-1930), Бухоро компартиясининг ташкилотчила-ридан бири. Бухоро халқ республикасида тур-ли лавозимларда ишлади. Шаркий Бухоро ишла-ри бўйича фавқулодда (диктаторлик) комиссия-нинг раиси бўлган (1923-34). Муаллиф сал ку-йирокда уни Муҳаммад Рафиқ Афанди деб тил-га олишади.

67. Мулло Абдурауф Махдум Фитрат (1886-1938) Бухородаги жадидчилик ҳаракати-нинг асосчиларидан бири. Туркияда таҳсил ол-ган. Бухоро халқ республикасида маориф ноzi-ри бўлиб ишлаган (1923). Йирик адиб ва мушо-ҳадаси кенг олим.

68. Музаҳҳар Махдум Бухорий - Музаҳҳар Бурхонов. Бухородаги машҳур Бурхоновлар хонадонидан. Туркияда таълим олган. Мукомил ва Абдувоҳид Бурхонов (Мунзим)нинг акаси. Ёш бухороликлар ҳаракатининг кўзга кўринган вакили.

69. Садриддин Айний (1878-1954) - Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг илк намояндаларидан. Асосан маърифатпарварлик билан шуғулланган. XX аср тожик ва ўзбек адабиёти тараққиётига самарали ҳисса қўшган атоқли ёзувчи ва олим. “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар”, “Бухоро манғит амирлари тарихи” асарларининг муаллифидир.

70. Маҳмудхўжа Бехбудий (1874-1919) - Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси. Ф.Хўжаев унинг фаолиятига жуда юқори баҳо берган. Бухоро амири Сайид Олимхоннинг махфий фармони билан 1919 йил Қарши шаҳрида ўлдирилди.

71. Турақулбой пўст - Бухорода қорақўл тери савдоси билан шуғулланувчи йирик савдогар.

72. Хоразмнинг мустақил хони - 1910-1918 йилларда Хива хони Асфандиёрхон, 1918-1920 йилларда Саид Абдуллоҳ бўлган. Аслида, ушбу даврда Хива хонининг амалдаги ҳукмдори туркманларнинг ёвмут уруғи етакчиси Жунаидхон - Қурбон Мамед Сардор (1857-1938) эди.

73. Ҳабибуллоҳ - ибн Абдурахмон - 1901-1919 йилларда Афғонистонда ҳукмронлик қилган амир.

74. Лаклақа тумани - ҳозирги Бухоро вилоятининг Ромитан тумани бўлиб, у ерда Лаклақа кенги бор. Бу жой Бухоро шаҳридан 18 км узоқликда жойлашган.

75. Масчоҳ бекларидан Муҳаммад Амин ва Шермуҳаммадбек - ушбу ўринда муаррих ноаниқликка йўл қўяди. Муҳаммадаминбек (Мадаминбек) (1892-1920) ва Шермуҳаммадбек (1893-1970) Масчоҳ бекларидан бўлмай, Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан эди. Улар 1918-22 йилларда водийдаги босқинчи қизил аскарларга қарши кураш олиб бордилар. Архив манбалари ҳам шу саркардалар билан Бухоронинг собиқ амири Сайид Олимхон ўртасида ҳарбий алоқалар мавжудлигини тасдиқлайди.

76. Домулло Икром - Домулло Икромча номи билан машҳур бўлган Бухоронинг маорифпарвар уламоларидан.

77. Мусахон Афанди - Муса (Мухтор) Саиджонов (1893-1938). Ёш бухоролик жадидлардан бўлган М.Саиджонов Бухоро халқ республикасида турли масъул лавозимларда ишлаган: ички ишлар халқ нозири (1920-21), 1922-23), давлат назорати нозири (1920-21), маориф нозири (1923), Бухоро МИК масъул котиби (1923-24) бўлган.

78. Усмонхўжа ... ўғли - Усмонхўжа Пўлатхўжаев (1890-1968). Бухородаги жадидчилик, кейинчалик Ёш бухороликлар ҳаракатининг асосчиларидан бири. Фитрат ва Музаҳҳар Бурхонов сингари Истанбулда таҳсил олган. Бухоро

халқ республикасида Молия нозири (1920-21), давлат Назорати нозири (1921) лавозимларида ишлаган. Бухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг 1-раиси (1921). 1921 йил декабрда Шарқий Бухородаги мужоҳидлар сафига бориб қўшилди, сўнгра Афғонистон ва Туркияга жўнаб кетди. Туркистон мустақиллиги учун хорижда туриб курашди. Туркияда 1926 йилдан бошлаб “Янги Туркистон” мажмуасини чиқарди. Умрининг охиригача Туркияда муҳожирликда яшади.

79. Аршин - 71,12 смга тенг узунлик ўлчови.

80. Газ - 62-64 смга тенг узунлик ўлчови.

81. Таноб - 0,4 гектардан 0,9 гектаргача бўлган ҳажмдаги ер ўлчови.

82. Мулла Абдулқаҳҳор Коровулбеги (1884-1924) - Ғарбий Бухородаги мужоҳидлар қўшинининг етакчиси, жасур қаҳрамон. Бухоронинг Ѓиждувон туманидан бўлган Мулло Абдулқаҳҳор қўрбоши қарийб 5 йил давомида Бухородаги босқинчи кизил аскарларга қарши кураш олиб борди. Хўжа Убонлик Мулла Абдулжаббор, Қорақўлнинг Пойкент мавзеидан Мурод Полвон, шофирконлик Ўрмон Полвон, Остон Қоровулбеги, Хайит Аминлар унинг энг яқин сафдошлари эди. Мулла Абдулқаҳҳор 1924 йилнинг охирида Қизилқумда бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилди. Муаррих Муҳаммад Али Балжувоний ўз асарида қўрбошиларни “босмачилар” деб атаса-да, ушбу нозик ва қалтис муаммога ўз муносабатини муайян даражада билдира олган.

83. Қорақулбек - бу қўрбоши хатирчилик

бўлиб, 1921-1923 йилларда Кармина ва Нурота вилоятларида душманга қарши курашган мужоҳидларнинг етакчиси ҳисобланади.

84. Мулла Абдулжаббор Якдаста, Турдибек, Додхоҳбек кўрбошилар - Ўрта Бухорода, яъни Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор, Қаршидаги қизил аскар қисмларига қарши курашдилар. Хусусан, Жаббор кўрбоши Шаҳрисабздаги кенагас уруғининг бошлиғи бўлиб аёвсиз кураш олиб борган.

85. Дониёлбек оталиқ - Анвар пошшога қўшилиб жанг қилган жасур кўмондонлардан. У аслан Озарбайжон туркларидан бўлган, кўрбошилар ўртасида катта шуҳрат қозонган.

86. Очилдиев (Очил дов), Баҳромбек ва Зиёвуддин - Самарқанд вилоятидаги истиқлолчиларнинг бошликлари бўлиб. улар ўртасида, айниқса, Очилбек жуда машҳурдир. Туркиялик тадқиқотчи Али Бодомчининг ёзишича, Очилбек аслан найман қабиласи ўзбекларидан бўлиб, жаҳид мактаблари таъсирида маданий савиясини оширган. У Самарқанд-Зарафшон худудидан Масчо тоғлари этакларига қадар бўлган жойда совет ҳокимиятини тугатган. Очилбек 1923 й. 9 майда Китоб атрофида бўлган жангда ўлдирилди. Архив ҳужжатларида келтирилишича, Очилбекнинг ўлиmidан кейин унинг дастасига Зиёвуддин бошчилик қилди. Баҳромбек ҳам Самарқанддаги энг ёвқур кўрбошилардан бири бўлган.

87. Мулло Тўхтамиш, Ҳамробек, Мулло Масодик, мулла Тоғой - Жиззах ва Самар-

қандлик кўрбошилар бўлиб, уларни муаллиф “ноинсоф босмачилар” деб атайди. Аслини олганда, Мулла Ҳамроқулбек Самарқанд, Жиззах, Нурота вилоятлари билан Туркистон тизма тоғлари орасида большевикларга қарши курашган жасур кўрбошидир.

88. Иброҳимбек тўксабо - мулло Муҳаммад Иброҳимбек кўрбоши (1889-1932). Шарқий Бухорода айрим танаффуслар билан 11 йил давомида совет ҳокимияти ва коммунистик тузумга қарши фидокорона кураш олиб борган, ўзбек лақайларининг йўлбошчиларидан. Бухоро кўрбошиларининг Анвар пошшодан кейинги энг машхур қўмондони. 1931 йил июнь ойида совет чекистлари томонидан қўлга олинди ва 1932 йил августда қатл қилинди.

89. Эшон Султон Халифа - Дарвоз беклигидаги истиқлолчилар ҳаракатига раҳбарлик қилган. Ватанпарварларнинг фидойилиги натижасида қизил аскарлар Дарвознинг пойтахти Қалғай Хумбни фақат 1923 й. август ойида босиб олишга муваффақ бўлишади.

90. Фузайл Махсум - Қоратегин беклигидаги энг машхур кўрбоши. Бекликнинг марказий шаҳри Ғармни 3 йил давомида қизил аскарлардан Ҳимоя қилади. Унинг қўл остида 26 та кўрбоши дасталари бўлган. Фузайл Махдум 1929 йил апрель-май ойларида ҳам Афғонистондан ўтиб, Дарвоз ва Ғармни қисқа муддат давомида ишғол қилади.

91. Давлатмандбек бий - Шарқий Бухородаги Балжувонда беклик қилган жасур кўрбоши.

Али Бодомчининг ёзишича, Давлатмандбек Ка-молиддинбек ўғли “асли тожикланмиш туркдир. Миллий шуур жихатидан ҳам Шарқий Бухоро кўрбошиларининг энг ойдинидир...” 1922 й. 4 августда Курбон Хайити куни Балжувон атрофи-да бўлган жангда ўлдирилди.

92. Анвар пошшо (1881-1922)-туркиялик машхур саркарда. У Туркия, Македония. Кавказ, Германия, Россия, Туркистон ва Бухородаги сиёсий жараёнларда фаол катнашган. Анвар пошшо 1921 йил октябрда Бухоро шахрига келди ва кўп ўтмасдан Шарқий Бухородаги кўрбоши дасталарига умумий раҳбарликни ўз қўлига олди. Анвар пошшо 9 ой давомида бўлган шиддатли жангларда қизил аскарларга қақшатқич зарбалар беришга муваффақ бўлди. Анвар пошшо 1922 йил 4 августда Балжувон атрофида ҳалок бўлган.

Муҳаммад али Балжувоний

Тарихи нофейй

“Академия” нашриёти
Тошкент - 2001

Мухаррир Г.Абдуллаева
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир И.Розикова
Мусахҳихлар Ш.Юсупов, Т.Соатова
Компьютерчилар Л.Фахрутдинова, И.Абдувосидова,
Ж.Ҳотамо

Теришга берилди 19.05.2001 й. Босишга рухсат этилди
19.06.2001 й. Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма
табоғи 7,6. Нашриёт ҳисоб табоғи 7,0. Адади 1000. Баҳоси
шартнома асосида. Буюртма №

“Akadem-xizmat” босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Ўзбекистон шох кучаси, 45.



920c

